



XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI



А.АВЛОНӢ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛARНI КАСБӢ
РIVOЖЛАНТИРИШ ВA ЯНГI МЕТОДИКАЛАРГA
ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ-ТАДКИКОТ ИНСТИТУТИ


Таҳлилий ҳисобот



2022



PISA, PIRLS ва **TIMSS** халқаро тадқиқотлари
талаблари асосида ўтказилган баҳолаш
натижалари бўйича таҳлилий ҳисобот





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ



А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ
МИЛЛИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

PISA, PIRLS ва TIMSS ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТЛАР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА
ЎТКАЗИЛГАН БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА

ТАҲЛИЛИЙ ҲИСОБОТ



Б.Сайдов, У.Шарифходжаев, А.Раджиев, Ф.Каримов,
С.Азимов, М. Эргашева, Н.Таштемирова, М. Ахмедов



Тошкент-2022

Ушбу тадқиқот натижалари А.Авлоний номидаги педагог кадрларни ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган STesting платформа маълумотлари асосида тайёрланди. Бу ерда келтирилган илмий таҳлилий маълумотлар ва далиллар Ўзбекистонда халқаро тадқиқотларни ўтказиш бўйича тегишли масъул ташкилотларнинг расмий қарашларини акс эттирмайди.

Тузувчилар:

Б.Саидов – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири.

У.Шарифходжаев – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринbosари.

А.Раджиев – А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти ректори, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Ф.Каримов – А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти ректор ўринbosари, сиёсий фанлар доктори (DSc), доцент.

С.Азимов – А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти Таълим сифатини баҳолаш бўлими мудири, кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

М.Эргашева – А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти Таълим сифатини баҳолаш бўлими етакчи илмий ходими, биология фанлари номзоди, доцент.

Н.Таштемирова – А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти Таълим сифатини баҳолаш бўлими катта илмий ходими.

М.Ахмедов – А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти Илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|------------|
| СҮЗ БОШИ..... | 4 |
| I. PISA ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТАДҚИҚОТИ..... | 9 |
| 1.1. PISA ўқиши саводхонлиги бўйича натижалар..... | 13 |
| 1.2. PISA табиий-илмий саводхонлик натижалари..... | 29 |
| 1.3. PISA математик саводхонлик натижалари..... | 45 |
| 1.4. PISA тадқиқоти натижалари хулосалари..... | 57 |
| II. TIMSS ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТАДҚИҚОТИ..... | 63 |
| 2.1. TIMSS дастури математика фани тадқиқотлари натижалари..... | 65 |
| 2.2. TIMSS табиий фанлар тадқиқотлари натижалари..... | 85 |
| 2.3. TIMSS тадқиқотлари натижалари хулосалари..... | 115 |
| III. PIRLS ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТИ..... | 119 |
| 3.1. PIRLS халқаро баҳолаш тадқиқоти натижалари..... | 123 |
| 3.2. PIRLS тадқиқоти натижалари хулосалари..... | 135 |
| IV. ЯПОНИЯ УСЛУБИДАГИ АКАДЕМИК ЎЗЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШ | |
| ТЕСТ МОДЕЛИНИ ЎЗБЕКИСТОНГА КИРИТИШ ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА | |
| ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ..... | 141 |
| ХУЛОСА..... | 149 |
| ТАКЛИФЛАР..... | 153 |



“Таълим-тарбия — бу бизнинг келажагимиз, ҳаёт-мамот масаласи. Шу боис, бу соҳадаги ислоҳотларни кечикиришга ҳаққимиз йўқ. Қанчалик мураккаб бўлмасин, мактаб таълимида пойдеворни бугундан мустаҳкам қўйишимиз керак. Чунки биз қўп вақт йўқотганмиз».

Шавкат Мирзиёев

СҮЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) Халқаро миқиёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илфор мамлакати қаторига киришига эришиш белгилаб қўйилган.

Ушбу мақсад йўлида, ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро PISA, матнни ўқиб тушуниш даражасини баҳолаш бўйича PIRLS, математика ва табиий-илмий фанлар бўйича халқаро ўрганиш тенденцияси TIMSS, мактаблардагитаълим мухитини ўрганиш бўйича TALIS тадқиқотларида Ўзбекистон Республикаси умумтаълим муассасаларининг иштирокини таъминлаш бўйича қатор вазифалар белгиланди.

Дунёдаги ривожланган мамлакатлар таълим тизимида таълим сифатини ошириш, халқаро баҳолаш жараёнларида муносиб қатнашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро тадқиқотларга тайёргарлик қўришга йўналтирилган PISA, TIMSS, PIRLS **халқаро баҳолаш дастурлари доирасидаги топшириқлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш, ўқитувчи ва ўқувчиларни тайёрлаш, уларнинг билим, кўникма ва компетенцияларини, шунингдек, ўқувчиларда ижодий ва мантиқий фикрлаш ҳамда тегишли фан йўналишлари бўйича саводхонлигини ривожлантириш, ўқитувчиларга амалий ва услубий ёрдам бериш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ва А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти томонидан STesting электрон платформаси (<https://stesting.uz>) ишлаб чиқилди.**

STesting – бу ўқувчиларни халқаро баҳолаш дастурлари (PISA, TIMSS, PIRLS) доирасидаги топшириқлар билан ишлаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган электрон тизим бўлиб, видеоқўлланмалар,

турли халқаро нашрлар ҳамда тест-топшириқларни ўз ичига олган инновацион платформадир.

STesting электрон платформаси – ўқувчиларни илм-фан ютуқларидан боҳабар ва инсон саломатлиги билан боғлик муаммоларни ҳал этувчи қарорларни мустақил қабул қилиш, эгаллаган билимларини реал ҳаётий вазиятларда қўллай олиш, табиат ва жамият ҳодисаларига нисбатан муносабат билдира олиш каби кўниқмаларини ривожлантириш, уларни ҳаётга тайёрлаш ва замонавий касбларга бўлган қизиқишларини оширишда муҳим кўмакчи вазифасини ўтайди.

Ушбу платформада **1449** та тест-топшириқлари, **103** та медиакурслар, **40** та кимё ва биология фанларидан малака ошириш медиа курслари ўрин олган. Шулардан, **PISA** халқаро баҳолаш тадқиқотига оид **30** та блок ва **489** та саволлар бўлса, **TIMSS** халқаро баҳолаш тадқиқотига оид эса **8** та фангатегишли **583** та назорат саволлар жой олган ва **PIRLS** халқаро баҳолаш тадқиқотига оид **30** та блокдан иборат **377** та саволлар платформага жойлаштирилган.

STesting электрон платформаси статистикасига эътибор қаратадиган бўлсақ, 2022 йилнинг февраль-июль ойлари давомида юртимиздаги **7750** дан ортиқ мактаблар ушбу электрон плафтормадан рўйхатдан ўтган бўлиб, уларда **2500000** дан ортиқ мактаб ўқувчиларимиз тест-топшириқларни бажариб келмоқдалар. Ушбу бажарилган тест-топшириқлар **12 нафар** малакали педагог-мутахассислар томонидан ўзбек ва рус тилларида текширилиб баҳоланмоқда. Ҳозирда **2000000** дан ортиқ тест топшириқлар текширилиб баҳоланди.

Ушбу рақамлар ортида Ўзбекистоннинг миллий таълим тизимини ривожлантириш, жозибадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолашга йўналтирилган миллий баҳолаш тизимини яратиш мақсадлари илгари сурилган.

Замонавий мактаблар ўқувчиларга доим ривожланиш ва ўсишга, ўзгариб турадиган оламда ўз ўрнини топиш ва ривожлантиришга ёрдам бериши керак.

PISA тадқиқотининг энг муҳим қашфиётларидан бири шуки, таълим тизимлари ўзгариши ва яхшиланиши мумкин экан.

Ўтмишда кўргазмалитаълимга амал қилинарэди. Келгусидагитаълим кўпроқ лойиҳалаш ва фаолиятга асосланиши керак. Бунинг негизида ўқувчиларга фанлар чегарасидан ташқарида фикрлашга кўмак берадиган тажрибани шакллантириш ётади. Ўтмишда ҳамма бир хил ўқитилар эди. Келгусида эса мактабларда хилма-хилликни, таълимга дифференциал ёндашувни рағбатлантиришни йўлга қўйиш керак.

Ўтмишда таълимнинг асосий вазифаси стандартлаштириш ва мутаносиблик эди. Келгусида таълим ўқувчиларнинг қизиқишилари ва қобилиятларига, ўқув жараёнини ихтисослаштиришга асосланган бўлиши керак, баҳолаш эса ўқувчи шахсияти ва иқтидорини ривожлантиришга кўмаклашадиган усулларда олиб борилиши лозим. Келгусидаги таълим ўқувчиларни қашфиётчилик ва топқирликка ундаши лозим.


Аввалги таълим стандартларида асосий эътибор таълим жараёнини таъминлашга қаратилган эди, ҳозирги замонавий стандартлар натижага қаратилиши керак. Мактаб таълим мининг инновацион шароитларини ишлаб чиқадиган жойга айланиши керак.

Баҳолаш болалар таълими ҳақидаги маълумот манбаларидан бирига айланиши, ўқитувчилар ва таълим сиёсатини белгиловчи шахсларга таълим динамикасини қузатиб боришга ёрдам бериши лозим. Баҳолаш тизимини халқаро баҳолаш дастурлари ва педагогик методлар учун фойдаланадиган инструментлар ёрдамида қайта кўриб чиқиш лозим.

Ушбу STesting электрон платформаси натижалари асосидаги илмий таҳлиллар Ўзбекистон таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларга, қабул қилинаётган қарорларни самарали жорий этишга ва бу жараённинг асосий иштирокчилари ўқитувчи ва ўқувчиларга катта ёрдам беради.

**Халқ таълими вазири
Б. Сайдов**






I. PISA

ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТАДҚИҚОТИ




• • •

PISA, PIRLS ва TIMSS халқаро тадқиқотлари талаблари асосида
ўтказилган баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий ҳисобот



А.АВЛОНӢЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБӢ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА
ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ-ТАДКИКОТ ИНСТИТУТИ



«Ўқувчилар ўзлари реал ҳаётда дуч келадиган муаммолар билан танишиши ва уларни ҳал қилишда олимлар, тақризчилар, файласуфлар баъзан эса бирданига барчаларининг нуқтаи назаридан ёндашишлари даркор».

Андреас Шляйхер

I. PISA ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТАДҚИҚОТИ

1961 йилда иш бошлаган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Organisation for Economic Cooperation and Development – OECD) ўтган давр мобайнида молиявий соҳада юзага келган турли муаммоларнинг ёнимини топиш устида изланишлар олиб борди. Айниқса, янги аср остонасида ушбу ташкилот негизида дунё таълим мининг асосий бўғини бўлган умумий ўрта таълимни ривожлантириш мақсадида PISA (The Programme for International Student Assessment) – ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро дастур ишлаб чиқилди. Иқтисодий ташкилотнинг таълим соҳасига мурожаат этишининг боиси шундаки, ҳар қандай соҳа учун кадрлар мактабларда, оддий синфхоналарда улғайишидир. Шу маънода OECD дек улкан тузилма ҳам давлатларнинг таълим тизимига қанча маблағ сарфлаётгани ва улар нечоғлик самара бераётгани рейтингини тузишга мажбур бўлди. Кейинчалик бутадқиқотга бошқа давлатларнинг ҳам қизиқиши ортиб, унда қатнаша бошлади.

Таҳлилий маълумотларни ўрганаарэканмиз, PISA нинг 2018 йилда ўтказилган тадқиқотларида дунёning ривожланган ва ўрта даромадли **79** давлатидан жами **10** миллиондан кўпроқ бола қатнашганини, бугунги кунда PISA дастури иштирокчи давлатлари **88** тадан ошганига этиборимизни қаратдик. PISA бир хил стандарт ва талаб билан бутун дунёдаги ўқувчилар билимини баҳолайди. Унинг

баҳолаш талабарини ҳеч бир давлат миллий стандартига ёки ўқув дастурига солиштириб бўлмайди. Бунда ўқувчилар билими ўқиши, математик саводхонлик ва табиий фанлар саводхонлиги йўналишларида ўзлаштирган билимларни ҳаётий вазиятларда қай даражада ишлата олиши текширилади. PISA тадқиқотларида юқори натижани қўрсатиш учун ўқувчилар ўз билимларини керакли вазиятларда тадбиқ этишлари, фанлар чегарасидан чиқиб фикрлашлари ва янги вазиятларда ўз билимларини ижодий қўллай олишлари лозим. Бироқ биз ўқувчиларга фақат ўзимиз билган нарсани ўргатсак, улар балки фақат бизнинг йўлимиздан бориши учунгина эслаб қолишар. Агар биз уларни ўқишига ўргатсак, улар ўз йўлларини танлашда эркин бўладилар. Чунки ҳаёт эртага бизнинг шундай муаммоларни ҳал қилиш қобилияти мизни текширади. PISA тадқиқотининг энг муҳим кашфиётларидан бири шуки, таълим тизимлари ўзгариши ва яхшиланиши мумкин экан.

Бундан ташқари, **2022** йилги дастурда креатив фикрлаш қўниумаси ҳам алоҳида йўналиш сифатида баҳоланади. PISA дастурида илк марта қатнашгунча Германия ўз таълим тизимини илфор ва камчилиги йўқ, дея баҳолаб келган. Бироқ бу давлат учун натижа кутилгандай бўлмагандан сўнг хатолар таҳлил қилина бошланган. Ўшанда Германия таълим тизимининг нисбатан ёпиқлиги, тажриба алмашиш дастурларига етарли эътибор қаратилмаётгани маълум бўлган. Шундан сўнг Германияда таълим билан боғлиқ бутун тизим қайта кўриб чиқилган ва алоҳида **PISA Shock** номли дастур ишлаб чиқилган. Орадан 9 йил ўтгандан сўнггина Германия PISA рейтингида юқорилай бошлайди. Бугун таълим тизими дунё бўйича энг олдинги қўрсаткичларни банд қиласиган Финландиянинг ҳам даставвал PISA тадқиқотларида натижалари жуда яхши чиқмаган. Шундан сўнг Финландия фақат қўрсаткичи юқори мактабларга ва ўқувчиларига эмас, балки марказдан узоқда жойлашган таълим муассасаларига ҳам алоҳида эътибор беришни бошлаган. Япония эса 2006 йилда PISA дастурида биринчи марта қатнашганида таълим тизимида асосан, ўқув дастурида берилган маълумотни

яҳши баҳолашга кўп эътибор қарататётгани маълум бўлган. Ўшанда Япония ўқувчилари фикрлашга ва ўйлашга мажбур қиласиган саволларга жавоб топишда қийналаётгани кузатилган. Мана шу камчиликни тўғрилашга ҳаракат қилинган. Ўзбекистон таълим тизими кўп йиллар давомида болалар хотирасини синашга урғу бериб келган, PISA эса бунинг бутунлай тескариси: олинган билимнинг амалиётда қай даражада кўллай олинишини текширади.

Шу кунга қадар PISA тадқиқоти натижалари асосида иштироқчи мамлакатлар ўзларининг таълим тизимида турли ўзгаришлар, янги ёндашувларни амалга ошириб келмоқда. Аксарият ҳолларда бу ислоҳотлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. PISA тадқиқоти таълим тизимининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаб, у ҳақда объектив хулоса беради. Таълим тизимининг “қайси нуқтада турганлигини” ва “қаерга қараб юриши” кераклигини қўрсатади. Бу орқали таълимни ривожлантиришни стратегик режалаштириш имконияти пайдо бўлади.

PISA тадқиқоти натижалари асосида Миллий таълим тизими ислоҳ қилинади. Тадқиқот натижалари таълим мазмунини (фан концепциялари, ўқув режа ва дастурлар, ўқитиш ва баҳолаш методологиясини), педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини такомиллаштиришда ҳамда дарсликларнинг янги авлодини яратишга хизмат қиласиди.

Биз қуйида, STesting платформасида юртимиздаги 15 ёшли мактаб ўқувчилари томонидан бажарилган PISA халқаро тадқиқоти топшириқларини баҳолаш натижаларини ҳамда уларнинг динамикаси илмий таҳлилини қўриб чиқамиз.



1.1. PISA ЎҚИШ САВОДХОНЛИГИ БЎЙИЧА НАТИЖАЛАР

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, STesting платформасида PISA халқаро баҳолаш дастурларига оид **30** та топшириқ ва бу топшириқлар таркибида **489** та саволлар мавжуд. Мазкур саволларнинг **189** таси жавоби ёзиладиган (очик) топшириқлар бўлса, қолган **300 та** топшириқлар жавоби танланадиган (ёпик) саволлардир. Текширувчилар томонидан ҳозирги кунга қадар сал кам **1 000 000** жавоби ёзиладиган (очик) саволлар текширилди.

Ушбу платформадаги топшириқларда матнларнинг динамик туридан кўплаб фойдаланилди. Бу топшириқлар орқали ўқувчилардаги бир неча манбали матнлар билан ишлаб, керакли маълумотларни ўзаро интеграция қила олишлари, улардаги маълумотларни ўзаро солиштира олишлари, манбанинг ишончилилигини баҳолай олишлари, матн мазмуни ва шакли ҳақида хулоса чиқара олиш компетенциялари қай даражада шаклланганлиги ўрганилди.

Платформага қўйилган топшириқлар таҳлили шуни кўрсатдики, ўқувчилар бир манбали матн билан ишлашда катта қийинчиликларга дуч келмади. Матндаги очик ҳолатда берилган саволларга аксар ҳолларда тўлиқ жавоб берилган, чунки она тили ва адабиёт дарсларида ўқитувчиларимиз бу каби саволлардан фойдаланадилар.

1-расм. Ўқувчиларнинг компетенциялари даражалари.



Юқоридаги диаграммадан ўқувчиларимизда айнан ўқиган матнларини таҳлил қилиш, ундаги маълумотларни ўзаро бир-бири билан боғлаш ва улар асосида хулоса чиқариш, матндаги ҳар бир конструкциянинг матн мазмунига таъсири, берилаётган маълумотларнинг ишончлилигини ва сифатлилигини баҳолай олиш компетенциялари яхши шаклланмаганлигини кўриш мумкин.

1-жадвал. PISA ўқиш саводхонлиги натижалари.


| Т/Р | ХУДУД | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|-----------------|-----------------------|
| 1 | Сирдарё | 17,7 |
| 2 | Тошкент вилояти | 11 |
| 3 | Хоразм | 10,6 |
| 4 | Қорақалпоғистон | 9 |
| 5 | Навоий | 9 |
| 6 | Бухоро | 8,6 |
| 7 | Қашқадарё | 8,6 |
| 8 | Самарқанд | 7,8 |
| 9 | Наманган | 7,5 |
| 10 | Жizzах | 7,4 |
| 11 | Фарғона | 7 |
| 12 | Андижон | 6,8 |
| 13 | Тошкент шаҳар | 6 |
| 14 | Сурхондарё | 5,7 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 8,8 |

STesting платформасининг статистикасига кўра PISA ўқиш саводхонлик бўйича республикамизнинг барча худудлари бўйича 15 ёшли мактаб ўқувчиларнинг ўртача умумий баҳолаш натижаси **8,8%** ни ташкил этди (1-жадвал). Мамлакатимизнинг 14 та худуди бўйича фақатгина **3** та (Хоразм, Тошкент вилояти, Сирдарё) вилоятларигина **10% дан юқори** баҳолаш натижаларини қайд этган бўлса, қолган барча вилоятларнинг мактаб ўқувчилари ўқиш саводхонлик бўйича **10% дан** қўйи баҳолаш натижаларини кўрсатганлар. Сирдарё вилояти мактаблари **17,7%** баҳолаш натижалари билан бошқа вилоятларга нисбатан яхши

натижани қайд этган бўлса, Тошкент шаҳар, Сурхондарё вилоятлари мактаблари ўз натижаларини **6%** дан ҳам ошира олмаганлар.

Республикадаги деярли барча мактаб ўқувчилари бир манбали матн топшириқларни бажариш бир оз осон бўлган. Топшириқлардаги матн ичидаги очик ҳолда берилган саволларга кўп ҳолларда тўлиқ жавоб берилган, сабаби, фан ўқитувчилари дарс мобайнида бу каби саволлардан фойдаланадилар. Ўқувчилар томонидан бажарилган топшириқларнинг таҳлили ва платформанинг статистик натижаларига асосан ўқувчиларда ўқиган матнларини таҳлил қилиш, ундаги маълумотларни ўзаро бир-бири билан боғлаш ва улар асосида хulosha чиқариш, матндаги ҳар бир конструкциянинг матн мазмунига таъсири, берилаётган маълумотларнинг ишончлилигини ва сифатлилигини баҳолай олиш компетенцияларини яхши шаклланмаган деган хulosага қелиш мумкин.

2-расмда Андижон вилоятининг 14 та туманларида PISA ўқиш саводхонлик бўйича натижалар таҳлили билан танишиб чиқамиз.



**2-расм. Андижон вилояти туманларида
PISA ўқиш саводхонлиги натижалари.**

Андижон вилоятида PISA ўқиши саводхонлиги бўйича умумий натижага **6,8%** ни ташкил этмоқда. Вилоят туманлари орасида Жалақудук, Избоскан ва Андижон туманларининг **12,6-13%** ўқиши саводхонлиги бўйича баҳолаш натижалари билан нисбатан яхши натижани кўрсатган бўлса, қолган барча туманларнинг кўрсаткичи эса жуда паст. Ушбу туманларда ўқувчиларнинг ўқиши саводхонлиги қониқарсиз ахволда, жавобларга юзаки қаралганлигини кўриш мумкин.

Кўйида (2-жадвал) юртимизнинг энг олис шимолий худудларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг 16 та туманларида PISA ўқиши саводхонлик бўйича натижалари келтириб ўтилган.

2-жадвал. Қорақалпоғистон Республикаси туманларида PISA ўқиши саводхонлиги натижалари.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Амударё | 22,6 |
| 2 | Кегейли | 14,6 |
| 3 | Қонлиқўл | 13,4 |
| 4 | Беруний | 11 |
| 5 | Элликқалъа | 10,8 |
| 6 | Тахиатош | 10,6 |
| 7 | Мўйнок | 10 |
| 8 | Шуманай | 9,2 |
| 9 | Нукус | 9,2 |
| 10 | Қўнғирот | 6,4 |
| 11 | Хўжайли | 6 |
| 12 | Чимбой | 5 |
| 13 | Бўзатов | 5 |
| 14 | Тўртқўл | 4,6 |
| 15 | Қораўзак | 3 |
| 16 | Тахтақўпир | 2,6 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 9 |

2-жадвалдан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам PISA ўқиш саводхонлик бўйича олинган натижаларни яхши деб бўлмайди. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича умумий баҳолаш натижаси **9%** ни ташкил этган. Амударё туманининг натижаси бошқа туманлар орасида **22,6%** баҳолаш кўрсаткичи билан яхши натижани қайд этиб турган бўлса, Тахтакўпир тумани эса **2,6%** баҳолаш натижаси билан энг паст натижани кўрсатган. Лекин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, платформанинг статистикасидан олинган маълумотларга кўра барча вилоятлар орасида Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани 4-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Фарруҳ Собурбоевнинг PISA ўқиш саводхонлик бўйича кўрсаткичи жуда баланд бўлиб, **97%** ни ташкил этган. 18-сон мактабнинг 9-синф ўқувчиси Раҳматжон Раззақов ҳам **90%** натижা билан кучли ўнталиқдан жой олган.

Бухоро вилоятининг 11 та туман ўқувчилариининг PISA ўқиш саводхонлик бўйича натижалари 3-расмда келтирилган.



3-расм. Бухоро вилояти туманларида PISA ўқиш саводхонлиги натижалари.

Бухоро вилоятида PISA ўқиши саводхонлик бўйича умумий ўртача баҳолаш натижалари **8,6%** ташкил этган (3-расм). Вилоятда Олот, Бухоро ва Когон туманлари нисбатан баландроқ, мос равишда **13,2%, 14,4%** ва **14,8%** натижалар билан ажралиб турибди. Қолган туманлар эса ўртача **8-13%** натижани қўрсатган. Натижалар паст бўлишига қарамай, деярли ҳар ой ўқувчилар фаоллиги кўринган. Айниқса, апрель ойидаги вилоят мактаб ўқувчиларининг фаоллигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бухоро вилояти таълим соҳасига катта эътибори билан ажралиб туриши барчага маълум, аммо **STesting платформада** олинган рақамларга кўра, вилоятнинг 15 ёшли мактаб ўқувчилари PISA ўқиши саводхонлиги топшириқларини бажаришда ўз билимларини намоён қилиб бера олмаганлар. Вилоят ўқувчилари асосан, ўқиган матнларини таҳлил қилишда қийинчиликларга дуч келганлар.

Навбатдаги 3-жадвалда Жиззах вилоятида 15 ёшли мактаб ўқувчиларининг PISA ўқиши саводхонлик бўйича баҳолаш натижалари келтирилган.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Зарбдор | 16 |
| 2 | Дўстлик | 11 |
| 3 | Ғаллаорол | 10 |
| 4 | Шароф Рашидов | 10 |
| 5 | Фориш | 9 |
| 6 | Бахмал | 7 |
| 7 | Зафаробод | 6 |
| 8 | Мирзачўл | 5 |
| 9 | Зомин | 4 |
| 10 | Арнасой | 4 |
| 11 | Янгиобод | 4 |
| 12 | Пахтакор | 3 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 7,4 |

**3-жадвал. Жиззах вилояти туманларида
PISA ўқиши саводхонлиги натижалари.**

Жиззах вилоятининг 12 та туманлари бўйича PISA ўқиш саводхонлигидан умумий ўртача баҳолаш **7,4%** ни ташкил этган. Зарбдор тумани бошқа туманларга нисбатан **6** ой давомида энг баланд – **16%** натижани кўрсатган. Ушбу худуд чўл зонасида жойлашганига қарамай, таълимда яхши натижаларни қайд этиб келадиган худуд ҳисобланади. Аммо ўқиш саводхонлиги бўйича ўқувчилар ўртадан қуи (**<10%**) бўлган натижани кўрсатишган. Паҳтакор тумани энг қуи – **3%** натижани кўрсатган. Натижаларнинг бундай пастлиги ўқувчиларимизнинг тестларни бажариш жараёни яхши ташкил этилмаганлигидан далолат беради. Тўғри, маълум бир муддатда олинган натижалар юқори кўрсаткични намоён этган туманлар ҳам бор, лекин умумий натижани қониқарли деб бўлмайди.

Ушбу вилоят ўқувчиларида матндан ҳар бир конструкциянинг матн мазмунига таъсири, берилаётган маълумотларнинг ишончлилигини ва сифатлилигини баҳолай олиш компетенциялари яхши шаклланмаганлигини кўриш мумкин.

4-расм. Қашқадарё вилояти туманларида PISA ўқиш саводхонлиги натижалари.



PISA ўқиши саводхонлик бўйича Қашқадарё вилоятининг умумий ўртача баҳолаш натижалари **8,6%** ни ташкил этган. Косон, Дехқонобод ва Шаҳрисабз туманларининг бошқа туманларга нисбатан натижалари баландроқ бўлиб, мос равишида, **13,7, 14,4** ва **16,2%** ни ташкил этади. Чироқчи тумани энг паст натижани кўрсатган – **1,6%**. Кўкдала тумани мактаб ўқувчилари STesting платформасида PISA ўқиши саводхонлик бўйича тест-топшириқларни бажаришда иштирок этмаганлар. Ойма-ой натижаларга қарайдиган бўлсақ, вилоят бўйича мактаб ўқувчилари платформада анча фаол ишлаганлар. Қашқадарё вилояти чўл, тоғли ҳамда, пойтахтдан узоқ жойлашган ҳудудлар қаторига кирса ҳам, бошқа вилоятларга нисбатан ўртача баҳолаш натижасини кўрсатган.

Касби туманининг 19-мактаби, 8-синф ўқувчиси Хушнудбек Эргашев 88% билан республика бўйича тенгкурлари орасида кучли ўнталиқ рўйхатидан ўрин олган.

4-жадвалда мамлакатимизнинг катта қисмини чўл ҳудуди эгаллаган Навоий вилоятининг 8 та туманларида 15 ёшли мактаб ўқувчиларининг PISA ўқиши саводхонлик бўйича баҳолаш натижалари келтирилган.

4-жадвал. Навоий вилояти туманларида PISA ўқиши саводхонлиги натижалари.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Учқудук | 13 |
| 2 | Конимех | 12 |
| 3 | Қизилтепа | 9 |
| 4 | Томди | 9 |
| 5 | Нурота | 9 |
| 6 | Хатирчи | 8 |
| 7 | Кармана | 6 |
| 8 | Навбаҳор | 5 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 9 |

Платформадаги **6 ойлик** статистик маълумоларга кўра, PISA ўқиш саводхонлик бўйича Навоий вилоятининг умумий ўртача баҳолаш натижаси **9%** ни ташкил этган. Вилоятда 15 ёшли мактаб ўқувчилари Учқудук туманида **12%** ва Конимех туманида – **13%** билан энг яхши натижа кўрсатган туманлардир. Умуман олганда, вилоятда ойма-ой статистик натижалар ҳам жуда паст кўрсаткич деярли йўқ. Навоий вилояти ҳам юртимизнинг билим масканларидан бири ҳисобланишига қарамай, Навбаҳор ва Кармана туманларидағи мактаб ўқувчиларининг ойма-ой ишлаш жараёнда фаоллик унчалик сезилмади. Аммо республика бўйича кучли ўнталикка кирган энг яхши натижа кўрсатган ўқувчилар сони ушбу вилоятга нисбатан анча кўп. Навбаҳор туманининг 14-мактаб 8-синф ўқувчилари: Азиза Умарова, Сабрина Яндашова, Суғдиёна Рамазонова, Шахризода Вафоевалар **88-96%** натижа билан мос равишда эгаллашган. Битта вилоятдан тўрт нафар ўқувчи баланд натижага **2-, 3-, 4-, 8-ўринларни** олишлари, албатта, бу яхши натижа ҳисобланади.

Навбатдаги 5-расмда Самарқанд вилоятининг 14 та туманларида PISA ўқиш саводхонлик бўйича STesting платформасидан олинган натижалар келтирилган.

5-расмдан қўриниб турибдики, PISA ўқиш саводхонлигига Самарқанд вилояти бўйича умумий ўртача натижа **7,8%** ни ташкил этмоқда. Энг баланд натижани Каттакўрғон тумани **24%** баҳолаш натижаси кўрсатган бўлса, Булунғур туманида эса энг паст натижа **0,8%** натижани ташкил қилган. STesting платформасининг статистикасидан олинган натижаларга кўра **6** ой давомида факт февраль ойидагина Булунғур тумани ўқувчилари саволларга жавоб беришган, қолган ойларда эса уларнинг фаоллиги сезилмади. Самарқанд вилояти мактаблари ҳам таълим соҳаси ривожланган худудлардан ҳисобланади, аммо платформанинг статистик рақамларига кўра, вилоятнинг **15 ёшли мактаб ўқувчилари** PISA ўқиш саводхонлик бўйича ўз билимларини намоён эта олмаганлар.

Бунга сабаб, вилоят мактаб ўқувчилари топшириклардаги бир неча

манбали матнлар билан ишлаб, керакли маълумотларни ўзаро интеграция қила олмаганликларидандир.



5-расм. Самарқанд вилояти туманларида
PISA ўқиши заводхонлиги натижалари.



| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Янгиер ш. | 22,6 |
| 2 | Мирзаобод | 21,6 |
| 3 | Сайхунобод | 20,6 |
| 4 | Гулистон | 19,6 |
| 5 | Боёвут | 19,4 |
| 6 | Ховос | 16,6 |
| 7 | Сирдарё | 16 |
| 8 | Сардоба | 14,4 |
| 9 | Ширин | 13,4 |
| 10 | Оқолтин | 12,6 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 17,7 |

**5-жадвал. Сирдарё вилояти туманларида
PISA ўқиш саводхонлиги натижалари.**

Сирдарё вилоятида умумий ўртача баҳолаш натижаси **17,7%** ни ташкил этган ва у ҳозирда бошқа вилоятлар ичидаги энг яхши натижада. Янгиер, Мирзаобод, Сайхунобод туманларнинг натижалари нисбатан яхши **20-22%** бўлиб, вилоятда 5 ой давомида **10%** дан кутии кўрсаткич мавжуд эмас.

Натижалар ушбу вилоят ўқувчиларида топшириқ матнида берилаетган маълумотларнинг ишончлилигини ва сифатлилигини баҳолай олиш компетенциялари яхши шаклланганлигини кўрсатади.

Сурхондарё вилоятининг ўртача баҳолаш натижаси **5,7%** ни ташкил этган. Бу кўрсаткич мамлакатдаги энг паст натижалардан биридир. Бойсун туманида 15 ёшли мактаб ўқувчилари 6 ой давомида платформадан умуман фойдаланмаган. Шунга қарамай, Ангор туманининг 4-сонли мактаб 8-синф ўқувчиси Фазулла Ҳасанов **91%** натижада билан республикада **5-ўринни** эгаллаб кучли ўнталикка кирган.

Платформадаги PISA ўқиш саводхонлиги топшириқларида матнларнинг динамик туридан қўплаб фойдаланилган бўлиб, ўқувчилар асосан, матнларни тушунишда ва уларни таҳлил қилишда қийналганлар.



**6-расм. Сурхондарё вилояти туманларида
PISA ўқиши заводхонлиги натижалари.**


Навбатдаги 6-жадвалда Тошкент вилоятининг умумий ўртача баҳолаш натижаси **10%ни** ташкил этган. Бўка туманида **1%** баҳолаш натижаси билан энг куи натижа қайд этилган. Бироқ, барча вилоят туманлари натижалари орасида Бўстонлиқ тумани алоҳида эътиборга лойик. Ушбу тумандаги ўқувчиларнинг баҳолаш кўрсаткичи **34%** ни ташкил этган. Натижалар статистикасини ойма-ой кузатганда ҳам Тошкент вилояти стабил яхши натижаларни кўрсатиб келмоқда.

Олинган натижалар асосида ушбу вилоятда PISA халқаро баҳолаш дастурларига яхши тайёргарликни бошлаб юборганликлари сезилади.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|----------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Бўстонлиқ | 34 |
| 2 | Пискент | 17 |
| 3 | Янгийўл | 12 |
| 4 | Оққўрғон | 11 |
| 5 | Оҳангарон | 9 |
| 6 | Зангиота | 9 |
| 7 | Қуиичирчиқ | 9 |
| 8 | Чиноз | 9 |
| 9 | Юқоричирчиқ | 9 |
| 10 | Ўртачирчиқ | 7 |
| 11 | Бекобод | 7 |
| 12 | Паркент | 7 |
| 13 | Қибрай | 5 |
| 14 | Бўка | 1 |
| Ўртacha баҳолаш натижалари | | 10 |

**6-жадвал. Тошкент вилояти туманларида
PISA ўқиш саводхонлиги натижалари.**

7-расмда Фаргона вилоятининг ўртача баҳолаш натижалари **7%** ни ташкил этганини қўриш мумкин. Бу натижа бошқа вилоятларга нисбатан паст натижалардан бири ҳисобланади. 6 ой давомида, платформадан деярли фойдаланмаган туманлар ҳам бор. Булар Кувасой, Кўштепа, Олтиариқ туманларидир. Ушбу туманларнинг натижалари **1%** ни ташкил этган, холос. Бу вилоятда PISA халқаро баҳолаш дастурларига STesting платформаси ёрдамида тест-топшириқларни бажариш жараёни яхши ташкил этилмаганлигидан далолатдир.



7-расм. Фарфона вилояти туманларида
PISA ўқиш саводхонлиги натижалари.

Хоразм вилояти туманларининг умумий ўртача баҳолаш натижаси **10,6%** ни ташкил этган (7-жадвал). Энг олис худудлардан бири бўлишига қарамасдан Кўшкўпир тумани яхши натижа – **19,2%** қўрсата олган туманлардан бири десак бўлади. Бироқ, Тупроққалъа тумани бошқа туманлар орасида энг паст натижа – **2,6%** билан ажралиб қолган (7-жадвал).

Вилоят мактаб ўқувчиларида топшириклиарни бажаришда матн мазмуни ва шакли ҳақида хулоса чиқара олиш компетенциялари хали яхши шаклланмаганилигини қўриш мумкин.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Кўшкўпир | 19,2 |
| 2 | Янгиарик | 14,2 |
| 3 | Урганч ш. | 14 |
| 4 | Боғот | 13,8 |
| 5 | Шовот | 12,4 |
| 6 | Гурлан | 11,8 |
| 7 | Хонқа | 11,6 |
| 8 | Хива шаҳар | 11 |
| 9 | Хазорасп | 10,6 |
| 10 | Урганч | 7,4 |
| 11 | Хива | 4,8 |
| 12 | Янгибозор | 4,4 |
| 13 | Тупроққалъа | 2,6 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 10,6 |

7-жадвал. Хоразм вилояти туманларида
PISA ўқиш саводхонлиги натижалари8-расм.



8-расм. Наманган вилояти туманларида
PISA ўқиш саводхонлиги натижалари.

Наманган вилоятининг 6 ойда умумий ўртача баҳолаш натижаси **7,57%** ни ташкил этган (8-расм). Наманган вилояти бошқа вилоятлар орасида паст қўрсаткич намоён этган вилоятлардан бири ҳисобланади. Янги Наманган туманидаги мактаб ўқувчилари платформадан фақат апрель ойида фойдаланганлар. Шунга қарамасдан ушбу вилоядта республика бўйича кучли ўнталикка кира олган ўқувчилар мавжуд. Мингбулоқ туманининг 45-мактаб 8-синф ўқувчилари Моҳларойим Хурсанбоева **90%** натижа билан **6-урин** ва Аброр Уринбоев **88%** натижа билан **10-уринни** эгаллаганлар.

8-жадвал. Тошкент шаҳар туманларида PISA ўқиш саводхонлиги натижалари.

| T/P | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Миробод | 10 |
| 2 | Мирзо Улуғбек | 10 |
| 3 | Учтепа | 10 |
| 4 | Яшнобод | 9 |
| 5 | Юнусобод | 9 |
| 6 | Чилонзор | 8 |
| 7 | Шайхонтохур | 5 |
| 8 | Сергели | 4 |
| 9 | Олмазор | 4 |
| 10 | Бектемир | 2 |
| 11 | Яккасарой | 1 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 6,5 |

Тошкент шаҳрининг умумий ўртача баҳолаш натижаси **6,5%** ни ташкил этган (8-жадвал). Пойтахт учун бу қўрсаткич жуда паст натижа, чунки юртимиз марказида бошқа вилоятларга нисбатан турли муаммолар деярли йўқ. Ўқувчилар томонидан бажарилган топшириқларнинг таҳлил натижаларига кўра, ўқувчиларнинг саволларга жавоб бериш муносабати пастроқ.

Кисқача хулоса қилиб айтганда, натижаларни яхшилаш учун ҳар бир мактабда устозлар она тили ва адабиёт фанлар доирасида ўқиш саводхонлиги бўйича қўшимча дарслар, амалий, назарий машғулотлар ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш диапазонини кенгайтиришга алоҳида урғу бериш лозим.

1.2. PISA ТАБИЙ-ИЛМИЙ САВОДХОНЛИК НАТИЖАЛАРИ

1.1. бўлимда юртимиздаги **15 ёшли мактаб ўқувчиларининг STesting электрон плаформасида** бажарган PISA ўқиш саводхонлик бўйича тест-топшириқларнинг натижаларини илмий тахлилини кўриб чиқсан эдик. Энди ушбу бўлимда, ўқувчиларнинг **PISA** табиий-илмий саводхонлик бўйича эгаллаган қўникмаларини баҳолаш натижаларини тақдим этмоқчимиз. Табиий илмий саводхонлик – инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омили саналади. Ўқувчиларда табиий саводхонликни ривожлантиришда табиий ҳодисаларни илмий жиҳатдан тушунтириш қўникмаларини шакллантириш муҳим омилдир.

Ушбу платформада **1 000 000** га яқин **15 ёшли мактаб ўқувчилари** PISA табиий-илмий саводхонлик бўйича эгаллаган қўникмаларини платформага жойлаштирилган тест-топшириқлари ёрдамида синаб кўрганлар. Қуйида 9-расмда мамлакатимизда вилоятлар кесимида PISA табиий-илмий саводхонлик бўйича натижалар динамикаси келтирилган.





9-расм. PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.

PISA табиий-илмий саводхонлик бўйича **6 ой муддатда** республикадаги **7 750** мактабларда **STesting** электрон платформасида **1 000 000** нафар ўқувчилар томонидан бажарилган топшириқларни баҳолаш ишлари олиб борилди. Натижаларига қўра, мамлакатимиздаги умумий баҳолаш натижалари **12%** ни ташкил қилди. Ушбу натижа PISA ўқиш саводхонлиқ натижаларига (**8,8%**) қараганда нисбатан яхши кўрсаткич ҳисобланади.

Худди PISA ўқиш саводхонлик натижалари **(17,7%)** каби, Сирдарё вилоятининг мактаб ўқувчилари PISA табиий-илмий саводхонлик бўйича ҳам **27,2%** баҳолаш натижалари билан энг яхши натижани қайд этдилар. PISA ўқиш саводхонлик бўйича республикадаги натижаларни ижобий деб бўлмайди. Мамлакатимиздаги **14** та ҳудуддан **7** та (**Сурхондарё, Жиззах, Тошкент шаҳар, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё, Навоий**) вилоятлар **10%** баҳолаш натижаларини ҳам қайд эта олмаганлар. Энг паст натижани Сурхондарё вилояти **5,6%** кўрсаткич билан қайд этди. Санаб ўтилган ҳудудлардаги мактаб ўқувчилари платформада табиий-илмий саводхонлик топшириқларни бажаришда табиий фанлар бўйича

саводхонлик компетенцияларини илмий билиш турлари акс этган баҳолаш воситалари ёрдамида намойиш эта олмаганлар.

Бошқа худудларга нисбатан яхши натижа (**10-27%**) кўрсатган (**Андижон, Хоразм, Тошкент вилояти, Наманган, ҚҚР, Самарқанд ва** Сирдарё) вилоятлари мактаб ўқувчилари, физик системалар (физика ва кимё), тирик системалар (биология), ер ва коинот ҳақидаги (география, геология, астрономия) фанларнинг мазмунини билиш ҳамда илмий маълумот (билим)лар олиш учун қўлланиладиган турли хил методларни, шунингдек, стандарт тадқиқот жараёнларини билишга оид методологик билимларни яхши намоён қила олганлар.

Кўйида вилоят туманларида PISA табиий-илмий саводхонлик бўйича қайд этилган натижаларнинг таҳлилини кўриб чиқамиз. 9-жадвалда Андижон вилояти туманларида PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари келтирилган.


9-жадвал. Андижон вилояти туманларида PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Андижон | 20,2 |
| 2 | Кўрғонтепа | 18,2 |
| 3 | Жалақудук | 17,6 |
| 4 | Избоскан | 16,8 |
| 5 | Марҳамат | 13 |
| 6 | Олтинқўл | 12,4 |
| 7 | Шаҳриҳон | 12 |
| 8 | Бўстон | 9,8 |
| 9 | Булоқбоши | 8 |
| 10 | Улуғнор | 7,2 |
| 11 | Хўжаобод | 4,2 |
| 12 | Пахтаобод | 3,4 |
| 13 | Балиқчи | 3,2 |
| 14 | Асака | 3 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 10,6 |

9-жадвалдан кўриниб турибдики, Андижон вилоятининг мактаб ўқувчиларининг PISA табиий-илмий саводхонлик бўйича бажарган топшириқларнингумумий натижаси **10,6%**. Асакатумани **3%**, Балиқчи тумани **3,2%**, Пахтаобод тумани **3,4%** ва Хўжаобод тумани **4,2%** баҳолаш билан PISA табиий-илмий саводхонлик бўйича республикадаги энг паст қўрсаткичлардан бирини қайд этган. Андижон тумани эса **20,2%** баҳолаш натижалари билан вилоятнинг бошқа туманларига нисбатан яхши натижани қайд этган.

Вилоят ўқувчилари фаннинг мазмунига оид билимларни, яъни ўқувчиларнинг табиат ҳақида фан томонидан аниқланган фактлар, қонуниятлар, ғоялар, назарияларни тушунтира олганлар. Лекин, маълумотларни жадвал, график, диаграмма ёрдамида абстракциялаш ва ифодалашнингумумий усуллари ва улардан ўринли фойдаланишда қийналишган.

**10-расм. Бухоро вилояти туманларида
PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.**



Бухоро вилоятининг табиий-илмий саводхонлик бўйича қайд этган умумий баҳолаш натижаси **10%** га ҳам етмаган (10-расм). Қоровулбозор - **2,4%** ва Ромитан - **3,8%** баҳолаш натижалари билан энг қуи кўрсаткични қайд этган бўлса, Олоттумани - **15,2%** ҳамда Бухоро туманлари - **15,4%** баҳолаш натижаларини қайд этишган. Географик нуқтаи назардан олганда, асосан чўл ҳудудларга тўғри келадиган Қоровулбозор ва Ромитан туманларининг натижалари паст кўрсаткич бўлиб, популяциялар (масалан, турлар, эволюция, биохилмахиллик, генетик ўзгаришлар), экосистемалар (масалан, озиқ занжири, модда ва энергия алмашинуви) тўғрисидаги топшириқларга ўқувчилар жавоб беришга қийналишган.

**10-жадвал. Жиззах вилояти туманларида
PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.**

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|----------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Зарбдор | 17 |
| 2 | Ғаллаорол | 11 |
| 3 | Дўстлик | 10 |
| 4 | Фориш | 10 |
| 5 | Шароф Рашидов | 9 |
| 6 | Бахмал | 7 |
| 7 | Зафаробод | 7 |
| 8 | Мирзачўл | 5 |
| 9 | Зомин | 4 |
| 10 | Арнасой | 4 |
| 11 | Янгиобод | 4 |
| 12 | Пахтакор | 2 |
| Ўртacha баҳолаш натижалари | | 7 |

10-жадвалда Жиззах вилоятининг 12 та туманларида PISA табиий-илмий саводхонлик бўйича STesting платформасидан олинган натижалар келтирилган бўлиб, вилоят бўйича ўртacha умумий натижани қониқарли деб бўлмайди.

Ўқувчилар вилоят бўйича ўртача **7%** баҳолаш натижасини кўрсатиб Тошкент шаҳар мактабларининг умумий кўрсаткичи билан деярли бир хил натижани (**7,2%**) қайд этган. Зарбдор туманинг мактаб ўқувчилари PISA табиий-илмий саводхонлик бўйича билим ва қўниқмалари билан **17%** баҳолаш натижалари билан бошқа туманларга нисбатан яхши натижа қайд этган бўлса, **Пахтакор, Зомин, Арнасой, Янгиобод, Мирзачўл, Бахмал, Зафаробод, Ш.Рашидов** туманларида ушбу йўналиш бўйича ўртача умумий натижалар **10%** га ҳам етмаган.

**11-расм. Қашқадарё вилояти туманларида
PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.**



Қашқадаё вилоятидаги табиий-илмий саводхонлик бўйича қайд этилган ўртача умумий баҳолаш кўрсаткичи - **9,3%**. Ушбу кўрсаткич кўшни вилоят Сурхондарё вилояти натижасига (**5,6%**) нисбатан яхши, лекин, умуман олганда бу натижа PISA халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик кўриш нуқтаи назардан олганда жуда ҳам паст натижа ҳисобланади (11-расм). Ушбу натижа вилоят бўйича 15 ёшли мактаб ўқувчиларида ҳодисаларни илмий жиҳатдан тушунтириш компетенцияси қисман шаклланганлигини кўрсатади.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Учқудук | 13 |
| 2 | Конимех | 13 |
| 3 | Хатирчи | 10 |
| 4 | Нурота | 10 |
| 5 | Қизилтепа | 9 |
| 6 | Томди | 9 |
| 7 | Кармана | 6 |
| 8 | Навбаҳор | 6 |
| Үртача баҳолаш натижалари | | 9,5 |

**11-жадвал. Навоий вилояти туманларида
PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.**

Навбатдаги таҳлилларимизни Навоий туманида 15 ёшли мактаб ўқувчилари кўрсатган табиий-илмий саводхонлик натижалари билан давом этирамиз (11-жадвал). Вилоятнинг умумий баҳолаш натижалари **10% ни** ҳам ташкил қилмаган. Учқудук ва Конимех туманларининг мактаб ўқувчилари **13%** баҳолаш натижалари билан нисбатан яхши натижа кўрсатган бўлсалар, вилоятнинг қолган барча туманлари натижалари **10%** га ҳам етиб бормаган.

Саволлар дарсликларда берилган маълумотларга мос келишини ҳисобга олсак, ўқувчи билимларни эслаш ҳамда эгаллаган билимидан фойдаланиш кўникумасини яхши ривожлантира олмаганликларини билиш мумкин.





12-расм. Самарқанд вилояти туманларида
PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.

Самарқанд вилоятининг PISA табиий-илмий саводхонлиги бўйича умумий баҳолаш кўрсаткичи **19,8%** ни ташкил этади (12-расм). Вилоят туманларида эришилган натижалар бошқа вилоят туманларига солиштирилганда анча юқори эканлигини кўриш мумкин. Бу натижалар вилоят туманларида PISA халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик ишлари босқичма-босқич тўғри амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Пахтачи туманидан бошқа барча туманларнинг баҳолаш натижалари **10%** дан юқори эканлигини кўриш мумкин. Булунғур туманининг баҳолаш натижаси республика бўйича энг яхши натижалардан бири ҳисобланиб, туман ўқувчилари **32%** натижани қайд этганлар.

Вилоят мактаб ўқувчилари **маълумотлар ва далилларни илмий талқин қилиш** компетенциясини баҳолашга оид топшириқларни бажариш даражаси яхши эканлигини кўрсатдилар.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Боёвут | 34,8 |
| 2 | Мирзаобод | 30,8 |
| 3 | Сайхунобод | 30 |
| 4 | Ховос | 29,4 |
| 5 | Сирдарё | 29 |
| 6 | Янгиер ш. | 27,8 |
| 7 | Гулистан | 27,6 |
| 8 | Оқолтин | 23,2 |
| 9 | Сардоба | 20 |
| 10 | Ширин | 19,6 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 27,2 |

**12-жадвал. Сирдарё вилояти туманларида
PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.**

Сирдарё вилояти туманларида PISA халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик ишлари анча яхши йўлга қўйилган деб айтиш мумкин. Вилоятнинг умумий баҳолаш натижалари **27,2%** (12-жадвал). Шуни алоҳида қайд этишлозимки, вилоят туманларининг барчаси **20%** дан юқори натижаларни қайд этишган. Ҳатто, энг қуи натижани қайд этган Ширин тумани ҳам 19,6% баҳолаш натижасини қайд этган.

Ушбу ижобий натижалар Сирдарё вилоятининг 15 ёшли мактаб ўқувчиларида **илмий тадқиқотларни лойиҳалаш ва баҳолаш** компетенцияси яхши шаклланганлигидан далолат беради.



13-расм. Сурхондарё вилояти туманларида
PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.


Вилоятнингушбу йўналиш бўйича қайдэтган баҳолаш натижаларини (**5,6%**) ижобий деб айтиб бўлмайди. Вилоят бўйича фақат Ангор, Шўрчи ва Кумқўрғон туманларида **10%** дан юқори баҳолаш натижаларини қўрсатишган бўлса, қолган барча вилоят туманларида **10%** ҳам баҳолаш натижаларини қайд эта олмаганлар. Вилоятнинг умумий баҳолаш натижаси бор йўғи **6%** ни ташкил этади.

PISA топширикларни бажариш учун мактаб ўқувчиларидан билимларни амалиётда қўллаш кўникмаси талаб этилади. Қайд этилган натижалар аксарият Сурхондарё туман мактабларда лаборатория ва амалий ишлар талаб даражасида бажарилмаганлигини ёки билимлар фақат назарий шаклда берилаётганлигидан далолат беради.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|----------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Бўстонлиқ | 33 |
| 2 | Пискент | 17 |
| 3 | Янгийўл | 13 |
| 4 | Оққўрғон | 12 |
| 5 | Қўйичирчиқ | 10 |
| 6 | Зангиота | 9 |
| 7 | Оҳангарон | 9 |
| 8 | Чиноз | 9 |
| 9 | Юқоричирчиқ | 8 |
| 10 | Ўртачирчиқ | 7 |
| 11 | Бекобод | 7 |
| 12 | Паркент | 7 |
| 13 | Қибрай | 5 |
| 14 | Бўка | 2 |
| Ўртacha баҳолаш натижалари | | 10,6 |

**13-жадвал. Тошкент вилояти туманларида
PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.**

13-жадвалда Тошкент вилоятининг PISA халқаро баҳолаш дастурининг табиий-илмий саводхонлик бўйича қайд этган статистик рақамлари келтирилган. Вилоят бўйича умумий баҳолаш натижалари **10,6%** ни ташкил этади. Қўйичирчиқ, Оққўрғон, Янгийўл, Пискент, Бўстонлиқ туманлари **10%** дан юқори бўлган баҳолаш натижаларини қайд этган бўлса, қолган барча (**Бўка, Қибрай, Ўртачирчиқ, Бекобод, Паркент, Юқоричирчиқ, Зангиота, Оҳангарон, Чиноз**) туманлар ҳатто **10%** баҳолаш натижаларини ҳам қайд этада олмаганликларини кўриш мумкин. Лекин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Бўстонлиқ тумани мактаб ўқувчилари **33%** баҳолаш натижалари билан республикадаги энг яхши натижани қайд этган. Лекин халқаро баҳолаш дастурларида факат битта туман натижалари эмас, балки тадқиқотда иштирок этган барчанинг натижалари ҳисобланиши алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Шунинг учун, вилоятнинг бошқа туман мактаблари ҳам халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик ишларига алоҳида эътибор қаратишларини тавсия этган бўлардик.



14-расм. Фарғона вилояти туманларида
PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.

Фарғона вилоятида қайд этилган натижаларни ҳам мақтаб бўлмайди.

Вилоятнинг фақат 6 та (**Бувайда, Риштон, Тошлоқ, Сўх, Данғара, Кува**) туманлари **10%** дан юқори натижаларни қайд этган бўлса, қолган барча туманларда ундан кичик натижаларни кўрсатишиган. Вилоят бўйича PISA табиий-илмий саводхонлик бўйича умумий натижа бор йўғи **7,5%** ни ташкил этади (14-расм).

Ушбу натижалар Фарғона вилояти мактаблари ўқувчиларида илмий тадқиқ этилиши мумкин бўлган саволларни фарқлаш ҳамда топшириқларни бажариш учун билимларни амалиётда қўллаш қўниқмаси яхши шаклланмаганлигини кўрсатади.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Янгибозор | 19 |
| 2 | Кўшқўпир | 16,4 |
| 3 | Янгиариқ | 12,6 |
| 4 | Урганч | 11,4 |
| 5 | Шовот | 11,2 |
| 6 | Гурлан | 10,4 |
| 7 | Боғот | 9,6 |
| 8 | Хива | 8,8 |
| 9 | Хонқа | 8,8 |
| 10 | Хазорасп | 7,8 |
| 11 | Тупроққалъа | 2,2 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 10,7 |

**14-жадвал. Хоразм вилояти туманларида
PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.**

Хоразм вилоятида табиий-илмий саводхонлик бўйича қайд этган натижалари бошқа вилоятларга нисбатан солиштирганда ўртача - **10,7%** ниташкил қиласди. Вилоят туманларининг деярли ярми **10%** ҳам баҳолаш натижаларини қайд эта олмаганлар. Лекин, STesting плаформасининг статистикасидан олинган маълумотларга кўра, ойма-ой вилоят туманларида баҳолаш натижалари ўсиб бораётганини кўриш мумкин.

15-расмда Қорақалпоғистон Республикаси туманларида PISA ўқиш саводхонлиги натижалари келтирилган. ҚҚР бўйича умумий баҳолаш натижалари **16,5%** бўлиб, мамлакатимиздаги энг яхши натижалардан бири ҳисобланади. Шуманай, Нукус, Беруний, Кегейли, Амударё туманларида **10,2-17,6%** натижаларни қайд этган бўлса, бошқа туманларда **10%** баҳолаш натижаларини ҳам қайд эта олмаганлар.

Умуман олганда, платформадаги ойма-ой таҳлилий натижаларга кўра, ҚҚРда PISA халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик даражаси сезиларли даражада ўсиб бормоқда.



15-расм. Қорақалпоғистон Республикаси туманларида
PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Учқўрғон | 17,5 |
| 2 | Косонсой | 17 |
| 3 | Наманган | 12 |
| 4 | Тўракўрғон | 10,5 |
| 5 | Чуст | 8 |
| 6 | Уйчи | 8 |
| 7 | Давлатобод | 6 |
| 8 | Чорток | 6 |
| 9 | Норин | 5 |
| 10 | Мингбулоқ | 5 |
| 11 | Поп | 3 |
| 12 | Янгиқўрғон | 2 |
| 13 | Янги Наманган | 1 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 15,5 |

15-жадвал. Наманган вилояти туманларида
PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.

Наманган вилоятида PISA халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик даражаси ортиб бормоқда. Буни платформанинг статистикасидан олинган рақамлардан ҳам кўриш мумкин. Вилоят бўйича умумий баҳолаш натижалари **15,5%** бўлиб, республикадаги қайд этилган яхши натижалардан бири ҳисобланади.

Вилоят мактаб ўқувчилари топширикларни ўқиб, унинг ичидан керакли маълумотни топа олиш, мазкур маълумотлардан фойдалана олиш, улар ҳақида мулоҳаза юритиш ва маълумотлар асосида хулоса чиқара олиш компетенцияларини шакллантиришлари лозим.

16-жадвал. Тошкент шаҳар туманларида PISA табиий-илмий саводхонлиги натижалари.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|----------------------|-----------------------|
| 1 | Мирзо Улуғбек тумани | 13 |
| 2 | Миробод тумани | 11 |
| 3 | Яшнобод тумани | 10 |
| 4 | Юнусобод тумани | 10 |
| 5 | Учтепа тумани | 9 |
| 6 | Чилонзор тумани | 8 |
| 7 | Сергели тумани | 6 |
| 8 | Олмазор тумани | 5 |
| 9 | Шайхонтохур тумани | 4 |
| 10 | Бектемир тумани | 2 |
| 11 | Яққасарой тумани | 1 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 7,2 |

Тошкент шаҳри мактаб ўқувчилари PISA табиий-илмий саводхонлик бўйича қайд этган натижаларни мамлакатимизнинг бошқа вилоят ва туман мактаб ўқувчиларига ўрнак бўладиган натижа деб айтиб бўлмайди. Шаҳар бўйича ушбу саводхонлик йўналишида умумий баҳолаш натижалари **7,2%** ни ташкил этди холос. Яшнобод, Юнусобод, Миробод ва Мирзо Улуғбек туманлари

10% дан **13%** гача баҳолаш натижаларини қайд этган бўлса, қолган 7 та туман мактаб ўқувчилари PISA табиий-илмий саводхонлик бўйича ҳаттоқи **10%** баҳолаш натижасига ҳам эриша олмаганлар (16-жадвал).

Тошкент шаҳри ўқувчилари берилган муаммони илмий тадқиқ этилиши мумкин бўлган саволларни фарқлаш, берилган муаммони илмий тадқиқ этиш усусларини таклиф этиш, ўрганилаётган муаммони аниқлашда муаммоларга дуч келганлар. Фан ўқитувчиларига ўз ўқувчилари билан кўпроқ халқаро баҳолаш дастурлари доирасидаги топшириқларни бажариш ва ушбу тадқиқот саволларини фарқлаш ҳамда топшириқларни бажариш учун ўқувчилар ўз билимларини амалиётда қўллаш кўниумасини ривожлантиришга қаратилган машғулотларни ўтишларини тавсия этамиз.



1.3. PISA МАТЕМАТИК САВОДХОНЛИК НАТИЖАЛАРИ

Ҳар бир давлат математик саводхонлик ёки компетентлик тушунчаси бўйича ўз қарашларига эга ва унга кутилган натижада сифатида эришиш учун ўз таълим жараёнини ташкил қиласди. Тарихан математик саводхонлик ёки компетентлик асосий арифметик қўникмаларга эга бўлиш, хусусан бутун, оддий ва ўнли касрлар устида қўшиш, айриш, қўпайтириш ва бўлиш амалларни бажариш, фоизларни ҳисоблаш, содда геометрик шаклларнинг юзи ва ҳажмларини ҳисоблаш каби қўникмаларни ўз ичига олиб келган. Охирги пайтларда эса рақамли технологияларнинг ҳаётимизга кириб келиши, одамларда маълумотлар оқимидан шахсий эҳтиёжларини қондириш учун керакли маълумотларни олиш имкониятларининг пайдо бўлиши, турмушнинг соғлиқ ва сармоялар билан боғлиқ соҳаларида, об-ҳаво ва иқлим ўзгаришлари, солиқقا тортиш, давлат қарзи, аҳоли сонининг ўсиши, юқумли касалликлар эпидемиясининг тарқалиши, жаҳон иқтисодиёти каби ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ қўникмаларга бўлган эҳтиёжларни ҳам келтириб чиқарди. XXI асрнинг ҳаётий эҳтиёжларининг бундай кун сайин ўзгариб бориши эса ўз навбатида математик саводхонлик ёки компетентлик тушунчасининг кенгайиб, такомиллашиб боришини тақозо этмоқда.

Хусусан, PISA халқаро тадқиқотлар дастурида ҳам математик саводхонлик қўникмаларини ўқувчиларга сингдириш алоҳида ўрин тутади.

Ушбу бўлимда **STesting** платформасида жорий йилнинг февраль-июль ойларида **1 000 000** га яқин мактаб ўқувчиларининг PISA тадқиқоти математик саводхонлиги бўйича бажарган топшириклиарининг натижалари кўриб чиқилади.

Кўйида республикадаги 14 та ҳудудда PISA тадқиқоти математик саводхонлиги бўйича натижаларнинг солиштирма динамикаси келтирилган (17-жадвал).

17-жадвал. PISA математик саводхонлиги натижалари.

| Т/Р | ҲУДУД | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|-----------------|-----------------------|
| 1 | Тошкент вилояти | 31 |
| 2 | Сирдарё | 24 |
| 3 | Хоразм | 22 |
| 4 | Наманган | 14,8 |
| 5 | Самарқанд | 13,4 |
| 6 | Жиззах | 12,6 |
| 7 | Қорақалпоғистон | 12 |
| 8 | Андижон | 11,8 |
| 9 | Қашқадарё | 11,8 |
| 10 | Навоий | 11,4 |
| 11 | Фарғона | 10,2 |
| 12 | Тошкент шаҳар | 10,2 |
| 13 | Сурхондарё | 9,2 |
| 14 | Бухоро | 8 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 14,4 |

Февраль ойида PISA тадқиқотининг математик саводхонлиги йўналиши бўйича энг паст натижани Самарқанд вилояти ўқувчилари қайд этган. Март ойида энг паст натижа Бухоро, Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Қорақалпоғистон республикасига тегишли. Апрель ойида Навоий, май ойида Сурхондарё вилоятлари энг паст натижани қўрсатган, июнь ойида ҳам Бухоро вилояти энг паст натижани қўрсатган. Бунга сабаб нима?



16-расм. PISA математик саводхонлиги натижалари.

Бизга маълумки, Бухоро вилояти аниқ ва табиий фанларни ўқитиш бўйича ўзининг ўқитиш тизими, ўзини мактабига эга ҳудуд сифатида танилган. Айниқса, Қорақўл мактаби ўқувчилари йиллар давомида нафакат республика миқёсидаги фан олимпиадалари балки, халқаро миқёсдаги олимпиадаларда ҳам нуфузли ўринларни эгаллаб келмоқда. Мактаб битирувчиларининг ОТМ га қабул қилиниши бўйича ҳам республикада етакчи вилоятлардан бири ҳисобланади.

Нега унда айнан Бухоро вилоятида математик саводхонлик йўналиши энг паст кўрсаткични бермоқда?


Баъзи ҳолларда, топшириқнинг мазмунини ҳисобга олган ҳолда, олинган ечимни шарҳлаш ва муаммонинг шартига мос келадиган жавобни танлаш талаб

қилинди. Бир қатор ҳолларда бундай топшириқларни бажариш натижаларининг пастлиги ўқувчиларда ўз-ўзини назорат қилиш одатларининг йўқлиги билан изоҳланади. Мактабда берилган топшириқларни ҳал қилишда олинган жавобни таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилмайди, чунки қўп ҳолларда бу талаб қилинмайди.

Бухоро вилоятининг туманлар кесимида таҳлилини кўрадиган бўлсак, қўйидаги натижаларни қўришимиз мумкин (18-жадвал). Бухоро вилоятининг Қоровулбозор ва Ромитан туманлари энг паст баҳолаш қўрсаткичини қайд этган бўлса, Олот, Бухоро ва Когон туманлари вилоятда етакчилик қилганлар.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|---------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Олот | 14 |
| 2 | Бухоро | 13,6 |
| 3 | Когон | 12,8 |
| 4 | Вобкент | 10 |
| 5 | Қоракўл | 9,2 |
| 6 | Пешку | 8,4 |
| 7 | Ғиждувон | 7,8 |
| 8 | Жондор | 3,8 |
| 9 | Шофиркон | 3,2 |
| 10 | Ромитан | 2,6 |
| 11 | Қоровулбозор | 2,2 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 8,0 |

**18-жадвал. Бухоро вилояти туманларида
PISA математик саводхонлиги натижалари.**



17-расм. Бухоро вилояти PISA математик саводхонлиги натижалари.

Вилоятда Ғиждувон, Пешку, Қорақўл ва Вобкент туманлари ўртача баҳолаш кўрсаткичини қайд этганлар (17-расм).

Бошқа ҳудудларга нисбатан паст кўрсаткич натижаларини қайд этган ҳудудлар бўйича бу натижага сабаб сифатида қўйидаги омилларни бериш мумкин.

Берилган топшириқларни деярли барчаси ўқувчилар учун ноодатий бўлган, ностандарт характердаги топшириқлар ҳисобланади. Топшириқлар ўқув дарслкларида келтирилган топшириқлардан кескин фарқ қиласди. Аниқроғи, ушбу топшириқларда ҳаётий вазият батафсил тавсифланган бўлиб, улар қўйилган муаммони ҳал қилиш учун зарур бўлмаган фактлар ва маълумотларни ҳам ўз ичига олган бўлиши мумкин. Бир қатор масалалар шундай тузилганки, ўқувчилар уни ҳал қилиш учун тегишли назарий фактлардан фойдаланишлари ва уни математика курсининг бирон бўлимига боғлашлари лозим. Ўқувчиларнинг

кўпчилиги бундай вазиятларнинг математик моделини яратишида ва боғлашда қийинчиликларга дуч келишган.

Топшириқларни ечишда математика фанини ўқитишида қўлланилмайдиган турли усуллар ёки масалани ҳал қилиш учун фақат энг оддий тўғридан-тўғрихисоб-китобларни бажариш керак эди, аммо бу усуллар дарсда қўлланилмаганлиги учун ўкувчилар топшириқни ечишда қийинчиликка дуч келганлар.

Амалдаги мавжуд дарсликларда мураккаб математик усулларни қўллаш учун уни ҳал қилишни талаб қиласидиган ҳаётий муаммолар билан боғлиқ бўлган топшириқлар берилмаган.

**19-жадвал. Андижон вилояти туманларида
PISA математик саводхонлиги натижалари.**

| T/P | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|----------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Асака | 4 |
| 2 | Пахтаобод | 5 |
| 3 | Балиқчи | 5 |
| 4 | Хўжаобод | 5 |
| 5 | Улуғнор | 6 |
| 6 | Булоқбоши | 7 |
| 7 | Шаҳрихон | 8 |
| 8 | Бўстон | 10 |
| 9 | Марҳамат | 10 |
| 10 | Олтинқўл | 17 |
| 11 | Андижон | 18 |
| 12 | Избоскан | 23 |
| 13 | Жалақудук | 23 |
| 14 | Қўрғонтепа | 25 |
| Ўртacha баҳолаш натижалари | | 11,8 |

Андижон вилояти ўкувчилари республика бўйича ўртача қўрсаткични қайд этган вилоятлардан бири (18-расм). Вилоятнинг Қўрғонтепа, Жалақудук, Избоскан туманлари юқори натижани қўрсатган бўлса, Асака, Пахтаобод, Балиқчи ва Хўжаобод туманлари энг паст натижаларни қўрсатишган.



**18-расм. Андижон вилояти туманларида
PISA математик саводхонлиги натижалари.**

Вилоятнинг Марҳамат, Олтинқўл, Андижон туманларида бошқа туманларга нисбатан баҳолаш кўрсаткичлари бир мунча яхшироқэканлигини гувоҳи бўламиз (18-расм).

PISA тадқиқотида замонавий математик саводли одам учун халқаро даражада зарур деб ҳисобланган билим ва қўниқмаларнинг рўйхатини ажратиб кўрсатилган. Булар қўйидагилар:

- фазовий шакллар;
- турли шаклларда тақдим этилган миқдорий маълумотларни ўқиш ва шарҳлаш қобилияти;
- формулалар билан ишлаш;
- белги ва сонли кетма-кетликлар;
- ностандарт рақамларнинг периметри ва майдонини топиш;
- фоизлар билан боғлиқ амалларни бажариш ва бошқалар.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, % |
|----------------------------|---------------|-----------------------|
| 1 | Бўстонлик | 72 |
| 2 | Пискент | 66 |
| 3 | Янгийўл | 47 |
| 4 | Оққўрғон | 30 |
| 5 | Юқоричирчиқ | 27 |
| 6 | Чиноз | 26 |
| 7 | Оҳангарон | 24 |
| 8 | Қуйичирчиқ | 23 |
| 9 | Зангиота | 22 |
| 10 | Бекобод | 21 |
| 11 | Паркент | 20 |
| 12 | Ўртачирчиқ | 20 |
| 13 | Қибрай | 18 |
| 14 | Бўка | 16 |
| Ўртacha баҳолаш натижалари | | 31 |

**20-жадвал. Тошкент вилояти туманларида
PISA математик саводхонлиги натижалари.**

PISA тадқиқотларининг топшириқларини бажариш бўйича энг юқори кўрсаткични Тошкент вилояти қўрсатди (20-жадвал). Вилоят бўйича ўртacha баҳолаш натижалари **31%** ни ташкил этади. Вилоятнинг Бўстонлик тумани бошқа туманларга нисбатан юқори натижаларни қайд этган.



19-расм. Тошкент вилояти туманларида
PISA математик саводхонлиги натижалари.

19-расмдан кўриниб турибдики, Тошкент вилояти туманлари орасида энг юқори қўрсаткич Бўстонлик туманига тўғри келган. Математик саводхонлик йўналиши бўйича топшириқларни бажарилиши Бўстонлик туманида бошка туманларга нисбатан сезиларли даражада юқори. Лекин вилоятнинг Бўка туманида баҳолаш қўрсаткичи жуда паст. Вилоят миқёсида Зангиота, Куйичирчик, Оҳангарон, Чиноз ва Юқоричирчик туманлари ўртача баҳолаш қўрсаткичи **24,4%** ни ташкил этган (19-расм).

Мактабдаги математика фанини ўқитиш тизими ўқувчилардаги катта билим манбасини тъминлаб, уларда ушбу билимлар шаклланадиган дарсдаги оддий вазиятларидан ташқарига реал ҳаётий вазиятларга чиқиш қобилиятини шакллантиришга ёрдам бермайди. Яъни, ўқувчи олган билимларини ҳаётий вазиятларда учраши мумкин бўлган муаммоли вазиятларда қўллай олмайди.

Шу жумладан ўқувчилар томонидан энг кўп тўғри ёним қўрсатилган топшириқлардан намуналар қўрадиган бўлсак, "Фазо ва шаклга" оид математик мазмун соҳаси топшириқлари нисбатан яхши бажарилган. Жумладан, "**Гараж**" ва "**Учбурчаклар**" топшириқлари. Ўқувчилар математиканинг Ўзгаришлар ва муносабатлар мазмун соҳасига доир "**Маёқ**", "**Зилзила**", "**Арғимчок**",


“Велосипедчи Ҳилола”, “Пойга машинаси тезлиги” ва “Қайси машина?” топшириқларини муваффакиятли бажаришган. Лекин, “Маълумотлар ва ноаниқликлар” мазмун соҳасига оид топшириқларни бажаришда ўқувчиларда математик натижани ёки ечимни аниқлаш учун ишлатилган жараёнлар ва алгоритмлар, моделларни тушунтириш ва асослаш қўниммалари етарли даражада шаклланмаганлиги аниқланди.

Шу билан бирга математик жараёнларнинг реал олам контекстида талқин қилиш ҳам ўқувчиларда қийинчилик туғдирди. Ўқувчилар содда алгоритмларни кўллашни биладилар, аммо математик далиллар устида фикр юритишга қийналадилар.

Муаммо мазмуни ва математик ечим қўриниши орасидаги боғланишни тушунишда, жадваллар, диаграмма ва гистограммаларни ўқишида паст натижа кўрсатган. Масалан, Тангалар, Шакллар, Валюта курси, Тест натижаси, DVD диск ижараси, Карбонат ангидрид гази миқдорининг камайиши каби топшириқлари шулар жумласидан.

Маълумотлар ва ноаниқлик мазмун соҳасидаги Пицталар, Тангалар каби масалаларни ечишда ўқувчилар комбинаторика бўлими Миллий ўқув дастурига янги қўшилганлиги сабабли энг паст кўрсаткични қайд этган.

Stesting электрон пластформасига математик саводхонлик мазмун соҳалари қуидаги тартибда жойлаштирилган (20-расм). Энг кўп топшириқлар миқдорлар мазмун соҳасига тегишли бўлишига қарамасдан ўқувчиларнинг баҳолаш кўрсаткичлари қониқарли эмаслигининг гувоҳи бўламиз.



20-расм. Математик саводхонлик мазмун соҳалари.

Қиёсий халқаро тадқиқотлар натижаларининг пастлиги шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг кундалик ҳаётда математикадан эркин фойдаланишига тайёрлаш бўйича, яъни математик саводхонликни текширадиган халқаро тестлар талаблариға жавоб берувчи топшириқларни ечишга эътибор қаратилмаган.

Бундай паст кўрсаткичларнинг сабабларидан бири мактабда ўтиладиган математика фаннинг академик йўналиши бўлиб, асосан мактабда назария ўтилади ва таълим мазмунининг амалий қисмига етарлича эътибор берилмаслигидир.

Бунинг натижаси 7-9-синфларда факат математика фанидан ўтказиладиган ўқувчиларнинг якуний аттестацияси мазмунида ҳам ўз аксини топди. Натижада ўрта умумтаълим мактаблари учун амалдаги дарсликларда, шунингдек, асосий ва ўрта мактаб дастурлари бўйича тест ва имтиҳон ишларида амалий йўналиш жорий этилмаяпти.

Шуни таъкидлаш керакки, амалий билимларни баҳолаш математик компетенцияни эгаллаш учун етарли эмас, чунки бу билим факат унинг бир қисмидир.

Гап шундаки, компетенция ўз билимларини ушбу билим олинган вазиятлардан бошқа ҳолатларда қўллаш қобилиятини ўз ичига олади. Афсуски, қўплаб ўқувчилар ўзларининг олган билимларини амалиётда қўллай олмайдилар ва уларнинг халқаро тадқиқотлар топшириқларини бажаришда муаммоларга дуч келганини кўришимиз мумкин.

Психологларнинг мактаб таълими йўналиши бўйича олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бу қўникмага эга бўлиш учун тегишли ўқитиш методикаси талаб қилинади.



1.4. PISA ТАДҚИҚОТИ НАТИЖАЛАРИ ХУЛОСАЛАРИ

STesting электрон платформасида PISA тадқиқотида мамлакатимиздан жами 1 000 000 га яқин мактаб ўқувчилари жорий йилнинг февраль-июль ойларида 6 ой мобайнида иштирок этдилар. Улар ўқиш саводхонлиги, табиий-илмий саводхонлик ва математик саводхонлик йўналишларида олган билимларини PISA тадқиқотларида ўтган йиллар давомида фойдаланилган очик базадаги тест-топшириқларини бажариб синааб кўрдилар.

Ўқиш саводхонлик йўналиши бўйича Сирдарё вилояти **17,7%** натижга билан энг яхши натижани қайд этган бўлса, Сурхондарё вилояти мактаб ўқувчилари ўртача **5,7%** ни ташкил қилди. Туманлар бўйича олганда, Каттақўоғон тумани **24%** билан энг яхши натижани қайд этган бўлса, Булунғур тумани эса **0,8%** билан русспубликадаги энг қуи натижани қўрсатди. Солишириш учун, **PISA-2018** тадқиқотларида Филиппин давлати 440 балл (**44%**) билан энг охирги натижани қайд этган.

PISA тадқиқотида ўқиш саводхонлигини тушуниш, керакли маълумотни топа олиш, мазкур маълумотлардан фойдалана олиш, улар ҳақида мулоҳаза юритиш ва маълумотлар асосида хулоса чиқара олиш компетенцияларини ўқувчилар билан янада чуқурроқ ўрганиш лозим. Платформадаги матнларда ўқувчи бир неча манбали матнлар билан ишлаб, улардаги керакли маълумотларни ўзаро интеграция қила олишлари ва маълумотларни ўзаро солишириш, манбанинг ишончилилигини баҳолай олиш, матн мазмуни ва шакли ҳақида хулоса чиқара олиш компетенцияларини ҳам ўрганиши керак. Платформага қўйилган топшириқларнинг таҳлили шуни қўрсатдиги, ўқувчилар бир манбали матн билан ишлашда катта қийинчиликларга дуч келишяпти. Матндаги очик ҳолатда

берилган саволларга аксар ҳолларда тўлиқ жавоб берилмаган. Ва, айниқса, тест усулида тузилган саволларга деярли жавоб берилмаган. Шуларнинг ҳисобига аксарият ҳудудларимизда мактаб ўқувчиларимиз ўқиш саводхонлиги бўйича қуи қўрсаткичларни қайд этдилар.

Табиий-илмий саводхонлик бўйича Сирдарё вилояти **27,2%** баҳолаш натижаси билан энг яхши натижани қайд этган бўлса, Сурхондарё вилояти **5,6%** баҳолаш натижаси билан унинг аксини қўрсатган. Туманлар бўйича Боёвут 34,8% баҳолаш натижаси билан республикадаги энг яхши натижани қайд этган бўлса, Фарғона вилоятининг Кўштепа, Олтиариқ ва Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманлари **1%** натижа билан энг қуи натижани қайд этдилар. **PISA-2018** тадқиқотларида Доминика республикаси 336 балл (**33,6%**) билан энг охирги натижани қайд этган.

Ўқувчилар табиий-илмий саводхонлик бўйича топшириқларни бажаришда энг оддий тушунчаларни ҳам янги вазиятларда қўллашда, ёки фикрларини таклиф қилиш сўралганда қийинчиликка дуч келишди. Топшириқда берилган график маълумотларга асосланган саволгажавоб бериш сўралганда, улар қўпинча бундай қўрсатмаларни тушунмаганликларини кузатилди. Топшириқни тушунтириш ёки асослашни сўралганда, улар буни тушунмагандек таассурот қолдирдилар. Бу эса ўқувчиларнинг бадиий адабиётларни қўп ўқимаганликларидан ва топшириқларни ўқиб тушунишда муаммолари борлигидан далолат беради. Бундай ҳолларда улар ҳодисаларни жиддий таҳлил қилмасдан, фикрламасдан тез жавоб беришни афзал қўрадилар ва хатоликка йўл қўядилар.

Математик саводхонлик йўналиши бўйича республикада энг яхши натижани **31%** баҳолаш натижаси билан Тошкент вилояти энг яхши натижани қайд этган бўлса, Бухоро вилояти эса аксинча **8%** билан энг қуи натижани қўрсатган. Туманлар бўйича Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани **37%** баҳолаш натижалари билан энг яхши натижани қўрсатган бўлса, Бўка тумани эса **1%** натижа билан энг қуи натижани қайд этган. Агар PISA-2018 тадқиқотлари

натижаларига солиширилса, ушбу тадқиқотда Доминика республикаси 325 балл (**32,5%**) билан энг қуи натижани қайд этган.

PISA тадқиқотларида ўқувчиларнинг математик тайёргарлигини баҳолашда қуийдаги уч жиҳатга:

топшириқларнинг ўқувчиларнинг кундалик ҳаётдаги қизиқишлари ва эҳтиёжларига мослиги;

муаммо баёни (контекст) нинг ҳаётйилиги;


математикани қўллаш босқичларининг фақат айримларини эмас, балки барчасининг тўлиқ қамраб олинганлиги, яъни бу жараённинг бир қисминигина бажариш (масалан, тенгламани ечиш, алгебрик ифодани соддалаштириш) эмас, балки масалани тушуниш босқичидан бошлаб, уни математик тилда ифодалаш, ечиш ва ечимни талқин қилишгacha бўлган барча босқичларнинг ҳаммасини қамраб олинганлигига алоҳида эътибор қаратилмаганликларини кузатиш мумкин.

Бу жиҳатлар ўқувчиларнинг математик тайёргарлитини баҳолаш мазмуни, яъни математик саводхонлик тушунчасида ўз аксини топган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида PISA халқаро баҳолаш дастурларида мамлакатимиз бўйича энг яхши натижани Сирдарё вилояти қайд этди. Сурхондарё вилояти эса энг паст натижалар билан қуи дажаларни қайд этиб, ушбу ҳудудда халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик ишлари жуда ҳам суст олиб борилаётганини кўрсатдилар.







II. TIMSS

ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТАДҚИҚОТИ



TIMSS

• • •

PISA, PIRLS ва **TIMSS** халқаро тадқиқотлари талаблари асосида
ўтказилган баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий ҳисобот



А.АВЛОНӢЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБӢ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА
ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ-ТАДКИКОТ ИНСТИТУТИ

II. TIMSS ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТАДҚИҚОТИ

TIMSS (Trends in International Mathematics and Science Study)- ўқувчиларнинг математика ва табиий йўналишдаги фанлардан баҳолаш даражасини баҳолаш дастури ҳисобланади. Дунёнинг турли мамлакатларидағи ўрта мактаб ўқувчиларининг математик ва табиий-илмий фанларни ўқитиш даражаси ва сифатини, шунингдек миллий таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришларни аниқлаш ва таққослаш имконини беради.


2019 йилда ўтказилган еттинчи давра TIMSS тадқиқотида 67 та мамлакат иштирок этган ва Сингапур, Гонг Конг, Корея Республикаси, Хитой Тайпейи, Япония каби давлатлар энг юқори натижаларга эришган. Навбатдаги TIMSS тадқиқоти 2023 йилда ўтказилади ва унда ўзбекистонлик ўқувчиларнинг ҳам илк бора иштирок этиши қўзда тутилган. Умуман олганда, TIMSS ва PISA тадқиқотларида ўқувчиларнинг математик ва табиий фанлар саводхонлигини устувор йўналиш сифатида баҳоланиши инобатга олинса, улар Республикаизда бугунги кунда математика ва табиий фанларни янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларга ҳам тўлиқ мос келади, деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон TIMSS ва бошқа халқаро тадқиқотларда қатнашиш орқали ривожланган давлатларнинг таълим соҳасидаги илфор ва бизга мос тажрибаларини мамлакат таълим тизимида қўллаш, ўқувчиларимизнинг натижаларини бошқа давлатлар ўқувчилари натижалари билан таққослаш ҳамда келгуси ислоҳотларда инобатга олиш имкониятларига эга бўлади.


Юртимизнинг 4- ва 8-синф ўқувчиларининг бошқа давлатлардаги тенгдошларига нисбатан математика ва табиий фанларни баҳолаш даражасини аниқлаб олиш мақсадида, **STesting** электрон платформасида **TIMSS халқаро баҳолаш тадқиқотлари олиб** борилди. Ҳозирги кунда, **STesting** электрон

платформасида TIMSS тадқиқотида юртимиздаги **1 000 000** га яқин тўртинчи ва саккизинчи синflарда баҳолашларни ўтказишнинг одатдаги тажрибаси ўтказилди. **Платформада TIMSS халқаро тадқиқотларининг очиқ базасидаги 500 дан ортиқ топшириқлар жой олган бўлиб, 6 ой давомида** TIMSS тадқиқоти бўйича **2 500 000** дан ортиқ тест-топшириқлари бажарилди.

Куйида 2.1. бўлимда ушбу тадқиқот натижаларининг илмий таҳлили келтириб ўтилади. Аввало, 4- ва 8-синф ўқувчиларнинг математика фанидан ўтказилган тадқиқот натижалари билан танишиб чиқамиз.



21-расм. 4-синф математика фанининг мазмун соҳалари.



22-расм. 8-синф математика фанининг мазмун соҳалари.

2.1. TIMSS ДАСТУРИ МАТЕМАТИКА ФАНИ ТАДҚИҚОТЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

TIMSS тадқиқотидо ирасида математикани баҳолаштизими икки йўналишда ташкил этилган:


- фанга оид соҳаларни баҳолашга мўлжалланган мазмун соҳаси;
- фикрлаш жараёнларини баҳолашга мўлжалланган когнитив соҳа.

21- ва 22-расмда TIMSS тадқиқоти доирасида тўртинчи ва саккизинчи синфларни баҳолаш учун мазмун соҳаларининг тақсимоти келтирилган.

Бу мазмун соҳалари тўртинчи ва саккизинчи синфларда ўқитиладиган маълумотлар бўйича бир-биридан фарқланади. Тўртинчи синфда саккизинчи синфга қараганда сонларга қўпроқ эътибор берилади. Саккизинчи синфда тўртта таркибий қисмдан иккитаси: алгебра ва геометрияни ташкил қиласи. Одатда, улар бошланғич синфда алоҳида фан сифатида ўқитилмагани учун, тўртинчи синфда ҳарфли ифодаларнинг бошланғич элементлари сифатида киритилган. Тўртинчи синф мазмун соҳасида маълумот тўплаш, ўқиш ва бажаришга қўпроқ эътибор қаратилса, саккизинчи синфда маълумотларни талқин қилиш, статистика ва эҳтимоллик асосларига қўпроқ эътибор берилади.

TIMSS тадқиқоти доирасидаги тест топшириклирига тўғри жавоб бериш учун ўқувчилар математика мазмуни баҳоланишидан хабардор бўлишлари лозим, аммо шу билан бир қаторда билим қўникмаларини ҳам қўрсата олишлари керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, TIMSS тадқиқоти математик муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ бир қатор вазиятларни баҳолайди, тестларнинг учдан икки қисми ўқувчилардан қўллаш ва мулоҳаза қилиш қўникмаларидан фойдаланишини талаб қиласи. Когнитив соҳалар иккала синф учун ҳам бир хил.



23-расм. Математика фанининг когнитив соҳалари.

Тўртинчи синф билан таққослагандა, саккизинчи синфда билиш соҳасига камроқ, мулоҳаза юритиш соҳасига эса кўпроқ эътибор қаратилади. 23-расмда тўртинчи ва саккизинчи синфларни баҳолаш учун ҳар бир когнитив соҳасига ажратилган мақсадли фоизлар кўрсатилган.



STesting электрон платформасида ҳудудлар бўйича математика йўналиши натижаларининг динамикаси билан танишиб чиқайлик. Қўйида ҳудудлар кесимида 4- ва 8- синф ўқувчиларининг математика фанидан умумий ўртача баҳолаш қўрсаткичи келтирилган (21-жадвал). Ўртача баҳолаш қўрсаткичи **203,7** баллни ташкил этади. Натижалар халқаро **1000 балли шкала** бўйича солиширилган¹.

**21-жадвал. TIMSS тадқиқоти топшириқлари бўйича
математика фани натижалари.**

| Т/Р | ҲУДУД | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|-----------------|--------------------------|
| 1 | Тошкент вилояти | 300,7 |
| 2 | Навоий | 291 |
| 3 | Қашқадарё | 286 |
| 4 | Жиззах | 248 |
| 5 | Хоразм | 221 |
| 6 | Фарғона | 204 |
| 7 | Сурхондарё | 184 |
| 8 | Сирдарё | 181 |
| 9 | Тошкент шаҳар | 180 |
| 10 | ҚҚР | 180 |
| 11 | Наманган | 157 |
| 12 | Самарқанд | 155 |
| 13 | Андижон | 152 |
| 14 | Бухоро | 134 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 203,7 |

Тошкент вилояти энг юқори қўрсаткичга – **300,7** баллга эришган бўлса, энг паст қўрсаткичини – **134** балл Бухоро вилояти қўрсатиб турибди. Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Хоразм ва Наманган вилоятлари ўртача қўрсаткичларни қайд этишган.


1 http://www.centeroko.ru/timss11/timss11_res.html

Республика миқёсида 8-синф ўқувчиларининг математика фанидан ўртача баҳолаш бали **272** баллни ташкил этади. 8-синф ўқувчилари 4-синф ўқувчиларига қараганда паст натижга қўрсатган.


8-синф ўқувчилари орасида ҳам Тошкент вилояти энг юқори қўрсаткичга эришган бўлса, энг паст қўрсаткични Бухоро вилояти қўрсатиб турибди. Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари худудлар бўйича ўртача баҳолашдан юқори натижга қайд этган.

Куйида худудлар кесимида 4-синф математика фанининг когнитив соҳаси натижалари келтирилган (24-расм). Кўриниб турибдики, билишга оид топшириқларни 4-синф ўқувчилари мувафаққиятли бажарган. Лекин, мулоҳаза юритишга оид топшириқларда қийинчиликларга дуч келишган. Жумладан, Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар ўқувчиларининг баҳолаш қўрсаткичлари бошқа худудларга нисбатан юқори бўлиб, энг паст қўрсаткични Сурхондарё вилояти қўрсатган.

24-расм. 4-синф Математика фани когнитив соҳаси натижалари.



8-синф ўқувчиларининг ичида Андижон, Бухоро ва Тошкент вилоятларининг ўқувчилари билиш ва қўллашга оид топширикларни мувафақиятли бажаришган бўлса, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ўқувчилари қолган ҳудудларга нисбатан паст натижа кўрсатишган (25-расм).



25-расм. 8-синф Математика фанининг когнитив соҳаси натижалари.

Куйидаги жадвалда 4- ва 8-синф мактаб ўқувчиларининг математика фанидан умумий ўртacha баҳолаш натижалари туманлар кесимида келтирилган.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|----------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Бўстонлик | 670 |
| 2 | Оққўрғон | 410 |
| 3 | Паркент | 390 |
| 4 | Қибрай | 340 |
| 5 | Пискент | 340 |
| 6 | Ўртачирчик | 320 |
| 7 | Янгийўл | 300 |
| 8 | Юқоричирчик | 280 |
| 9 | Бўка | 260 |
| 10 | Зангиота | 240 |
| 11 | Чиноз | 210 |
| 12 | Бекобод | 200 |
| 13 | Оҳангарон | 150 |
| 14 | Куйичирчик | 100 |
| Ўртacha баҳолаш натижалари | | 300,7 |

**22-жадвал. Тошкент вилояти туманларида
TIMSS математика натижалари.**


Тошкент вилояти барча ҳудудлар орасида математика фани бўйича юқори натижани (**300,7 балл**, 22-жадвал) кўрсатган бўлиб, шу кунгача **6 ой илмий-тадқиқот ишлари** давомида барқарор натижаларни кўрсатиб келмоқда. 22-жадвалда Тошкент вилоятининг 14 та туманлари бўйича 4- ва 8-синф мактаб ўқувчиларининг математика фанидан умумий ўртacha баҳолаш натижаларини келтирилган. Вилоятдаги **Бўстонлик тумани энг юқори натижа – 670 баллни қайд этган бўлса, Оҳангарон ва Куйичирчик** туманларида жуда паст натижаларни, мос равишда **150** ва **200** балларни қайд этган. Ўқувчилар фактлар, муносабатлар ва тушунчаларни аниқлашда ёки баён этишда, амаллар тартибини аниқлашда, геометрик шаклларни юзни топиш, теорема ва тасдиqlардан тўғри ва ўринли фойдаланишда тўғри ечимга эга эканликларини кўрсатган. Ушбу вилоят таълим муассасаларида ўқитувчилар томонидан математика фанидан фундаментал билимлар ўқувчиларга тўғри етказиб берилган.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Мирзачўл | 420 |
| 2 | Фориш | 380 |
| 3 | Шароф Рашидов | 350 |
| 4 | Пахтакор | 340 |
| 5 | Бахмал | 320 |
| 6 | Ғаллаорол | 270 |
| 7 | Зафаробод | 260 |
| 8 | Дўстлик | 240 |
| 9 | Зарбдор | 180 |
| 10 | Арнасой | 130 |
| 11 | Янгиобод | 60 |
| 12 | Зомин | 30 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 248 |

**23-жадвал. Жиззах вилояти туманларида
TIMSS математика натижалари.**

23-жадвалдан кўриниб турибдики, Жиззах вилояти 4- ва 8-синф ўқувчиларининг математика фани бўйича умумий ўртача баҳолаш қўрсаткичи **248** баллни ташкил этади. Вилоятнинг Зомин, Янгиобод, Арнасой, Зарбдор туманларининг 4- 8-синф мактаб ўқувчиларининг умумий натижалари **200** баллни ҳам ташкил этмади.

Ўқувчилар плаформада математика фанининг мулоҳаза юритиш когнитив соҳасига тегишли топшириқларни ечишда қийинчиликларга дуч келганлар. Мулоҳаза юритиш одатий муаммоларни ҳал қилишдан ташқари, нотаниш вазиятларни, мураккаб контекстларни ва кўп босқичли муаммоларни қамраб олади. Шунингдек, математик мулоҳаза юритиш мантикий, тизимли фикрлашни талаб этади. У янги ёки нотаниш вазиятларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун ишлатилиши мумкин бўлган интуитив ва индуктив мулоҳазаларни ўз ичига олади. Бундай муаммолар соф математик ёки реал ҳаётдаги вазиятлар бўлиши мумкин. Бундан кўриниб турибдики, ўқувчиларимизда математика фанини ўқитиш билан бирга мулоҳаза юритиш ва мантикий фикрлаш кўникмаларини ҳам шакллантиришимиз зарур.



26-расм. Қашқадарё вилояти туманларида
TIMSS математика натижалари, балл.

26-расмда Қашқадарё вилоятининг 14 та туманида 4- ва 8-синф мактаб ўқувчиларининг **STesting** платформасида **6 ой давомида** ўтказилган **TIMSS** халқаро баҳолаш тадқиқотининг математика фани бўйича натижалари келтирилган. Ушбу статистик маълумотлардан маълумки, Қашқадарё вилоятининг **Қамаши, Шаҳрисабз ва Якқабоғ туманлари энг юқори натижаларни 400-450 балларни қайд этганлар. Чироқчи, Нишон, Қарши, Косон туманларида мактаб ўқувчиларининг математика фанидан олган натижалари 200 баллни ҳам ташкил этмаган.** Қўқдала тумани мактаб ўқувчиларининг натижалари платформада қайд этилмади. Статистик маълумотларга кўра, май ойида ўқувчларнинг баҳолаш кўрсаткичлари пасайган. Тадқиқот натижаларига кўра вилоятда кучли ўнталикка кирган ўқувчилар бор.

Вилоят ўқувчилари асосан, сонлар ва амаллар мазмун соҳаларига оид бўлган топшириқларни бажаришда муаммоларга дуч келганлар. Математиканинг “Сонлар ва амаллар” бўлими математиканинг асоси ҳисобланиб,

у ўз ичига бутун сонлар, ифодалар, содда тенгламалар ва муносабатлар (Оддий ва ўнлик касрлар - 8-синфда) ва Оддий касрлар ва ўнли касрлар (Пропорциялар, нисбатлар ва фоизлар - 8-синфда) мавзуларини қамраб олган. Бундан кўриниб турибдики, мактабларда ушбу мавзуларни ўқитишни такомиллаштириш лозим.

Куйида 24-жадвалда Навоий вилояти туманларидағи мактаб ўқувчиларининг **TIMSS математика** бўйича олган натижалари билан танишиб чиқамиз.


**24-жадвал. Навоий вилояти туманларида
TIMSS математика натижалари.**

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Конимех | 420 |
| 2 | Учкудуқ | 400 |
| 3 | Нурота | 320 |
| 4 | Навбаҳор | 300 |
| 5 | Кармана | 280 |
| 6 | Қизилтепа | 270 |
| 7 | Хатирчи | 250 |
| 8 | Томди | 90 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 291 |

Навоий вилояти TIMSS халқаро баҳолаш тадқиқотининг математика фани бўйича ўртача **291** балл натижани қайд этган. Вилоятда энг паст қўрсаткични Томди тумани ўқувчилари **90** балл натижга билан қайд этганлар. Учкудуқ ва Конимех туманларининг 4- ва 8-синф ўқувчилари математика фанидан умумий ўртача **400 - 420** балл билан вилоятдаги энг яхши натижани қўрсатганлар

Таҳлил натижаларига қўра, Навоий вилояти ўқувчиларида математика фанига бўлган қизиқишлиари юқори эканлиги олинган натижалардан кўриниб турибди.

27-расмда Фарғона вилояти туманларида **TIMSS математика** фани бўйича натижалар келтирилган.



**27-расм. Фарғона вилояти туманларида
TIMSS математика натижалари, балл.**

Фарғона вилояти бўйича 4- ва 8-синф ўқувчилари математика фанидан умумий ўртача баҳолаш натижалари 204 баллни ташкил этган. Ушбу натижа билан вилоят республикадаги ўртача натижалардан бирини қайд этган. Кўштепа тумани мактаб ўқувчилари 410 балл билан вилоят бўйича энг яхши натижани қайд этиб, ҳозирча Фарғона вилоятида 400 балдан юқори натижа кўрсатган ягона туман бўлиб турибди. Бувайда, Қўқон, Қувасой, Фарғона шаҳар, Фарғона туманларининг мактаб ўқувчилари 300-380 балл натижа кўрсатиб, яхши натижаларни кўрсатишган. Плаформада ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон, Бешариқ, Сўх, Ёзёвон, Фурқат ва Риштон туманларининг ўқувчилари

TIMSS халқаро баҳолаш тадқиқотларининг математика фанидан ўз билимларини намоён эта олмаганлар. Ушбу ҳудуд ўқувчилари тадқиқот натижаларига кўра, 100 балл натижа ҳам қайд этолмай аниқ ва кенг қамровли фактларга асосланган билимларини кўрсата олмаганлар.

Кўйида 25-жадвалда Хоразм вилояти туманларида **TIMSS математика** натижалари билан танишиб чиқамиз.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Хазорасп | 440 |
| 2 | Урганч шаҳар | 410 |
| 3 | Қўшқўпир | 390 |
| 4 | Боғот | 310 |
| 5 | Хонқа | 300 |
| 6 | Янгибозор | 260 |
| 7 | Шовот | 210 |
| 8 | Урганч | 140 |
| 9 | Хива шаҳар | 130 |
| 10 | Янгиарик | 90 |
| 11 | Хива | 90 |
| 12 | Гурлан | 80 |
| 13 | Тупроққалъа | 23 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 221 |

**25-жадвал. Хоразм вилояти туманларида
TIMSS математика натижалари.**

Хоразм вилояти 4- ва 8-синф ўқувчилари TIMSS тадқиқотининг математика фанидан умумий ўртача баҳолаш натижалари 221 балл. Фақатгина Урганч шаҳар ва Хазорасп тумани ўқувчиларигина, 400 балдан тўплаб, вилоятдаги энг яхши натижани қайд этган бўлса, Тупроққалъа, Гурлан, Хива ва Янгиарик туманлари мактаб ўқувчилари умумий ўртача 100 балл ҳам тўплай олмаганлар (25-жадвал).

Вилоят ўқувчилари топшириқларни билиш когнитив соҳасига тегишли топшириқларни ечишда деярли ҳеч қандай қийинчилликка учрамаганлар. Лекин, мазкур ҳудуд ўқувчилари математика фанининг мулоҳаза юритиш когнитив соҳасига тегишли топшириқларни ечишда қийинчилликларга дуч келганлар.

Куйида Андижон вилояти туманлари мактаб ўқувчиларининг TIMSS математика фанидан олган умумий ўртача натижалари билан танишиб чиқамиз.



**28-расм. Андижон вилояти туманларида
TIMSS математика натижалари, балл.**

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жойизки, Андижон вилояти мактаб ўқувчиларининг халқаро баҳолаш дастурлари тадқиқотларига тайёргарлик даражалари жуда ҳам суст кетмоқда. Буни STesting платформасида ўтказилган

тадқиқот натижаларининг илмий таҳлилидан ҳам қўриш мумкин. Вилоят ўқувчиларининг республика бўйича TIMSS математика фанидан олган умумий ўртача натижалари **200** баллни ҳам ташкил этмайди (**152** балл). Хўжаобод, Андижон, Улуғнор, Жалакудук туманлари ўқувчиларигина ўз натижаларини **200** баллдан ошира олганлар. Бошқа барча туманлар **64 -180** баллгача бўлган натижаларни қайд этишган.

Вилоят ўқувчилари мулоҳаза юритиш, одатий муаммоларни ҳал қилишдан ташқари, нотаниш вазиятларни, мураккаб контекстларни ва қўп босқичли муаммоларни қамраб олган топшириқларни бажаришда муаммоларга дуч келганлар.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Самарқанд ш. | 280 |
| 2 | Каттакўрғон | 260 |
| 3 | Қўшработ | 250 |
| 4 | Нуробод | 240 |
| 5 | Самарқанд | 185 |
| 6 | Тойлоқ | 170 |
| 7 | Жомбай | 165 |
| 8 | Оқдарё | 140 |
| 9 | Булунғур | 130 |
| 10 | Ургут | 110 |
| 11 | Нарпай | 90 |
| 12 | Пайариқ | 85 |
| 13 | Иштихон | 80 |
| 14 | Пастдарғом | 75 |
| 15 | Пахтачи | 70 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 155 |

**26-жадвал. Самарқанд вилояти туманларида
TIMSS математика натижалари.**

Самарқанд вилояти ҳам республика бўйича энг қуи натижаларни кўрсатган (26-жадвал). Вилоятнинг 4- ва 8-синф ўқувчилари TIMSS тадқиқотининг математика фанидан умумий ўртача баҳолаш натижалари бор йўғи **155** баллни ташкил этган. Бу кўрсаткич Андижон вилоятининг кўрсатган умумий ўртача натижалари билан деярли бир хил. Вилоят бўйича фақат 4 та (**Нуробод, Кўшработ, Самарқанд шаҳар ва Каттақўрғон**) туманларигина **240-280** балл тўплаганлар. Қолган барча 11 та туман ҳатто **200** балл ҳам натижа кўрсата олмаганлар. Вилоят бўйича, умумий ишланган тестлар динамикасига қўра охирги ойларда сезиларли даражада самарадорлик тушган.

Вилоят ўқувчилари когнитив соҳага оид тест топшириклари маълумотларни таҳлил қилишда қийинчиликларга дуч келганлар.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Наманган | 350 |
| 2 | Мингбулоқ | 340 |
| 3 | Поп | 320 |
| 4 | Учқўрғон | 270 |
| 5 | Косонсой | 190 |
| 6 | Норин | 160 |
| 7 | Чорток | 150 |
| 8 | Чуст | 130 |
| 9 | Уйчи | 80 |
| 10 | Янгиқўрғон | 30 |
| 11 | Тўракўрғон | 10 |
| 12 | Давлатобод | 10 |
| 13 | Янги Наманган | 0 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 157 |

**27-жадвал. Наманган вилояти туманларида
TIMSS математика натижалари.**

Наманган вилояти мактаб ўқувчилари ҳам, деярли Бухоро, Андижон, Самарқанд вилоятларида қайд этилган натижаларни кўрсатган. Вилоят бўйича умумий баҳолаш натижалари **157** балл. Андижон ва Самарқанд вилоятлари мактаб ўқувчиларидан фарқли ўлароқ, вилоятнинг Поп, Мингбулоқ ва Наманган туманларида **300** балдан юқори натижаларни (**320-350 балл**) қайд эта олганлар. **Янги Наманган, Тўракўрғон, Давлатобод, Янгиқўрғон ва Уйчи туманларида умумий қайд этилган натижалар 100 балга ҳам етмаган (0-80).** Шунинг ҳисобига вилоят бўйича умумий **баҳолаш кўрсаткичлари тушиб кетган. Янги Наманган 4- ва 8-синф ўқувчиларининг платформада TIMSS дастурларида натижалари қайд этилмади.**

Вилоят ўқувчилари, асосан, мулоҳаза юритиш когнив соҳасига оид топшириқларни, яъни нотаниш вазиятлар, мураккаб контекстлар ва қўп босқичли муаммоларни қамраб оловчи топшириқларни бажаришда қийналганлар.



29-расм. Қорақалпоғистон Республикаси туманларида TIMSS математика натижалари, балл.

Қорақалпоғистон Республикаси математика фанидан ўқувчиларнинг баҳолаш коэффициенти 180 баллни ташкил қиласди. Платформадаги ойма-ой натижаларга қараладиган бўлса, ҚҚР мактаб ўқувчилари доим ўзфаолликлари билан ажралиб турдилар. Буни ишланган тестлар динамикасига қўра охирги ойларда Беруний тумани мактаб ўқувчиларининг натижалари сезиларли даражада фоизлар қўтарилиганида ҳам кўриш мумкин. Тўрткўл, Тахтақўпир Беруний ва Қонликўл туманлари ўз натижаларини **200 баллдан оширган бўлса (**230-260 балл**), Амударё, Нукус, Кегейли туманларининг мактаб ўқувчилари TIMSS математика натижаларини **300** баллдан оширишига эришганлар. Фақат **Тахиатош, Бўзатов, Қораўзак, Елликқалъа, Мўйноқ туманларида натижалар 100 балга ҳам етиб бормаган.** Лекин ушбу туманларда ойма-ой статистик натижалари ўсиб бораётганини кузатиш мумкин.**

ҚҚР мактаб ўқувчилари математик мулоҳаза юритиш мантикий, тизимли фикрлашни талаб этадиган топшириқларни бажариш давомида қийинчиликларга дуч келганлар.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|----------------------------------|----------------------|--------------------------|
| 1 | Юнусобод тумани | 350 |
| 2 | Учтепа тумани | 300 |
| 3 | Олмазор тумани | 280 |
| 4 | Чилонзор тумани | 240 |
| 5 | Яшнобод тумани | 210 |
| 6 | Миробод тумани | 200 |
| 7 | Сергели тумани | 150 |
| 8 | Мирзо Улуғбек тумани | 130 |
| 9 | Яккасарой тумани | 80 |
| 10 | Шайхонтохур тумани | 50 |
| 11 | Бектемир тумани | 0 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 180 |

**28-жадвал. Тошкент шаҳар туманларида
TIMSS математика фанлар натижалари.**

Платформанинг статистик маълумотларига назар солсак, Тошкент шаҳри туманлари халқаро баҳолаш тадқиқотда барқарор натижаларни қайд этмоқда. Ўқувчилар томонидан ишланган топшириқлар таҳлил қилинганда ўқувчиларда тадқиқот ўтказиш орқали жавоб бериш мумкин бўлган саволларни шакллантириш ва тадқиқот режаси ҳақидаги маълумот ёрдамида тадқиқот натижаларини башорат (прогноз) қилиш, жадваллар, пиктограммалар, гистограммалар, чизиқли графиклар ва жадваллардан маълумотларни ўқиб тушуниш ва изоҳлаш, маълумотлар асосида хулоса қила олиш, матн мазмуни ва шакли ҳақида мулоҳаза юритиш қўникмалари яхши ривожланганини кўриш мумкин.

Учтепа ва Юнусобод туман мактаб ўқувчилари **300-350** балл билан энг яхши натижаларни қайд этган бўлсалар, **Шайхонтоҳур ва Яққасарой туманлари 100 балли натижага эриша олмаганлар. Фақат Бектемир тумани мактаб ўқувчиларини натижаларинг платформанинг статистик маълумотларида қайд этилмади.** Шунинг ҳисобига шаҳар бўйича **умумий статистик натижалар тушиб кетган.**

29-жадвалда Сурхондарё вилояти туманларида TIMSS математика натижалари келтирилган.


| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|-----|---------------|--------------------------|
| 1 | Сариосиё | 480 |
| 2 | Жарқўрғон | 280 |
| 3 | Термиз ш. | 280 |
| 4 | Музработ | 260 |
| 5 | Узун | 220 |
| 6 | Шўрчи | 190 |
| 7 | Ангор | 160 |
| 8 | Термиз | 150 |
| 9 | Кумқўрғон | 130 |
| 10 | Қизириқ | 120 |
| 11 | Денов | 120 |

| | | |
|---------------------------|----------|-----|
| 12 | Олтинсой | 110 |
| 13 | Шеробод | 100 |
| 14 | Бандиҳон | 90 |
| 15 | Бойсун | 80 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 184 |


**29-жадвал. Сурхондарё вилояти туманларида
TIMSS математика натижалари.**

Сурхондарё вилоятининг 6 ой давомида эришган умумий натижаси **184** баллни ташкил этади. Бу республика бўйича ўртача натижка ҳисобланади. Сариосиё тумани **480** балл билан республикадаги энг яхши натижаларни қайд этганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Узун, Музработ, Жарқўрғон туманлари ва Термиз туман мактаб ўқувчилари **200-280** балли натижаларни қайд этиб яхши кўрсаткичларни намоён этган бўлсалар, **Бойсун ва Бандиҳон туманларининг** мактаб ўқувчилари **100** балли натижани қайд эта олмаганлар.

Вилоят ўқувчилари математика фанининг билиш когнитив соҳасига оид топшириқларни ҳам бажара олмаганлар. Билиш бу ўқувчилар билиши керак бўлган фактлар, тушунча ва амалларни қамраб олади. Ўқувчиларнинг фанга оид асосий фактларни эслаб қолиш, математик объектларни аниқлаш, уларни изоҳлаш, ҳисоблаш, графиклар, жадвал, матн ёки бошқа манбалардан маълумот олиш, ўлчов воситаларидан фойдаланиш ва тегишли бирликларни танлаш кўнилмаларини баҳолайди.



Куида **Stesting** плаформасида фаол ҳаракатлари ва ижобий натижалари билан ажралиб турган Сирдарё вилоятининг мактаб ўқувчилари **TIMSS математика** фанидан олган умумий натижалари билан танишиб чиқамиз (30-расм).



**30-расм. Сирдарё вилояти туманларида
TIMSS математика натижалари, балл.**

Сирдарё вилоятининг ўртача умумий натижаси **181 балл**. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, вилоят бўйича биронта ҳам **100 баллдан паст** натижа кўрсатган туман йўқ. **Янгиер шаҳар, Гулистан, Сайхунобод, Оқолтин, Мирзаобод** туман ўқувчилари **210-280** балл тўплаган бўлсалар, қолган туманлар **110-160** балл билан ўртача натижаларни қайд этганлар.

Сирдарё вилоятининг натижалари Stesting платформасида ойма-ой ўсиб бормоқда. Вилоят ўқувчилари топшириқларни бажаришда мураккаб муаммолар ҳақида фикрлаш ва ҳал қилишга оид топшириқларни ечишда қийинчиликка дуч келганлар.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Жондор | 260 |
| 2 | Ромитан | 250 |
| 3 | Шоғиркон | 210 |
| 4 | Бухоро | 160 |
| 5 | Фиждувон | 160 |
| 6 | Қоровулбозор | 120 |
| 7 | Олот | 100 |
| 8 | Когон | 100 |
| 9 | Қорақўл | 40 |
| 10 | Пешку | 40 |
| 11 | Вобкент | 40 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 134 |

30-жадвал. Бухоро вилояти туманларида TIMSS математика натижалари.

Бухоро вилояти таълим соҳасида кучли мактаблари, фан ўқитувчилари ва мактаб ўқувчиларининг яхши академик билимга ҳамда ўзига хос дарс ўтиш методикаларига эга бўлишларига қарамасдан, халқаро баҳолаш дастурлари топшириклигини бажаришда талайгина муаммоларга дуч келганлар. Бу натижани нафақат TIMSS тадқиқотларида, балки PISA, PIRLS халқаро баҳолаш дастурлари тадқиқотларида ҳам кузатилди. Вилоят бўйича, TIMSS халқаро баҳолаш дастурлари математика фан бўйича олган умумий ўртача натижалари **134** баллни ташкил қиласди. Шоғиркон, Ромитан, Жондор туман ўқувчиларининг умумий ўртача натижалари **210-260** баллни ташкил этиб вилоятдаги энг яхши натижаларни қўрсатган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, вилоят бўйича биронта ҳам туман ўзининг умумий ўртача натижаларини 300 баллга етказа олмаганлар. Қорақўл, Пешку ва Вобкент туман мактаб ўқувчилари **40** баллдан тўплаб вилоят бўйича энг ёмон натижани қайд этганлар.

Вилоят ўқувчиларида фанлардан олган билимларини ҳаётий вазиятда қўллай олиш қўниқмаси шаклланмаган. Ушбу статистик таҳлилга қараб шуни айтиш мумкинки, ўқувчиларимизга факат олийгоҳларга кириш учун билимлар берилади. Олган билимларини амалда қўллаш ва мулоҳаза юритишга оид когнитив даражаларга эътибор қаратилмайди.

2.2. TIMSS ТАБИИЙ ФАНЛАР ТАД҆ИҚОТЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Олдинги 2.1. бўлимда 4- ва 8-синф мактаб ўқувчиларининг TIMSS математика фани тадқиқотлари натижалари таҳлили келтирилди. Ушбу бўлимда TIMSS табиий фанлар тадқиқотлари натижалари келтирилади.


Табиий фанлар бўйича таълим ютуқларини баҳолашда ҳам турли хил вазифалар қўлланилади (жавобни танлаш, қисқа ва тўлиқ ёритилган жавобни бериш, амалий вазифалар). Вазифалар биология, кимё, физика, география фанлари мавзулари бўйича ишлаб чиқилади. Тадқиқотда ўқувчиларнинг далилларни билиш, концептуал тушуниш, аналитик қобилияtlар, умумлаштириш, режалаштириш, ўрганиш ва бошқа кўниkmалар баҳоланади. Ушбу кўниkmаларни баҳолаш учун TIMSS тадқиқотлар очиқ базасидаги табиий фанларга мос бўлган 4- синflар учун **180** та, 8-синflар учун эса **160** та, жами **340 та** топшириқлар платформадан жой олган.

TIMSS табиий фанлар қамров доираси иккита ўлчовни қамраб олади:


- фан мазмунини ўлчаш, баҳоланиши керак бўладиган мазмун;
- когнитив ўлчов, баҳоланиши керак бўладиган фикрлаш жараёнлари.




8-синф. Контекс соҳаси.



4-синф. Контекс соҳаси.



■ 8-синф ■ 4-синф



Когнитив соҳалар.

31-расм. 4- ва 8-синфларда TIMSS халқаро баҳолашнинг табиий фанлар мазмуни ва когнитив соҳаларга оид топшириқлар фоизлари.

31-жадвалда вилоятлар кесимида 4- синф ўқувчиларининг табиий фанлар бўйича олинган натижаларнинг динамикаси келтирилган.

| Т/Р | ВИЛОЯТЛАР | ЎРТАЧА БАЛЛ |
|---------------------------|-----------------|-------------|
| 1 | Тошкент вилояти | 266 |
| 2 | Наманган | 254 |
| 3 | Андижон | 250 |
| 4 | Тошкент шаҳар | 236 |
| 5 | Жиззах | 234 |
| 6 | Навоий | 231 |
| 7 | Қашқадарё | 230 |
| 8 | Қорақалпогистон | 224 |
| 9 | Самарқанд | 222 |
| 10 | Бухоро | 212 |
| 11 | Сирдарё | 204 |
| 12 | Сурхондарё | 186 |
| 13 | Фарғона | 168 |
| 14 | Хоразм | 154 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 219 |

**31-жадвал. TIMSS тадқиқоти топшириқлари бўйича
4- синф ўқувчиларининг натижалари.**

Бунда Хоразм вилояти ўртача 154 балл билан энг яхши натижани қайд этган бўлса, Тошкент вилояти 266 балл билан нисбатан энг яхши натижани қайд этган.

Энди, мамлакатимиздаги 8-синф ўқувчиларнинг платформада табиий фанлар бўйича олган натижаларнинг таҳлилини қўрсатамиз. 31(а)-жадвал ушбу натижаларнинг ўсиш тартибида кузатиш мумкин. Бухоро вилоятининг 4-синф ўқувчилари табиий фанлар бўйича 212 балл билан ўртача натижалардан бирини қайд этган бўлса, ушбу вилоятнинг 8-синф ўқувчилари 90 балл билан нисбатан ёмон натижани қайд этган. Ушбу ҳолатни энг яхши натижани аниқлашда ҳам кузатиш мумкин. Тошкент вилоятнинг 4-синф мактаб ўқувчилари ўртача 266 балл ўзлаштириш натижаларини қайд этган бўлса, ушбу вилоятнинг 8-синф

ўқувчилари 116 балл билан энг ёмон кўрсаткичлардан бирини намоён этдилар. Наманган вилоятининг 4- ва 8-синф ўқувчилари мос равишда 236 ва 244 балл билан энг яхши натижаларни қайд этганлар.

31(а)-жадвалда TIMSS тадқиқоти топшириклари бўйича 8-синф ўқувчиларининг натижалари келтирилган.

| T/P | ВИЛОЯТЛАР | ЎРТАЧА БАЛЛ |
|---------------------------|-----------------|-------------|
| 1 | Наманган | 244 |
| 2 | Сурхондарё | 236 |
| 3 | Сирдарё | 232 |
| 4 | Қорақалпоғистон | 230 |
| 5 | Хоразм | 228 |
| 6 | Қашқадарё | 216 |
| 7 | Навоий | 214 |
| 8 | Фарғона | 212 |
| 9 | Жиззах | 210 |
| 10 | Тошкент вилояти | 210 |
| 11 | Андижон | 168 |
| 12 | Самарқанд | 124 |
| 13 | Тошкент шаҳар | 116 |
| 14 | Бухоро | 90 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 178 |

**31(а)-жадвал. TIMSS тадқиқоти топшириклари бўйича
8-синф ўқувчиларининг натижалари.**

31(а)-жадвалда республика бўйича **STesting** платформасида мактаб ўқувчилари томонидан TIMSS тадқиқоти топшириклари бўйича **8-синф** ўқувчиларининг натижалари умумий ўртача рақамлари келтирилган. Ушбу йўналиш бўйича, республикадаги умумий ўртача кўрсаткич **178** баллни ташкил этади. Фақатгина Бухоро вилояти мактаб ўқувчилари табиий фанлар бўйича олган натижалари **100** баллни ҳам ташкил эта олмаган. Қолган барча туманларда **116-244** баллгача умумий ўртача натижаларни қайд этган. Тошкент шаҳар, Самарқанд вилояти ва Андижон туманлари **100 балли** натижаларни қайд этган

бўлсалар (**116-168 балл**), қолган вилоят мактаб ўқувчиларининг натижалари **200** баллдан ошган (**210-244 балл**). TIMSS тадқиқотларининг табиий фанлар бўйича республикада энг яхши натижани Наманган вилояти мактаб 8-синф ўқувчилари **244** балл билан қайд этган.

| ТОПШИРИҚЛАРНИНГ МАЗМУН СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ | СИНФЛАРДА КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ДАРАЖАЛАРИ, % | |
|---|--|--------|
| | 4-СИНФ | 8-СИНФ |
| Моддаларнинг хусусиятлари ва классификацияси | 26 | 29 |
| Экосистемалар | 15 | 14 |
| Тирик организмларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларда кечадиган ҳаётий жараёнлар | 49 | 26 |
| Организмларнинг ҳаёт цикллари, кўпайиш ва ирсият | 21 | 16 |
| Одам саломатлиги | 45 | 51 |
| Организмларнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабати | 24 | 18 |
| Ер тузилиши, ер қобиқларининг тавсифи, табиий ресурслар | 46 | 36 |
| Ердаги жараёнлар, цикллар, ернинг геологик тарихи | 44 | 28 |
| Қуёш системасидаги ер | 41 | 24 |
| Иссиқлик ва ҳарорат | 48 | 25 |
| Энергиянинг бир турдан бошқа турга ўтиши, иссиқлик ва ҳарорат | 47 | 18 |
| Ҳаракат ва куч | 26 | 26 |
| Хилма-хиллик, мосланишлар ва табиий танланиш | 36 | 33 |
| Моддаларнинг хоссалари | 32 | 40 |
| Хужайра ва уларнинг функцияси | 21 | 29 |
| Электр токи ва магнетизм | 22 | 19 |

32-жадвал. Топшириқларнинг мазмун соҳалари бўйича кўрсаткичлар.

Юқорида 32-жадвалда келтириладиган маълумотларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сабаби, вилоят, туман, мактаб ва ўқувчиларнинг натижалари ушбу маълумотлар асосида келиб чиқади. Ушбу жадвалда плаформага жойлаштирилган TIMSS тадқиқоти табиий фанлар топшириқларининг мазмун соҳалари бўйича қўрсаткичлари ва синфлар бўйича даражалари (%) келтирилган.

Мазмун соҳаларининг ҳар бири бир нечта асосий мавзуларни ўз ичига олади. Жадвалда 4-синф ўқувчиларида **Ҳаёт ҳақидаги фан мазмун** соҳасидаги ҳаёт цикллари, қўпайиш ва ирсият, экосистемалар, организмлар, атроф-мухит ва уларнинг ўзаро таъсири мавзулардаги топшириқларига, **Физика мазмун** соҳасидаги моддаларнинг хусусиятлари ва ўзгаришлари, моддалар классификацияси, энергия шакллари ва энергияни узатиш, куч ва ҳаракат мавзуларига оид, **Ер ҳақидаги фан мазмун** соҳасида Ернинг физик хоссалари, ресурслари ва тарихи, Куёш системасида Ер мавзусига оид топшириқларга жавоб берса олмаганилиги фоизларда қўрсатилган (32-жадвал).

4-синф ўқувчиларини фан мазмунига оид топшириқларни бажарганлик динамикасига (32-расм) эътибор қаратадиган бўлсак, “Ҳаёт ҳақидаги фан” мазмун соҳасидаги билимлар ўқувчиларимиз томонидан бошқа контент соҳага нисбатан **55%** топшириқларга жавоб берса олганлар.



32-расм. 4-синф ўқувчиларини фан мазмунига оид топшириқларни бажарганлик динамикаси.


4-синф ўқувчилари томонидан табиий фанлар бўйича индивидуал топшириқларни бажариш натижалари (Ҳаёт ҳақидаги фан) қуйида келтирилган.

| МАЗМУН СОҲАСИ | ҲАЁТ ҲАҚИДАГИ ФАН |
|-----------------------|-------------------|
| Когнитив соҳа | Билиш |
| Муваффакият даражаси: | Юқори |
| Ўзбекистон натижаси | 53% |
| Россия натижаси | 67% |
| Мамлакатлар натижаси | 45% |
| Юқори натижа | 84% |
| Қуий натижа | 10% |

Масалан, организмларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларда кечадиган ҳаётий жараёнларга қуийдаги топшириқ мисолида таҳлил қилиб чиқамиз.

Қуийдаги расмда чўл тасвирланган.

Расмдаги иккита тирик жонзорлар ва иккита жонсиз нарсани қўрсатинг



Тўғри жавоб:
жонли обьектлар: 1. Туя 2. Калтакесак
жонсиз обьектлар: 1. Кактус 2. Янтоқ

Топшириқда жонли ва жонсиз табиат орасидаги фарқларни тушуниш ва тавсифлаш текширилади. Бу ерда тирик организмларнинг белгилари ва жонсиз табиат обьектлари ҳақидаги билим баҳоланади. Ўзбекистон мактабларида

ўртача натижалар 2-синф ва 3-синфдаги “Атрофимиздаги олам” курси мавзулари унутилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ушбу топшириқ ўқувчилардан расмда кўрсатилган табиатнинг иккита жонли ва жонсиз обьектини ёзиш талаб қилинган. Энг яхши натижани Сингапурлик ўқувчилар **(84%)** бажаришди. Мамлакатлар орасида барча иштирокчилар топшириқни ўртача фоизида **45%** натижа кўрсатдилар. Россия ўқувчилар **67%** бажаришди. Ўзбекистон ўқувчилари эса **STesting** платформасида **53%** натижа кўрсатдилар.

4-синф мактаб ўқувчиларининг табиий фанларнинг юқори даражасини қуидаги маълумотларда кўриб чиқамиз.

| МАЗМУН СОҲАСИ | ҲАЁТ ҲАҚИДАГИ ФАН |
|-----------------------|-------------------|
| Когнитив соҳа | Кўллаш |
| Муваффақият даражаси: | Юқори |
| Ўзбекистон натижаси | 12% |
| Россия натижаси | 37% |
| Мамлакатлар натижаси | 30% |
| Юқори натижа | 69% |
| Қуий натижа | 5% |

Экосистемалар - қуидаги расмда табиат экотизимидағи озуқа занжири тасвиrlenган. Бу озуқа занжиридан келиб чиқадиган бўлсак, лочин нима билан озиқланади? Кўнғиз, қуён, ўсимлик?



Тўғри жавоб: 1. Кўнғиз 2. Куён.

Ушбу топшириқ ўқувчилардан расмда кўрсатилган озиқ занжирида иккита ўлжани (курбон) аниқлаш талаб қилинган. Энг яхши натижани Болгариялик ўқувчилар **69%** бажаришди. Мамлакатлар орасида барча иштирокчилар топшириқни **30%** натижа билан кўрсатдилар. Россия ўқувчилар **37%** бажаришди. Ўзбекистон ўқувчилари эса **STesting** платформасида **12%** натижани кўрсатди.

Топшириқда экотизимдаги озиқ занжирлари тасвиранган схемани талқин қилиш, яъни когнитив соҳа билимларни қўллаш текширилади. «Экосистемалар» тушунчаси ва муносабатлар 4-синф курсида батафсил кўриб чиқилмайди. Шунинг учун, бу каби топшириқларни бажаришда ўқувчиларимиз паст натижани кўрсатишган.

4-синф. Табиий фанларнинг юқори даражасини қўйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

Бир куни тунда Ализод кўчага чиқиб, дараҳт ва ой расмини чизди.

Тахминан 2 ҳафта ўтиб унинг акаси Равшан ҳам айнан шу нарсалар тасвирини қоғозга туширди. Ака-ука ўз расмларини солишириб, ўз расмларидаги ойларнинг бир-биридан фарқ қилишини кўриб қолишди.



Ализод расми

Равшан расми.

Расмларнинг қайси бирида ойнинг тасвири тўғри чизилган?

- A)** Фақат Ализод чизган расмдаги ой шакли тўғри бўлиши мумкин.
- B)** Фақат Равшан чизган расмдаги ой шакли тўғри бўлиши мумкин.
- C)** Ҳар икки ой тасвири ҳам тўғри бўлиши мумкин.

Жавобларингизни изоҳланг.

| МАЗМУН СОҲАСИ | ЕР ҲАҚИДАГИ ФАН |
|-----------------------|-----------------|
| Когнитив соҳа | Қўллаш |
| Муваффақият даражаси: | Юқори |
| Ўзбекистон натижаси | 12% |
| Россия натижаси | 53% |
| Мамлакатлар натижаси | 37% |
| Юқори натижа | 61% |
| Қуий натижа | 4% |

Тўғри жавоб: Ҳар икки ой тасвири ҳам тўғри бўлиши мумкин. Сабаби, турли кунларда ойнинг шакли ўзгаради ва бошқача қўринади.

Энг яхши натижани Финляндиялик ўқувчилар **61%** бажаришди. Мамлакатлар орасида барча иштирокчи топшириқни ўртacha фоизи **37%** натижа кўрсатдилар. Россия ўқувчилар **53%** бажаришди. Ўзбекистон ўқувчилари эса **STesting** платформасида **12%** кўрсатди.

Ўқувчиларимиз мактабларда 2-синфида “Табиий фанлар” дарсларида ойни шакли ва шаклини ўзгаришини муҳокама қилишади. Ўқувчилар билимларни эслаб қолишган, бироқ билимлар етарли эмас.

Энди, 8-синф мазмун соҳасидаги топшириқларни натижаси динамикаси билан танишиб чиқамиз.



33-расм. 8-синф мазмун соҳасидаги топшириқларни натижаси динамикаси.

8-синф ўқувчиларида **Биология мазмун** ҳақидаги ҳаёт цикллари, қўпайиш ва ирсият, экосистемалар, организмлар, ҳилма-хиллик, мосланиш ва табиий танланиш мавзулардаги топшириқларига, **кимё мазмун** соҳасидаги модданинг хоссалари, кимёвий ўзгариш мавзулардаги топшириқларига, **физика мазмун** соҳасидаги Энергия трансформацияси ва узатилиши, ёруғлик ва товуш, электр ва магнитланиш, куч ва ҳаракат мавзуларига оид, **география мазмун** соҳасида Ердаги жараёнлар, цикллар ва унинг эволюцияси, Қуёш системасидаги Ер ва коинот, Ер ресурслари, улардан фойдаланиш ва сақлаш мавзусига оид топшириқларга жавоб берадиган.

| МАЗМУН СОҲАСИ | БИОЛОГИЯ |
|-------------------------|----------|
| Когнитив соҳа | Қўллаш |
| Муваффақият даражаси: | Юқори |
| Ўзбекистон натижаси, % | 58 |
| Россия натижаси, % | 65 |
| Мамлакатлар натижаси, % | 48 |
| Юқори натижа, % | 85 |
| Қуйи натижа, % | 20 |

8-синф Табиий фанларнинг юқори даражаси.

Қўпгина йирик шаҳарларда бинолар томига боғ яратилмоқда.

Боғлар ҳаво таркибидаги карбонат ангиридид газини камайтиради.

Нима учун боғларни қўпайтириш ҳавонинг таркибидаги карбонат ангиридидни камайишига сабаб бўлиши мумкин


Жавоб намунаси: фотосинтез билан дарахтлар ва ўсимликлар ҳаводан карбонат ангиридидни ўзлаштиради, кислород чиқарилади.

Топшириқда фотосинтездаги асосий жараённи тасвирлаш яъни ёруғлик, карбонат ангиридид, сув ва хлорофилл зарур, глюкоза/шакар ҳосил бўлиши ва кислород ажралиб чиқишини тушуниш текшириллади. Ушбу билимлар 5-, 6-синфларда биология курсида умумий тушунчалар берилади. Биология фани


бўйича ўқув дастур умумлаштирилган тарқоқ блоклар ҳисобланади. Синфдан синфга ўтганда билимлари янгиланиши олдинги билимларни унтулишига сабаб бўлиши мумкин.

Энг яхши натижани Сингапурлик ўқувчилар **85%** бажаришди. Мамлакатлар орасида барча иштирокчи топшириқни ўртача фоизи **48%** натижага кўрсатдилар. Россия ўқувчилар **65%** бажаришди. Ўзбекистон ўқувчилари эса **STesting** платформасида **52%** кўрсатди.

Когнитив ўлчов, баҳоланиши керак бўладиган фикрлаш жараёнлари натижалари 34-34(а)расмларда келтирилган.



34-расм. 4 синф. Табиий фанларнинг когнитив соҳаси натижалари.



34(а)-расм. 8 синф. Табиий фанларнинг когнитив соҳаси натижалари.

Когнитив ўлчов **STesting** платформасида TIMSS топшириқларини бажаришда амалга ошириладиган ақлий жараён билишда 4- ва 8-синф ўқувчилари фактлар, муносабатлар ва бошқаларни билишда асосий омиллардан хисобланади.

Қуйидаги 33-жадвалда республика бўйича 4- ва 8-синф мактаб ўқувчиларининг **6 ой давомида** TIMSS табиий фанлар бўйича топиширқларни бажариб олган умумий ўртача натижалари билан танишиб чиқамиз.

| Т/Р | ҲУДУДЛАР | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|-----------------|--------------------------|
| 1 | Тошкент вилояти | 255 |
| 2 | Жиззах | 244 |
| 3 | Қашқадарё | 237 |
| 4 | Навоий | 236 |
| 5 | Фарғона | 230 |
| 6 | Самарқанд | 228 |
| 7 | Хоразм | 228 |
| 8 | Сирдарё | 225 |
| 9 | Қорақалпоғистон | 213 |
| 10 | Наманган | 212 |
| 11 | Тошкент шаҳар | 186 |
| 12 | Сурхондарё | 156 |
| 13 | Андижон | 148 |
| 14 | Бухоро | 140 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 211 |

33-жадвал. TIMSS табиий фанлар натижалари.

33-жадвалдан қўриниб турибди, 4- ва 8-синф мактаб ўқувчиларининг

6 ой давомида TIMSS табиий фанлардан топшириқларни бажариб олган республикадаги умумий ўртача натижаси **211** бални ташкил қиласди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳамма вилоятлар **100 балли** натижадан юқори кўрсаткични қайд этгандар. Энг қўйи натижани Бухоро вилоятининг 4- ва 8-синф мактаб ўқувчилари ўртача **140** балл билан банд қилганлар. Энг юқори натижа эса Тошкент вилоятига тегишли бўлиб, **211** балл натижани қўрсатган. Фақатгина 4 та (**Бухоро, Андижон, Тошкент шаҳри ва** Сурхондарё) вилоятлар **200 балли** натижани қайд этмаган. Қолган барча вилоятларнинг натижалари **212-255** балларни ташкил этади.

Энди ушбу натижаларни ҳар бир вилоятнинг туманлари бўйича таҳлил қилиб чиқамиз. Қуйида **Тошкент вилояти туманларида TIMSS табиий фанлар натижалари билан танишиб чиқамиз (34-жадвал).**

| Т/Р | ТУМАНЛАР | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|----------------------------|-------------|--------------------------|
| 1 | Бўстонлик | 450 |
| 2 | Оққўрғон | 370 |
| 3 | Паркент | 360 |
| 4 | Қибрай | 340 |
| 5 | Пискент | 340 |
| 6 | Бўка | 290 |
| 7 | Юқоричирчик | 240 |
| 8 | Зангиота | 230 |
| 9 | Ўртачирчик | 213 |
| 10 | Янгийўл | 200 |
| 11 | Бекобод | 162 |
| 12 | Оҳангарон | 130 |
| 13 | Чиноз | 130 |
| 14 | Қуийичирчик | 120 |
| Ўртacha баҳолаш натижалари | | 255 |

**34-жадвал. Тошкент вилояти туманларида
TIMSS табиий фанлар натижалари.**

Тошкент вилояти 6 ой тадқиқот давомида республика бўйича юқори кўрсаткичлар қайд этаётган ва доим барқарор натижаларни кўрсатиб келмоқда. Тошкент вилояти туманлари орасида **100 баллдан** куи натижага қайд этилмаганини ўзи мазкур худудда халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик ишлари тўғри йўлга қўйилганлигига далолат бўлади. Фақатгина Қуийичирчик, Оҳангарон, Чиноз, Бекобод туманлари 120-162 балл натижани кўрсатган бўлсалар. Қолган барча туманлар **200 баллдан** юқори кўрсаткичларни (**200-450 балл**) намоён этганлар.

Ўқувчилар фактлар, муносабатлар ва тушунчаларни аниқлашда ёки баён этишда, муайян организмлар, моддалар ва жараёнларнинг хусусиятларини аниқлашда, илмий методлар ва жиҳозлардан мақсадга мувофиқ фойдаланишини аниқлашда илмий луғат, белгилар, қисқартмалар, бирликлар ва шкалаларни билиш ва улардан фойдалана олганлар. Бу эса, Тошкент вилояти ўқитувчилари

томонидан фундаментал билимлар мактаб ўқувчиларига тўғри етказиб берилганлигини кўрсатади.

35-расмда Жиззах вилояти мактаб ўқувчиларининг TIMSS халқаро баҳолаш дастурлари табиий фанлар топшириқларини **STesting** платформасида бажариб олган натижалари таҳлилини келтирамиз.



35-расм. Жиззах вилояти туманларида TIMSS табиий фанлар натижалари, балл.

Жиззах вилоятининг умумий натижаси **244** балл. Фақатгина Зомин, Янгиобод, Арнасой туманлари **40-90** балли натижаларни қайд этган бўлса, қолган барча туман ўқувчиларининг TIMSS табиий фанлар йўналиши бўйича натижалари **214-380** баллни ташкил этади. Жиззах вилояти мактаб ўқувчилари TIMSS халқаро баҳолаш дастурлари табиий фанлар топшириқларини бажариб республикадаги энг яхши натижалардан бирини қайд этганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Платформанинг статистикасида Мирзачўл тумани 10-сонли мактаб 3-синф

ӯқувчилари Лапасов Муҳаммадюсуф, Кучкаров Бехруз, Жалибоева Покиза топшириқларни бажарип **100%** натижа қўрсатган.

Вилоятӯқувчиларитабии фанларга оид тушунчаларни билишни намойиш этиб, жараён, цикл, муносабатлар ёки системани тасвирлашда ёки табиий фанлар билан боғлашда, муаммоларга ечим топа олганлар ҳамда диаграмма ёки бошқа моделлардан фойдалана олганлар.

Куйида Қашқадарё вилояти мактаб ӯқувчиларининг TIMSS табиий фанлар йўналиши бўйича қайд этган натижаларини таҳлили билан танишиб чиқамиз (35-жадвал).

| Т/Р | ТУМАНЛАР | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|------------|--------------------------|
| 1 | Шаҳрисабз | 318 |
| 2 | Миришкор | 304 |
| 3 | Қамаши | 292 |
| 4 | Нишон | 288 |
| 5 | Муборак | 284 |
| 6 | Яккабоғ | 275 |
| 7 | Ғузор | 259 |
| 8 | Касби | 254 |
| 9 | Қосон | 237 |
| 10 | Дехқонобод | 216 |
| 11 | Китоб | 211 |
| 12 | Қарши | 204 |
| 13 | Чироқчи | 146 |
| 14 | Қўқдала | - |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 237 |

**35-жадвал. Қашқадарё вилояти туманларида
TIMSS табиий фанлар натижалари.**

35-жадвалдан кўриниб турганидек, Қашқадарё вилоятининг фақат Чироқчи тумани мактаб ӯқувчилари топшириқларни бажарип умумий ўртача **146** балл натижага эришганлар. Қолган барча туманлар **200** баллдан юқори (**204-318 балл**)

натижаларни кўрсатган. Кўқдала тумани мактаб ўқувчиларининг топширикларни бажарганилиги тўғрисида маълумотлар платформада қайд этилмади. Статистик маълумотларга кўра, вилоят бўйича мактаб ўқувчиларининг фаоллиги маълум сабабларга кўра май ойида пастга тушган. Яккабоғ тумани 2-сонли мактабнинг 6-синф ўқувчиси Донёров Диёр TIMSS табиий фанлар йўналиши бўйича барча топширикларга тўлиқ жавоб бериб **100%** натижани қайд этган.

Вилоят ўқувчилари топшириклардаги жараёнлар ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатларнинг тавсифларини таърифлай олганлар. Ўзига хос муайян хусусиятларга эга бўлган организмлар, моддалар ва жараёнларга мисоллар келтириб фактлар ёки тушунчаларни тегишли мисоллар билан баён қила олганлар.

Куйида 36-жадвалда **Навоий вилояти туманларида TIMSS табиий фанлар натижалари таҳлилини кўриб чиқамиз.**

| Т/Р | ТУМАНЛАР | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|-----------|--------------------------|
| 1 | Конимех | 380 |
| 2 | Учкудуқ | 360 |
| 3 | Нурота | 310 |
| 4 | Навбаҳор | 200 |
| 5 | Кармана | 190 |
| 6 | Қизилтепа | 180 |
| 7 | Хатирчи | 170 |
| 8 | Томди | 90 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 236 |


36-жадвал. Навоий вилояти туманларида TIMSS табиий фанлар натижалари.

36-жадвалдан кўриб турганимиздек, вилоят бўйича умумий ўртача натижа **236** балл. Фақатгина Томди тумани мактаб ўқувчилари **90** балл натижани қайд этган бўлса, қолган барча туманлар **100** баллдан юқори натижаларни қайд этганлар (**170-380**). Навоий вилоятининг мактаб ўқувчилари ушбу йўналиш

бўйича республикада энг яхши натижа қўрсатган ҳудудлардан биридир.

Тахлил натижаларига кўра ўқувчиларда айнан табиий фанларга оид асосий илмий тушунчаларни билишни объектлар, организмлар, моддаларда кузатиладиган ёки тахмин қилинадиган хусусият, хулқ-атвор ва улардан фойдаланиш билан боғлай олиш кўникмалари мазкур вилоят ўқувчиларида яхши шаклланганлиги қўриниб туриди.

Навбатдаги 36-расмда Фарғона вилояти мактаб ўқувчиларининг табиий фанлар бўйича натижалар тахлили билан танишиб чиқамиз.



36-расм. Фарғона вилояти туманларида
TIMSS табиий фанлар натижалари, балл.

Фарғона вилояти мактаб ўқувчилари ҳам яхши натижалардан бирини қайд этган. Уларнинг умумий ўртача натижаси **230** балл. Вилоятнинг барча туман мактаблари **100** баллдан юқори натижаларни қайд этишга эришган. Сўх тумани **120** балл натижани қайд этиб энг қуи қўрсаткични намоён этган бўлса, Қўқон шаҳри **450** балл билан энг яхши натижани қўрсатган.

Вилоятдаги умумий натижалар ва топшириқларни ойма-ой бажариш динамикаси ўсиб бормоқда. Топшириқлардаги организмлар ва моддаларнинг хусусиятлари, тузилиши ва функцияларига оид мисолларни тушунгандар ва очик жавобли топшириқларда ўз фикрларини тўғри баён қила олганлар.

37-жадвалда Хоразм вилоятидаги натижалар таҳлили билан танишиб чиқамиз.

| Т/Р | ТУМАНЛАР | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|-------------|--------------------------|
| 1 | Хазорасп | 436 |
| 2 | Хива ш. | 342 |
| 3 | Хонқа | 304 |
| 4 | Тупроққалъа | 304 |
| 5 | Қўшқўпир | 288 |
| 6 | Гурлан | 238 |
| 7 | Янгибозор | 212 |
| 8 | Урганч | 174 |
| 9 | Хива | 156 |
| 10 | Янгиарик | 146 |
| 11 | Боғот | 126 |
| 12 | Шовот | 122 |
| 13 | Урганч | 112 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 228 |

**37-жадвал. Хоразм вилояти туманларида
TIMSS табиий фанлар натижалари.**

Хоразм вилояти туманларидаги ўқувчилар ўртасида мазкур тадқиқот топшириқлариiga қизиқиш уйғониб бораётганини 6 ой давомида олиб борилган тадқиқотларда уларнинг кўрсатаётган натижаларининг ўсиш динамикасидан ҳам билиш мумкин. Вилоят бўйича умумий натижа **228** балл. Вилоят бўйича **100** баллдан қуи натижа кўрсатган туман йўқ. Энг қуи натижани Урганч, Шовот, Бофот туманлари **112-126** балл билан қайд этганлар. Хазорасп тумани эса **436** балл билан ушбу йўналиш бўйича вилоятдаги энг яхши натижани кўрсатган.

Вилоят ўқувчилари топшириқлардаги организмлар гурухлари, моддалар ёки жараёнлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш ёки тавсифлаш, алоҳида объектлар, моддалар, организмлар ва жараёнларни ўзига хос хусусиятлари асосида бир-биридан фарқлаш, таснифлаш ёки саралашга оид топшириқларни юқори даражада бажарганлар.

| Т/Р | ТУМАНЛАР | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|------------|--------------------------|
| 1 | Жалақудук | 320 |
| 2 | Олтинқўл | 250 |
| 3 | Андижон | 210 |
| 4 | Булоқбоши | 200 |
| 5 | Улуғнор | 190 |
| 6 | Бўстон | 180 |
| 7 | Қўрғонтепа | 170 |
| 8 | Избоскан | 148 |
| 9 | Марҳамат | 144 |
| 10 | Балиқчи | 80 |
| 11 | Хўжаобод | 68 |
| 12 | Шаҳриҳон | 50 |
| 13 | Пахтаобод | 40 |
| 14 | Асака | 28 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 148 |

**38-жадвал. Андижон вилояти туманларида
TIMSS табиий фанлар натижалари.**

Андижон вилояти мактаб ўқувчилари натижалари республика бўйича энг қуи кўрсаткичлардан биридир. Вилоят бўйича умумий **148** балл натижани қайд этганлар. Асака, Пахтаобод, Шаҳрихон, Хўжаобод, Балиқчи туман мактаб ўқувчилари, **1000** баллдан 100 балли натижани ҳам қайд эта олмаганлар. Агар фоиз рақамларда ифодаланса, **2-8%** топшириқларгагина жавоб бера олганлар. **92-98%** саволларга жавоб бера олмаганлар. Ушбу кўрсаткичлар, ҳозирда республикадаги энг қуи натижалардан бири бўлиб турибди. Булоқбоши, Андижон, Олтинқўл Жалақудук туманлари мактаб ўқувчилари **200-320 балл** натижаларни қайд этиб вилоятдаги энг яхши кўрсаткичларни қайд этдилар. Вилоятнинг баъзи мактаб натижалари қониқарли, бироқ бошқа туманларда табиий фанлар қониқарсиз ахволда эканлиги ҳар ойда умумий ўртача баҳолаш натижаларида намоён бўлган.

Мактаб ўқувчилари илмий саволларга жавоб бериш ёки фаразларни текшириб кўриш учун тегишли тадқиқотларни режалаштириш; сабаб-оқибат боғланишлар, ўзгарувчи катталикларни ўлчаш ва назорат қилиш нуқтаи назаридан яхши лойиҳаланган тадқиқотларнинг хусусиятларини тасвирлаш ёки аниқлашда қийинчиликларга дуч келганлар.

Куйидаги 37-расмда Самарқанд вилояти мактаб ўқувчиларининг табиий фанлар бўйича олган умумий **6 ойлик** натижалари билан танишиб чиқамиз.





37-расм. Самарқанд вилояти туманларида
TIMSS табиий фанлар натижалари, балл.

Вилоят бўйича умумий ишланган тестлар динамикаси охирги ойларда сезиларли даражада тушган бўлиб, ҳозирги вақтда Самарқанд вилоятининг ушбу йўналиш бўйича умумий ўртacha натижаси **228 балл**. Булунғур, Пастдарғом, Пахтачи ва Нарпай туманларининг 4- ва 8-синф мактаб ўқувчилари табиий фанлардан **100** бални ҳам йиға олмаганлар. Энг яхши натизга Кўшработ тумани мактаб ўқувчиларига тегишли бўлиб, улар 352 балл натижага эришганлар. Кўшработ тумани тоғли худуд бўлишига қарамасдан, Самарқанд шаҳри, Иштихон, Каттақўрғон каби туман мактаб ўқувчиларидан яхшироқ натижаларни кўрсатганлар. Бу кўрсаткичлар — “яхши натизга қайд этиш” ҳар доим ҳам худудларнинг географик жойлашувига боғлиқ эмаслигини кўрсатади.

Навбатда Наманган вилояти мактаб ўқувчиларининг TIMSS табиий фанлар бўйича эришган натижаларини қўриб чиқамиз (39-жадвал).

| Т/Р | ТУМАНЛАР | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Мингбулоқ | 420 |
| 2 | Поп | 410 |
| 3 | Наманган | 310 |
| 4 | Учқўрғон | 286 |
| 5 | Косонсой | 222 |
| 6 | Уйчи | 196 |
| 7 | Норин | 176 |
| 8 | Чуст | 160 |
| 9 | Чорток | 148 |
| 10 | Янгиқўрғон | 140 |
| 11 | Тўрақўрғон | 108 |
| 12 | Давлатобод | 90 |
| 13 | Янги Наманган | 86 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 212 |

**39-жадвал. Наманган вилояти туманларида
TIMSS табиий фанлар натижалари.**

39-жадвалдаги статистик рақамларига қўра, Наманган вилоятининг мактаб ўқувчиларининг умумий ўртача натижалари **212** балл. Фақат, Янги Наманган ва Давлатобод туман мактаб ўқувчилари **100** балли натижаларни қайд эта олмаганлар. Поп ва Мингбулоқ туманлари мактаб ўқувчилари **410-420** балл натижа билан вилоятдаги энг яхши натижаларни қайд этган.

Наманган вилоятидаги умумий натижани республика миқёсига солиштирганда ўртача натижани қайд этган деб айтиш мумкин. Бунинг сабаби, топшириклардаги изоҳларга баҳо беришда, муқобил жараёнлар ва моддалар ҳақида қарор қабул қилишда афзаллик ва камчиликларни баҳолашни тушунганлар, фараз ёки саволларга таълуқли бўлган тегишли хуносалар чиқаришда қийналганлар.

Куйидаги 40-жадвалда **Қорақалпоғистон Республикаси туманларида
TIMSS табиий фанлар бўйича натижалари келтирилган.**

| Т/Р | ТУМАНЛАР | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|------------|--------------------------|
| 1 | Кегейли | 390 |
| 2 | Нукус | 320 |
| 3 | Амударё | 308 |
| 4 | Беруний | 290 |
| 5 | Қонликўл | 262 |
| 6 | Тахтакўпир | 252 |
| 7 | Тўрткўл | 248 |
| 8 | Чимбой | 204 |
| 9 | Элликқалъа | 188 |
| 10 | Шуманай | 182 |
| 11 | Мўйноқ | 136 |
| 12 | Қораўзак | 130 |
| 13 | Хўжайли | 108 |
| 14 | Бўзатов | 64 |
| 15 | Тахиатош | 24 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 213 |

40-жадвал. Қорақалпоғистон Республикаси туманларида TIMSS табиий фанлар натижалари.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича TIMSS табиий фанлар натижалари 213 бални ташкил этади. Тахиатош ва Бўзатов туман ўқувчилари қуии натижаларни (24-64 балл) қайд этган бўлсалар, Амударё, Нукус ва Кегейли туман 4- ва 8-синф ўқувчилари **308-390** балл билан энг юқори натижаларни қайд этдилар. **STesting платформасининг статистик маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, Қорақалпоғистон Республикаси мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари 6 ой давомида доимий равишда ўз фаолликлари билан халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик ишларига ситқи дилдан киришганлар.** **Буни Беруний** туманининг тест ишлашлар динамикаси ва уларнинг натижалари охирги ойларда сезиларли даражада кўтарилиганигидан ҳам билса бўлади.

Куйида 38-расмда Тошкент шаҳрида 4- ва 8-синф мактаб ўқувчиларининг плаформада TIMSS табиий фанлар бўйича кўрсатган натижалари билан танишиб чиқамиз.



**38-расм. Тошкент шаҳар туманларида
TIMSS табиий фанлар натижалари, балл.**

Тошкент шаҳри туманлари тадқиқотда стабил натижалар кўрсатмоқда (38-расм). Тошкент шаҳрининг TIMSS **табиий фанлар бўйича кўрсатган натижалари умумий ўртача 186 балл**. **Бектемир ва Мирзо Улуғбек туманлари мактаб ўқувчилари платформада бажарган топшириқлар натижаси 100 бални ҳам ташкил этмаган**. Энг яхши натижани **Юнусобод туман мактаб ўқувчилари 340 балл билан қайд этганлар**.

Ўқувчилар томонидан ишланган топшириқлар таҳлил қилинганда ўқувчиларда тадқиқот ўтказиш орқали жавоб бериш мумкин бўлган саволларни шакллантириш ва тадқиқот режаси ҳақидаги маълумот ёрдамида тадқиқот натижаларини башорат (прогноз) қилиш, тажриба, кузатиш ёки илмий маълумотларни билиш ва тушунишга асосланиб, текшириладиган тахминларни шакллантириш, биологик обьект ёки физик жисмларга таъсир эттирилганда юзага келадиган ўзгаришларни башорат (прогноз) қилиш учун далил ва

концептуал тушунчалардан фойдаланишда маълумотларни топа олиш, маълумотлар асосида хулоса қила олиш, матн мазмуни ва шакли ҳақида мулоҳаза юритиш қўникмалари яхши ривожланганини кўриш мумкин.

Кўйида Сурхондарё вилояти мактаб ўқувчилари томонидан бажарилган TIMSS табиий фанлар топшириқларининг натижалари келтирилади (41-жадвал).

| T/P | ТУМАНЛАР | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|-----------|--------------------------|
| 1 | Сариосиё | 380 |
| 2 | Термиз ш. | 234 |
| 3 | Ангор | 230 |
| 4 | Жарқўрғон | 190 |
| 5 | Олтинсой | 180 |
| 6 | Музработ | 180 |
| 7 | Бойсун | 150 |
| 8 | Узун | 140 |
| 9 | Шўрчи | 110 |
| 10 | Термиз | 108 |
| 11 | Денов | 95 |
| 12 | Қизириқ | 90 |
| 13 | Кумқўрғон | 82 |
| 14 | Бандиҳон | 60 |
| 15 | Шеробод | 50 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 156 |

**41-жадвал. Сурхондарё вилояти туманларида
TIMSS табиий фанлар натижалари.**

41-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Сурхондарё вилояти мактаб ўқувчилари ушбу тадқиқот йўналиши бўйича барқарор натижаларни қайд этиб келмоқдалар. Вилоят бўйича умумий баҳолаш натижалари **156** баллни ташкил этади. Шеробод, Бандиҳон, Кумқўрғон, Қизириқ, Денов туманларидаги натижалар **100** баллга етмаган, шунинг учун вилоятдаги умумий

статистик кўрсаткичлар тушиб кетган. Қолган барча туманлардаги натижалар (**108-380 балл**) ойма-ой ошиб бормоқда. Сариосиё тумани мактаб ўқувчилари бажарган топшириқ натижалари **380** бални қайд этган. Бу натижа вилоятдаги энг яхши кўрсаткичdir.

Сурхондарё вилояти ўқувчилари когнитив соҳа билишга оид топширикларни бажара олмаганлар.

Кўйида халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик кўриш ишлари билан бошқа вилоятлардан ажralиб турган Сирдарё вилояти мактаб ўқувчилари томонидан бажарилган TIMSS **табиий фанлар топширикларининг натижалари билан танишиб чиқамиз (42-жадвал)**.

| Т/Р | ТУМАНЛАР | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|------------|--------------------------|
| 1 | Мирзаобод | 370 |
| 2 | Сайхунобод | 314 |
| 3 | Янгиер ш. | 310 |
| 4 | Янгиер ш. | 266 |
| 5 | Оқолтин | 266 |
| 6 | Гулистон | 264 |
| 7 | Оқолтин | 260 |
| 8 | Сайхунобод | 250 |
| 9 | Мирзаобод | 220 |
| 10 | Гулистон | 216 |
| 11 | Сирдарё | 168 |
| 12 | Боёвут | 160 |
| 13 | Ховос | 158 |
| 14 | Сардоба | 156 |
| 15 | Ширин | 132 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 225 |

**42-жадвал. Сирдарё вилояти туманларида
TIMSS табиий фанлар натижалари.**

Юқорида айтиб ўтилганидек, вилоят ўқувчилари халқаро баҳолаш дастурлари топшириқларини бажаришда ўзларини билим ва кўникмаларини доимий равишда шакллантириб бормоқдалар. Буни платформадаги вилоят бўйича натижаларнинг ўтиш мумкин. **Вилоят бўйича мактаб ўқувчиларининг TIMSS табиий фанлар топшириқларининг натижалари ўртача 225 балл. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жойизки, вилоят бўйича биронта ҳам 100 баллдан қуи натижалари қайд этган туман йўқ. Ширин тумани мактаб ўқувчилари 132 балл билан нисбатан қуи натижаларни қайд этган бўлсалар, Янгиер шаҳар, Сайхунобод, Мирзаобод туман ўқувчилари 310-370 балл натижалари билан яхши натижаларни қўрсатганлар.**

Вилоят ўқувчиларида топшириқлардаги маълумот ёрдамида илмий маълумотларни билишватушунишга асосланган кўникмалари шаклланганлигини кузатиш мумкин.

Куйида 43-жадвалда Бухоро вилояти мактаб ўқувчиларининг TIMSS табиий фанлар топшириқларининг натижалари келтирилган.

| T/P | ТУМАНЛАР | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|--------------|--------------------------|
| 1 | Жондор | 345 |
| 2 | Ромитан | 256 |
| 3 | Шофиркон | 214 |
| 4 | Бухоро | 180 |
| 5 | Ғиждувон | 156 |
| 6 | Қоровулбозор | 140 |
| 7 | Когон | 118 |
| 8 | Олот | 104 |
| 9 | Қорақўл | 48 |
| 10 | Вобкент | 46 |
| 11 | Пешку | 40 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 140 |

43-жадвал. Бухоро вилояти туманларида TIMSS табиий фанлар натижалари.

43-жадвалдан кўриниб турибдики, Бухоро вилояти мактаб ўқувчилари Бухоро вилояти 4- ва 8- синф мактаб ўқувчилари томонидан бажарилган TIMSS табиий фанлар топшириқларининг натижалари ўртacha 140 балл. Вилоят мактаб ўқувчилари академик билимлари билан бошқа вилоятлардан ажралиб турсаларда, халқаро баҳолаш дастурларида ўз билимларини намоён эта олмаганлар. Ушбу натижалар мактаб ўқувчиларининг ўзлаштирган билимларини ҳаётда қўллай олиш кўникумлари шаклланмаганлигидан далолат беради. Пешку, Вобкент, Қоракўл туман ўқувчилари, ўртacha 50 балл натижани ҳам қайд этмаганлар. Ушбу натижа шуни кўрсатадики, ушбу туманлардаги мактаб ўқувчилари халқаро баҳолаш дастурлари топшириқларини 5% саволларигагина жавоб бера олганлар. 95% саволларга жавоб топа олмаганлар. Шофиркон, Ромитан, Жондор туман ўқувчиларининг натижалари вилоят бўйича энг яхши натижалар бўлиб улар, 214-345 балл кўрсаткични қайд этганлар.

Вилоят ўқитувчилари томонидан ўқувчиларига олган билимларини қўллаш ва мулоҳаза юритишга оид когнитив даражаларга эътибор қаратилмайди.



2.3. TIMSS ТАД҆ИҚОТЛАРИ НАТИЖАЛАРИ ХУЛОСАЛАРИ

STesting платформада TIMSS халқаро баҳолаш дастурларининг математика фанидан олиб борилган тадқиқотларида республика бўйича **1 000 000** га яқин 4- ва 8-сinf мактаб ўқувчилари иштирок этдилар. Платформанинг статистик маълумотлари натижаларга кўра, республика бўйича математика фанидан умумий натижа **203,7** баллни ташкил этади. Туманлар бўйича натижаларда, Намангандаги вилоятининг Тўракўрғон ва Давлатобод туманлари умумий **10** балл кўрсаткич қайд этиб республикадаги энг паст натижани кўрсатган бўлса, Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани ўқувчилари **670** балл натижани кўрсатиб, энг юқори натижани қайд этдилар. Ушбу натижани 2019 йил ўтказилган TIMSS тадқиқотлари натижаларига солиширилса, тадқиқотда Қатар давлати 8-сinf ўқувчилари математика фани 457 балл билан энг қуи натижаларни қайд этган бўлса, Италия давлати 4-сinf ўқувчилари математика фани бўйича 515 балл билан рейтингни якунлаб берган.

4- ва 8-сinf мактаб ўқувчилари стандарт фундаментал масалаларни қийинчиликларсиз бажарганлар ҳамда, алгебрик ифодалар устида амалларни бажариш сўралган топшириқларнинг гаксариятини тўғри бажаришга эришганлар, аммо геометрик характердаги масалаларни ечишда қийинчиликка дуч келган, ҳамда амалий характерга эга топшириқларнинг математик моделини таза олмаганлар.

Тадқиқотнинг табиий фан бўйича республикадаги 4- ва 8- сinf ўқувчиларининг умумий натижаси **211** баллни ташкил этади. Бухоро вилоятининг 4- ва 8-сinf мактаб ўқувчилари умумий ўтача **140** балл билан республикадаги энг қуи натижани қайд этдилар. Тошкент вилояти ўқувчилари эса, умумий

ўтача **255** балл билан энг яхши натижани кўрсатдилар. Туманлар бўйича энг қуи натижани Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани ҳамда, ҚҚР Тахиатош тумани ўқувчилари умумий ўртача **24** балл билан кўрсатдилар. Энг яхши натижа эса, Фарғона вилоятининг Қўқон ҳамда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ўқувчилари **450** балл билан қайд этдилар. Ушбу натижани халқаро натижаларга солиширилса, 2019 йил ўтказилган TIMSS тадқиқотларида Оман давлати 8-синф ўқувчилари табиий фан бўйича 457 балл билан энг қуи натижани кўрсатган бўлса, Кипр давлати 4-синф ўқувчилари 511 балл билан рўйхатни охирини банд этган.

Тест топшириклари орқали ўқувчилар илмий муаммонинг таркибий қисмларини аниқлаш, саволларга жавоб бериш ва муаммоларни ҳал қилишда тегишли маълумотлар, тушунчалар, муносабатлар ва намуналардан фойдалана олишда муаммоларга дуч келганлар. Ўқувчиларининг табиий фандан олган билимларини қўллаш ва мuloҳаза юритишга оид когнитив даражалари хали яхши шаклланмаган.







III. PIRLS

ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТИ



● ● ●

PISA, PIRLS ва **TIMSS** халқаро тадқиқотлари талаблари асосида
үтказилған бағолаш натижалари бүйича таҳлилий ҳисобот

III. PIRLS ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТИ

PIRLS (Progress in International Reading Literacy Study) - бошланғич 4-синф ўқувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолаш дастури бўлиб, халқаро баҳолаш йўналишидаги энг нуфузли тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунга қадар PIRLS халқаро тадқиқоти натижалари асосида иштирокчи мамлакатлар ўзларининг таълим тизимида турли ўзгаришлар, янги ёндашувларни амалга ошириб келмоқда. Аксарият ҳолларда бу ислоҳотлар ўзининг ижобий натижасини бериб келмоқда.

Шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда келажагимиз давомчилари бўлган ёшларнинг ижодий ғоялари ва ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим, кўникума ва компетенцияларини халқаро мезон ва талаблар асосида баҳолаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларда иштирок этиш таълим даражасини объектив баҳолаш ва уни бошқа мамлакатлар билан таққослаш учун етарли даражада ёрдам беради. Халқаро баҳолаш дастурларида муваффақиятли иштирок этиш эса бевосита таълим сифатини ошириш билан боғлиқдир.

Матнни ўқиш ва тушуниш сифатини баҳолашда ўқувчининг ўртача ёши 10,5 ёш деб олинади, аммо Шарқий Европада мактаб таълимининг дастлабки етти йилида ўқувчиларнинг саводи чиқади, шунинг учун ушбу мамлакатларнинг ўқувчилари ўртача 10,7-10,9 ёшда тадқиқотда иштирок этадилар.

2021 йилнинг 5-14 апрель кунлари мамлакатимизда 4-синф ўқувчиларининг матнни ўқиб тушуниш даражасини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотлар ўтказилди. 2001 йилдан бери ҳар беш йилда бир маротаба ўтказиб келинаётган

ушбу тадқиқотларда мамлакатимиз илк маротаба, дунёning 60 дан ортиқ давлатлари қаторида иштирок этди. Тадқиқотда республикамиздаги 180 та мактабда таҳсил олувчи **5 948** нафар 4-синф ўқувчилари ҳамда уларнинг отоналари, мактаб директорлари ва синф раҳбарлари иштирок этган бўлиб, тадқиқотда иштирок этувчи мактаблар ва ўқувчилар тасодифийлик тамойиллари асосида танланган. Бунда мактаблардаги таълим тили, шаҳар ёки қишлоқда жойлашганлиги ва ўқувчилар сони каби мезонлар ҳам инобатга олинди.

Халқаро тадқиқотлар натижаларига кўра ўқиш саводхонлиги бўйича юқори натижаларга эришган давлатлар нафақат ўқиши турли йўллар билан, балки бутун таълим жараёнини ўзгача ташкил қилишгани қузатилди. Мамлакатлар барча фанларни ўқитишининг умумий соатига қараб бир-биридан фарқ қиласиди. Масалан, Сингапурда бу кўрсаткич йилига 1040 соатни, Финляндияда 731 соатни ва Россияда 4-синфдаги барча фанларни ўрганиш учун ўртача 652 соат ажратилган. Шундан 263 соат она тилини ўрганиш учун (41%, барча мамлакатлар орасида энг юқори фоиз) ва ўқиши ўргатиш учун 171 соат (27%) ажратилган (44-жадвал).

| Т/р | Мамлакатлар (ўртача балл) | Йиллик умумий соат (барча фанлар) | Она тилини ўқитиш, жумладан ўқиш, ёзув, бадиий адабиёт ва бошқа. | | Ўқиш саводхонлигини ўқитиш, жумладан бошқа фанлар таркибида | |
|-----------------------------|------------------------------|---|---|------------------------------------|---|------------------------------------|
| | | | Ўқув иилидаги соатлар сони | Умумий соатга нисбатан, % | Ўқув иилидаги соатлар сони | Умумий соатга нисбатан, % |
| 1 | Сингапур (576) | 1040 | 278 | 27 | 124 | 12 |
| 2 | Англия (559) | 993 | 273 | 28 | 125 | 12 |
| 3 | Гонконг (569) | 987 | 226 | 24 | 128 | 12 |
| 4 | Шимолий Ирландия (565) | 958 | 257 | 27 | 137 | 14 |
| 5 | Ирландия (567) | 915 | 206 | 23 | 150 | 16 |
| 6 | Тайван (559) | 845 | 212 | 26 | 123 | 15 |
| 7 | Норвегия (559) | 827 | 186 | 23 | 134 | 17 |
| 8 | Польша (565) | 754 | 140 | 19 | 33 | 4 |
| 9 | Финляндия (566) | 731 | 186 | 26 | 122 | 17 |
| 10 | Россия (566) | 652 | 263 | 41 | 171 | 27 |
| Халқаро ўртача кўрсаткич | | 898 | 242 | 27 | 156 | 18 |

**44-жадвал. Турли мамлакатларда ўқитишнинг
умумий соатига қараб бир-биридан фарқ қилиши.**

PIRLS тадқиқотида ўқишга сарфланган соат ва ўқиш саводхонлиги баллари ўртасида ҳеч қандай боғлиқликаниқланмаган. Олдингитадқиқот натижаларининг хуносасига кўра, ўқиш саводхонлигини ўргатиш учун кўп вақт эмас, балки ўқитиш сифати, ўқитувчининг маҳорати, дарсда қўлланиладиган ўқитиш усуллари, дарс вақтидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда, халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик қўриш мақсадида, **STesting** платформасида мамлакатимиз бўйича **500 000** дан ортиқ ўқувчилар PIRLS тадқиқотида иштирок этдилар.



3.1. PIRLS ХАЛ҆АРО БАҲОЛАШ ТАДҚИҚОТИ НАТИЖАЛАРИ

STesting платформасида PIRLS халқаро тадқиқотининг ўтган даврларида турли мамлакатларида ишлатилган **30** та топшириқ ва бу топшириқлар таркибида **377** та саволлар мавжуд. Мазкур саволларнинг **189** таси жавоби ёзиладиган топшириқлар бўлса, **188** таси жавоби танланадиган саволлардир. Платформада **500 000** дан ортиқ мактаб ўқувчилари PIRLS тадқиқотида иштирок этдилар.

STesting платформасидан олинган PIRLS тадқиқоти натижалари динамикаси вилоятлар бўйича 45-жадвалда келтирилган.

| Т/Р | ХУДУД | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|--------------------|--------------------------|
| 1 | Наманганд вилояти | 244 |
| 2 | Навоий вилояти | 191 |
| 3 | Қорақалпоғистон | 152 |
| 4 | Тошкент вилояти | 137 |
| 5 | Тошкент шаҳар | 130 |
| 6 | Сирдарё вилояти | 125 |
| 7 | Хоразм вилояти | 112 |
| 8 | Қашқадарё вилояти | 101 |
| 9 | Жиззах вилояти | 96 |
| 10 | Бухоро вилояти | 76 |
| 11 | Самарқанд вилояти | 75 |
| 12 | Фарғона виояти | 72 |
| 13 | Сурхондарё вилояти | 66 |
| 14 | Андижон вилояти | 40 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 116 |

45-жадвал. PIRLS ўқиш саводхонлиги натижалари.

45-жадвалда кўриниб турганидек, республика бўйича ўртача баҳолаш натижалари **116** баллни ташкил этмоқда. Халқаро баҳолаш тадқиқотларининг ушбу йўналиши бўйича Наманган вилояти 4-синф мактаб ўқувчилари **244** балл билан энг яхши натижаларни қайд этган бўлсалар, Андижон вилояти ўқувчилари умумий ўртача **40** балл билан энг қути натижани кўрсатганлар. Қолган барча вилоят ўқувчилари **66-191** балл натижаларни кўрсатганлар.

Ўқувчилар томонидан ишланган топшириқлар тахлил қилинганда уларда маълумотларни топа олиш, маълумотлар асосида хуроса қила олиш, матн мазмунни ва шакли ҳақида мулоҳаза юритиш кўнилмалари яхши ривожланганини кўриш мумкин, рус синфлари ўқувчилари томонидан берилган саволларга жавоблар аксарият ҳолларда тўғри. Бу китобхонлик анъаналари хали ҳам бундай оиласларда кучли эканлигини кўрсатади.

39-расма Андижон вилоятининг матнларни ўқиб тушуниш бўйича олган натижалар динамикаси келтирилган.



**39-расм. Андижон вилояти туманларида
PIRLS ўқиб тушуниш бўйича олган натижалари, балл.**

39-расмдан кўриниб турибдики, Андижон вилоятининг 4-синф мактаб ўқувчилари ушбу йўналиш бўйича умумий натижа **40** балл. Андижон ва Улуғнор туманлари **20** баллдан натижа кўрсатган бўлсалар. Булоқбоши тумани **170** балл натижани қайд этдилар. Плафтормада Избоскан, Марҳамат, Асака, Балиқчи, Бўстон, Пахтаобод, Олтинқўл ва Хўжаобод туманларининг 4-синф ўқувчиларининг натижалари қайд этилмади.

Вилоят мактаб бошланғич синф ўқувчиларида матнларни ўқиб улардан маълумот олиш ва ундан фойдаланиш кўникмаларини аста-секин шаклланаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Кўйида 46-жадвалда Жиззах вилоятининг бошланғич синф ўқувчиларининг матнларни ўқиб тушуниш бўйича олган натижалар таҳлилини кўриб чиқамиз.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|----------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Фаллаорол | 250 |
| 2 | Шароф Рашидов | 220 |
| 3 | Дўстлик | 180 |
| 4 | Бахмал | 130 |
| 5 | Пахтакор | 120 |
| 6 | Мирзачўл | 80 |
| 7 | Зарбдор | 50 |
| 8 | Фориш | 30 |
| 9 | Зомин | 30 |
| 10 | Янгиобод | 30 |
| 11 | Зафаробод | 30 |
| 12 | Арнасой | 0 |
| Ўртacha баҳолаш натижалари | | 96 |

46-жадвал. Жиззах вилояти туманларида PIRLS ўқиш саводхонлиги натижалари.

Жиззах вилояти таълим соҳасида ўз анъаналарига эга ва таълимда яхши натижаларни қайд этиб келаётган худудлардан бири ҳисобланади.

Буни платформада олинган натижалардан ҳам билиш мумкин (46-жадвал). Жиззах вилояти 4-синф ўқувчиларининг ўқиб тушуниш бўйича қайд этган умумий натижалари **96** балл. Фаллаорол тумани ўқувчилари умумий **250** балл билан пешқадам бўлган бўлсалар, Фориш, Зомин, Янгиобод, Зафаробод туман ўқувчилари **30** балл натижани кўрсатгандар. Фақатгина Арнасой тумани бўйича натижалар қайд этилмади.

Ушбу нисбатан яхши натижалар вилоятда бошланғич синф ўқувчиларининг матнларни ўқиб тушуниш қўниқмаларини яхши эгаллаб бораётганликларини кўрсатади.

47-жадвалда Сурхондарё вилояти 4-синф ўқувчиларининг PIRLS тадқиқоти бўйича олган натижаларни қўриб чиқамиз.


| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Узун | 210 |
| 2 | Музработ | 210 |
| 3 | Термиз ш. | 160 |
| 4 | Сариосиё | 150 |
| 5 | Ангор | 110 |
| 6 | Денов | 40 |
| 7 | Бандиҳон | 30 |
| 8 | Жарқўрғон | 30 |
| 9 | Қизириқ | 20 |
| 10 | Қумқўрғон | 10 |
| 11 | Бойсун | 10 |
| 12 | Термиз | 10 |
| 13 | Шеробод | 0 |
| 14 | Олтинсой | 0 |
| 15 | Шўрчи | 0 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 66 |

**47-жадвал. Сурхондарё вилояти туманларида
PIRLS ўқиши саводхонлиги натижалари.**

Сурхондарё вилояти мактаб бошланғич синф ўқувчилари ўқиб тушуниш бўйича олган умумий ўртacha натижа **66** балл. Узун ва Музработ туман ўқувчилари **210** балл натижаларни кўрсатиб вилоятдаги энг яхши натижаларни қайд этган бўлсалар, Қумқўрғон, Бойсун, Термиз туман мактаб бошланғич синф ўқувчилари **10** баллдан натижалар кўрсатиб энг қуи қўрсаткичарни намойиш этганлар. Шеробод, Олтинсой, Шўрчи туман ўқувчиларининг ушбу йўналиш бўйича натижалари платформада қайд этилмади.

Вилоят ўқувчилари матнларни ўқигандага, дикқатни жамлаш ва аник кўрсатилган маълумотларни топишда қийналганлар.

Куйида 40-расмда Тошкент вилояти бошланғич синф ўқувчиларининг 6 ой давомида платформада PIRLS топшириқларини бажариб қайд этган натижаларини таништириб ўтамиш.



40-расм Тошкент вилояти туманларида
PIRLS ўқиши заводхонлиги натижалари.

Тошкент вилояти мактаб ўқувчилари тадқиқот бошидан бери энг фаол ўқувчилардан ҳисобланишади. Уларнинг ойма-ой ўсиб бораётган натижалар динамикаси ҳамда қайд эттаётган натижалари бундан далолат беради. Вилоят бўйича ўқиб тушуниш бўйича қайд этилган натижа **137** балл. Юқоричирчиқ ва Янгийўл туманлари бошланғич синф ўқувчилари ушбу йўналишда умумий ўртacha **180-190** балл олиб бошқа туманларга нисбатан юқори натижаларни қайд этдилар. Пискент тумани ўқувчилари **30** балл билан энг қуи натижаларни қўрсатган бўлса, Қуйичирчиқ тумани 4-синф ўқувчиларининг натижалари платформада қайд этилмади.

Тошкент вилоятининг 4-синф ўқувчилари матнларни ўқиб топшириқларни бажаришда тўғридан-тўғри хulosалар чиқаришда қийналганлар.

Қуида Бухоро вилоятининг 4-синф ўқувчиларининг ушбу йўналиш бўйича платформада қайд этилган натижалари билан танишиб чиқамиз (48-жавдал).

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|----------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Когон | 150 |
| 2 | Бухоро | 130 |
| 3 | Шоғиркон | 110 |
| 4 | Вобкент | 100 |
| 5 | Жондор | 100 |
| 6 | Фиждувон | 80 |
| 7 | Олот | 60 |
| 8 | Пешку | 50 |
| 9 | Ромитан | 30 |
| 10 | Қорақўл | 30 |
| 11 | Қоровулбозор | 0 |
| Ўртacha баҳолаш натижалари | | 76 |

48-жадвал. Бухоро вилояти туманларида
PIRLS ўқиш саводхонлиги натижалари.

48-жадвалдаги маълумоларга кўра, Бухоро вилоятининг бошланғич синф ўқувчилари умумий **76** баллни қайд этганлар. Бухоро ва Когон туманлари **130-170** балл билан вилоятдаги энг яхши натижаларни қайд этишган бўлса, Ромитан ва Қоракўл туман бошланғич синфлари умумий **30** баллдан олиб энг куи натижаларни кўрсатдилар. Қоровулбозор тумани мактаб ўқувчиларининг натижалари платформада қайд этилмади.

Тадқиқот давомида ўқувчиларга ёки ахборот матни ёки бадиий матн тақдим этилганда, ўқувчи ўзи ёзиши талаб этиладиган топшириқлар ҳам бор. Вилоят ўқувчилари айнан шу турдаги топшириқларни бажаришда қийинчиликларга дуч келганлар.

Қўйида, 49-жадвалда Тошкент шаҳар бошланғич синф ўқувчиларининг 6 ой давомида платформада PIRLS топшириқларини бажариб қайд этган натижаларни танишириб ўтамиш.


| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|----------------------|--------------------------|
| 1 | Яшнобод тумани | 330 |
| 2 | Мирзо Улуғбек тумани | 200 |
| 3 | Сергели тумани | 200 |
| 4 | Олмазор тумани | 190 |
| 5 | Миробод тумани | 150 |
| 6 | Учтепа тумани | 140 |
| 7 | Юнусобод тумани | 140 |
| 8 | Чилонзор тумани | 70 |
| 9 | Бектемир тумани | 10 |
| 10 | Шайхонтохур тумани | 0 |
| 11 | Яккасарой тумани | 0 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 130 |

**49-жадвал. Тошкент шаҳар туманларида
PIRLS ўқиб тушуниш бўйича натижалари.**

49-жадвалдан кўриниб турибдики, Тошкент вилояти 4-синф ўқувчилари PIRLS топшириқларини бажариб умумий ўртача **130** баллни қайд этган. Энг юқори натижани Яшнобод тумани ўқувчилари **330** балл билан қайд этган бўлсалар, Бектемир тумани ўқувчилари **10** балл билан энг қуи натижаларни кўрсатганлар. Шайхонтоҳур ва Яккасарой туманларининг бошланғич синф ўқувчилари натижалари платформада қайд этилмади.

Агар доимий равишда шаҳардаги натижаларга эътибор қаратадиган бўлсак, бошланғич синф ўқувчиларда матн мазмуни ва шакли юзасидан мулоҳаза юритиш кўникмаси ривожланиб бораётганига гувоҳ бўламиз.

Қуйида Сирдарё вилоятининг 4-синф ўқувчиларининг ушбу йўналиш бўйича платформада қайд этган натижалари билан танишиб чиқамиз (41-расм).



41-расм. Сирдарё вилояти туманларида PIRLS ўқиб тушуниш бўйича натижалари.

41-расмдан кўриниб турибдики, Сирдарё вилоятининг 4-синф ўқувчилари умумий **152** баллни қайд этганлар. Сирдарё ва Ширин туман ўқувчилари **196** ва **230** балл натижани қайд этиб, энг яхши натижаларни кўрсатган бўлсалар, Сардоба тумани ўқувчилари **44** балл билан энг қуий натижани намоён этдилар. Вилоят бўйича ҳамма туман бошланғич синф ўқувчилари бир марта бўлса ҳам платформага кириб, халқаро баҳолаш тадқиқотлари топшириқларини бажарганлар.

Вилоят ўқувчилари матнлардаги ғоялар ва ахборотларни талқин қилишда муаммоларга дуч келганлар.

Навбатдаги 50-жавдалда Қашқадарё вилоятининг бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиб тушуниш йўналиши бўйича олган натижалари билан танишиб чиқамиз.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Китоб | 200 |
| 2 | Дехқонобод | 190 |
| 3 | Нишон | 184 |
| 4 | Муборак | 160 |
| 5 | Косон | 152 |
| 6 | Ғузор | 98 |
| 7 | Қамаши | 94 |
| 8 | Яққабоғ | 88 |
| 9 | Қарши | 88 |
| 10 | Касби | 68 |
| 11 | Шахрисабз | 62 |
| 12 | Чироқчи | 32 |
| 13 | Қўқдала | 0 |
| 14 | Миришкор | 0 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 101 |

**50-жадвал. Қашқадарё вилояти туманларида
PIRLS ўқиб тушуниш бўйича натижалари.**

Қашқадарё вилояти мактаб бошланғич синф ўқувчилари томонидан бажарилган PIRLS топшириқлари бўйича олинган натижалар умумий **101** балл. Чироқчи тумани ўқувчилари 32 балл билан энг қуи натижаларни қайд этдилар. Дехқонобод ва Китоб тумани ўқувчилари **190** ва **200** баллдан тўплаб, энг яхши натижаларни қайд этганлар. Платформада Кўқдала ва Миришкор туман ўқувчиларнинг натижалари тест ишлаганлик тўғрисидаги маълумотлар қайд этилмади.

Вилоят ўқувчилари топшириқларни бажариш мобайнида матннадиги маълумотларни ўзаро интеграция қилиш, уларни талқин қилишда қийналганлар.

Қуйида 51-жадвалда Самарқанд вилояти бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиб тушуниш кўникмаларини баҳолаш натижалари келтирилган.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|----------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Самарқанд ш. | 160 |
| 2 | Кўшработ | 160 |
| 3 | Каттақўрғон | 136 |
| 4 | Самарқанд | 120 |
| 5 | Пастдарғом | 112 |
| 6 | Паяриқ | 104 |
| 7 | Булунғур | 70 |
| 8 | Иштихон | 66 |
| 9 | Нуробод | 52 |
| 10 | Оқдарё | 50 |
| 11 | Тойлоқ | 46 |
| 12 | Жомбой | 28 |
| 13 | Нарпай | 18 |
| 14 | Ургут | 0 |
| 15 | Пахтачи | 0 |
| Ўртacha баҳолаш натижалари | | 75 |

**51-жадвал. Самарқанд вилояти туманларида
PIRLS ўқиб тушуниш бўйича натижалари.**

Самарқанд вилоятининг бошланғич синф ўқувчилари платформада ўқиб тушуниш кўниқмаларини баҳоловчи топшириқларни бажариб олган умумий ўртача натижалари **75 балл**. Самарқанд шаҳар ва Кўшработ тумани ўқувчилари **160 балдан** тўплаб энг яхши натижаларни қайд этган бўлсалар, Нарпай тумани ўқувчилари **18 балл** билан энг қуи натижани қўрсатганлар. Ургут ва Пахтаки туман ўқувчиларининг натижалари платформада қайд этилмади.

Вилоят бошланғич синф ўқувчилари матн мазмуни ва шакли юзасидан мулоҳаза юритишда қийналганлар.

Навбатдаги 42-расмда Хоразм вилояти бошланғич синф ўқувчиларининг PIRLS топшириқлари бўйича натижалари билан танишиб чиқамиз.



**42-расм. Хоразм вилояти туманларида
PIRLS ўқиб тушуниш бўйича натижалари.**

Хоразм вилояти ўқувчиларининг ушбу йўналиш бўйича эришган умумий натижалари **112 балл**. Янгибозор ва Хонқа туман ўқувчилари **200-268 балл** билан энг яхши натижаларни қайд этдилар. Урганч ва Янгиариқ туман ўқувчилари **2-16 балл** билан энг паст натижаларни қайд этдилар.

Вилоят ўқувчилари топширикларни бажаришда матнни дикқат билан ўқимаган, саволга жавоб матнда бир жумлада жойлашганига эътибор қаратада олмаган. Шунинг учун қўп саволларга тўғри жавоб берилмаган.

Фарғона вилояти мактаб ўқувчиларининг ўқиб тушуниш кўникмаларини баҳолаш натижалари 52-жадвалда келтирилган.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Бувайда | 260 |
| 2 | Қувасой | 190 |
| 3 | Учқўприк | 130 |
| 4 | Фарғона ш. | 130 |
| 5 | Фарғона | 120 |
| 6 | Бағдод | 110 |
| 7 | Қува | 100 |
| 8 | Кўштепа | 80 |
| 9 | Олтиарик | 70 |
| 10 | Риштон | 70 |
| 11 | Марғилон | 30 |
| 12 | Қўқон | 30 |
| 13 | Бешарик | 20 |
| 14 | Тошлоқ | 20 |
| 15 | Ўзбекистон | 0 |
| 16 | Данғара | 0 |
| 17 | Ёзёвон | 0 |
| 18 | Сўх | 0 |
| 19 | Фурқат | 0 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 71,5 |

**52-жадвал. Фарғона вилояти туманларида
PIRLS ўқиб тушуниш бўйича натижалари.**

Фарғона вилояти бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиб тушуниш бўйича эгаллаган кўникмаларининг умумий ўртача натижаси **71,5** балл.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жойизки, вилоят бўйича бошланғич синф ўқувчиларининг халқаро баҳолаш дастурлари доирасидаги топшириқларни бажариш ҳолати яхши. Ўзбекистон, Данғара, Ёзёвон, Сўх, Фурқат туман ўқувчиларининг плаформада топшириқларни бажаришда иштирок этмаганликлари сабабли, вилоят бўйича умумий натижга тушиб кетган. Халқаро баҳолаш дастурларида бутун ҳудуд бўйича умумий натижалар ҳисобланиб, уларнинг ўртacha натижалари кўрсатилишини инобатга олсак, **71,5** бални адолатли деб ҳисоблаш мумкин.

Вилоят ўқувчилари матндаги маълумотлар асосида хуоса қила олишда муаммоларга дуч келган. **32%** ўқувчилар шу турдаги топшириқларга тўғри жавоб берса олишмаган.

53-жадвалда Навоий вилояти бошланғич синф ўқувчиларининг PIRLS топшириқларини бажариб олган натижалари келтирилган.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|----------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Конимех | 280 |
| 2 | Учқудук | 260 |
| 3 | Нурота | 210 |
| 4 | Навбаҳор | 200 |
| 5 | Кармана | 190 |
| 6 | Қизилтепа | 180 |
| 7 | Хатирчи | 160 |
| 8 | Томди | 50 |
| Ўртacha баҳолаш натижалари | | 191 |

**53-жадвал. Навоий вилояти туманларида
PIRLS ўқиб тушуниш бўйича натижалари.**

Вилоят бўйича ушбу йўналишда эгаллаган натижалари **191** балл. Бу кўрсаткич республикадаги энг яхши натижалардан бири ҳисобланади. Фақатгина Томдитумани натижалари **50** балл бўлса, қолган барча туманлар **160-280** баллгача натижаларни қайд этганлар.

Вилоят ўқувчилари асосан матндағи маълумотларни ўзаро интеграция қилиш, уларни талқин қилишда қийналғанлар.

Навбатдаги 54-жадвалда Наманган вилоятининг 4-сinf ўқувчилари томонидан бажарилған PIRLS топширикларини натижалари көлтирилған.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Тұрақүрғон | 720 |
| 2 | Чуст | 483 |
| 3 | Наманган | 420 |
| 4 | Поп | 350 |
| 5 | Косонсой | 225 |
| 6 | Норин | 222 |
| 7 | Чорток | 210 |
| 8 | Мингбулек | 190 |
| 9 | Уйчи | 186 |
| 10 | Учқүрғон | 165 |
| 11 | Янги Наманган | 0 |
| 12 | Давлатобод | 0 |
| 13 | Янгиқүрғон | 0 |
| Үртача баҳолаш натижалари | | 244 |

**54-жадвал. Наманган вилояти туманларида
PIRLS ўқиб тушуниш бўйича натижалари.**

Вилоят бўйича натижалар республикадаги энг яхши натижалардан биридир. Уларнинг умумий натижаси **244** балл. **Тұрақүрғон тумани бошланғич мактаб ўқувчилари томонидан бажарилған топширикларнинг натижалари республикадаги энг юқори (720 балл) кўрсаткичлардан биридир. Агар Янги Наманган, Давлатобод, Янгиқүрғон туман ўқувчилари ҳам натижага кўрсатганларида эди вилоят бўйича умумий натижалар янада юқори чиққан бўлар эди.**

Вилоят ўқувчиларида матндағи маълумотларни ўзаро боғлаш, уларни талқин қилиш кўниумаси яхши шаклланиб бормоқда.

| Т/Р | ТУМАНЛАР НОМИ | БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ, БАЛЛ |
|---------------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Тахтакўпир | 500 |
| 2 | Қонлиқўл | 266 |
| 3 | Нукус | 227 |
| 4 | Қораўзак | 215 |
| 5 | Мўйиноқ | 150 |
| 6 | Кегейли | 140 |
| 7 | Амударё | 136 |
| 8 | Беруний | 133 |
| 9 | Тўрткўл | 130 |
| 10 | Чимбой | 110 |
| 11 | Бўзатов | 108 |
| 12 | Елликқалъа | 105 |
| 13 | Қўнғирот | 102 |
| 14 | Шуманай | 75 |
| 15 | Тахиатош | 30 |
| 16 | Хўжайли | 0 |
| Ўртача баҳолаш натижалари | | 152 |

55-жадвал. Қорақалпоғистон Республикаси туманларида PIRLS ўқиб тушуниш бўйича натижалари.

Қорақалпоғистон Республикаси 4-синф ўқувчиларининг ўқиб тушуниш бўйича олган натижалари **152 балл**. ҚҚР ўқувчилари тадқиқот бошланганидан бери энг фаоллардан бири бўлиб келмоқдалар. Уларнинг халқаро баҳолаш тадқиқотларига аниқрежа асосидатайёргарлик қўраётганлари уларнингойма-ой кўрсатаётган натижаларининг динамикаси далолат беради. **Тахтакўпир тумани ўқувчилари 500 балл билан мамлакатимиздаги энг яхши натижалардан бирини қайд этганлар.**

Ўқувчилар топшириқлар жавоби матнда очик ҳолатда берилган топшириқларга ҳам тўғри жавобли матнлар кирита олганлар.

3.2. PIRLS ТАДҚИҚОТИ НАТИЖАЛАРИ ХУЛОСАЛАРИ

STesting платформасида ўказилган PIRLS тадқиқотида республика бўйича **500 000** дан ортиқ 4-синф ўқувчилари иштирок этдилар.

Натижаларига кўра, республика бўйича ўртача **116** баллни ташкил қилмоқда. Андижон вилояти ўқувчилари **420** балл билан республикадаги энг қуий натижани қайд этган бўлса, Наманган вилоятининг бошланғич синф ўқувчилари эса **244** балл билан энг яхши натижани қўрсатдилар. Туманларда, Хоразм вилоятининг Янгиарик тумани ўқувчилари **2** балл, Сурхондарё вилоятининг Кумкўрғон, Бойсун, Термиз туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Бектемир тумани 4-синф ўқувчилари **10** балл билан республика бўйича энг қуий натижани қайд этдилар. Ушбу натижани халқаро натижаларга солиштирилса, **2016** йил ўтказилган **PIRLS тадқиқотларида** Жанубий Африка Республикасининг бошланғич синф ўқувчилари 320 балл билан энг қуий ўринда рўйхатни якунлаб берганлар.

Нисбатан “**яхши**” натижа қўрсатган худудларда ҳам олинган натижаларни жаҳон миқёсига солиштирилганда “**қониқарли**” деб бўлмайди аслида. Олинган таҳлилий маълумотлар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, ўқувчиларимизда матнда очик ҳолатда берилган ахборотни топиш, улар асосида оддий хулосалар қилиш, матндаги ғоялар, ахборотни ўзаро боғлаш ва талқин қилиш, матн мазмуни ҳамда шакли ҳақида мулоҳаза юритиш каби кўникумаларни ривожлантириш лозим.

Ўқиши саводхонлигини ўргатиш учун кўп вақт эмас, балки ўқитиш сифати, ўқитувчининг маҳорати, дарсда қўлланиладиган ўқитиш усуллари, дарс вақтидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.



IV. ЯПОНИЯ УСЛУБИДАГИ

АКАДЕМИК ЎЗЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШ
ТЕСТ МОДЕЛИНИ ЎЗБЕКИСТОНГА
КИРИТИШ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА
ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ



PISA, PIRLS ва TIMSS халқаро тадқиқотлари талаблари асосида
ўтказилган баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий ҳисобот



А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА
ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ-ТАДКИҚОТ ИНСТИТУТИ

IV. ЯПОНИЯ УСЛУБИДАГИ АКАДЕМИК ЎЗЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШ ТЕСТ МОДЕЛИНИ ЎЗБЕКИСТОНГА КИРИТИШ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги ҳамда Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (**JICA**)нинг Тошкентдаги ваколатхонаси ўртасидаги ҳамкорлик ишлари юзасидан 2021 йилнинг август ойидан бошлаб **JICA**, ижрочи KEI Advanced компанияси ҳамда **А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти** билан биргаликда “Ўзбекистонда Япония услубидаги академик ютуқлар тест моделини жорий этиш” лойиҳаси ўз ишини бошлади.

Ушбу лойиҳа – Ўзбекистонда академик ютуқлари сифатини яхшилашга хисса қўшишга қаратилган бўлиб, қўйидаги режаларни шакллантиришга қаратилган.

Япон услубидаги академик ютуқлар тестининг Ўзбекистонга мослигини ўрганиш;

Ўзбекистонда тест намунасини ишлаб чиқиш;
тест синовлари натижалари бўйича Ўзбекистонда таълимни такомиллаштириш чора-тадбирларини таклиф қилиш.

Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши учун мавжуд муаммоларнинг ечимлари топилиши муҳим. Ўзбекистон таълим соҳасида мавжуд муаммолардан келибчиқиб, Япония халқаро ҳамкорликагентлиги (**JICA**) ўз ноу-хаулари ёрдамида Ўзбекистонда таълим ютуқларини ўлчаш воситасини яратишда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу ўз навбатида, мавжуд вазиятни яхшироқ тушунишга ҳамда давлат томонидан нашр этилган ўқув материалларининг сифатини баҳолашга ёрдам беради. Шунингдек, бу ўқувчиларнинг ҳозирги билим даражасини тушуниб келажакда олий таълим муассасасига кириш имкониятини ошириш учун ҳам ёрдам беради.

Ўзбекистон таълим соҳасида мавжуд муаммолардан келиб чиқиб, ҳар бир синфда билим даражасини ўлчаш, ўқув материаллари сифатини тўғри баҳолаш, жорий даражага мос келадиган таълим стандартларини ривожлантиришга замин яратади.

Таклиф этилаётган ноу-хаулар: Ўзбекистонга академик ютуқларини ўлчаш воситасини яратишда ёрдам бериш учун фойдаланишни режалаштирган.

Лойиҳадан кутилаётган натижалар эса келажакда ОТМ да таълим олиш имкониятларини ошириш учун ҳар бир синфда академик ютуқларини ўлчаш воситасини ишлаб чиқиши, давлат томонидан нашр этилган ўқув материаллари сифатини баҳолашнинг тегишли воситасини ишлаб чиқиши ҳамда таълим стандартларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, бу ўқувчиларнинг ҳозирги билим даражасини тушуниб келажакда олий таълим муассасасига кириш имкониятини ошириш учун ёрдам беради. Индивидуал даражада, бу ўқувчиларга кейинги олий маълумот олиш имкониятларини ошириш учун ҳозирги даражасини тушунишга ёрдам беради.

Ушбу тадқиқотга кўра, Япония услубидаги академик ютуқлар тест моделинин илгари суриш учун бизнесни ривожлантириш ғоялари ётади.

Мазкур лойиҳа **2021-2023 йилларда** ўтказишга мўлжалланган бўлиб, унинг мақсади Ўзбекистоннинг **14 та** ҳудудидаги **40 та мактабнинг 8, 9 ва 10-синф ўқувчиларининг** ҳозирги академик билим даражасини тушунишга ёрдам бериш ва математика ютуқлари тестида япон усулини синашдан иборат. **8-9-10 синф ўқувчиларининг** жами **4 000 нафари** учун лойиҳа давомида **4 марта тест** ўтказиш режалаштирилган.

Икки йил ичида лойиҳа доирасида **тажриба-синов** ишлари **4 марта** ўтказилади ва ҳар бир тестдан сўнг **анкета ва сұхбатлар** ўтказиш ҳам режалаштирилган. Натижаларни тест таҳлилининг янги усули ҳисобланган “**Item Response Theory**” усули ёрдамида таҳлил қилинади.

Тест синовлари қуидаги тартибда ташкил қилинади:




- 1) ҳар бир синф учун **30 та тест саволи**;
- 2) тест учун ажратилган вақт **60 дақиқа**;
- 3) ҳар бир тест саволи Ўзбекистонда қўлланиладиган **дарсликлар асосида** тузилган;
- 4) ҳар бир тест учун тўғри жавоблар улуши **60%** бўлиши кутилган.

Шулардан биринчи тест синови 2021 йилнинг ноябр ойида **39 та** мактабда ўзбек тилида ва **1 та мактабда** қорақалпоқ тилида муваффақиятли ўтказилди.

Биринчи тестдан сўнг иштирок этган ўқувчиларнинг **3 583** нафар ота-онасига сўровномада иштирок этиш учун илова юборилди. Шулардан **643** нафари, яъни **18%** ота-она сўровномага жавоб берди. Улардан **100** нафари билан телефон орқали сухбат ўтказилди.

Сухбат давомида **97%** нафар ота-она **CBT (computer based test)** яхши деб жавоб берди. **80%** ота-она фарзандининг олий таълим муассасасига киришини хоҳлашини билдирган бўлса, **17%** ота-она фарзандининг ўзи танлагани яхши деган истагини билдириди.

Лойиҳа доирасида иккинчи тест **2022 йил апрел** ойида **максус платформа** ёрдамида компьютер орқали ўтказилди. Ушбу тест синовлари ва **“Келажакдаги мақсадлари ҳақида”** ги сўровномада жами **3785** нафар ўқувчи иштирок этди, улардан **1285** нафари **8-синф**, **1264** нафари **9-синф** ва **1236** нафари **10-синф** ўқувчилариидир.



43-расм. Синфлар бўйича тест натижалари.

Синфлар кесимида тест натижаларини таҳлили бўйича, ўкувчиларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи **8-синфда 10,13%, 9-синфда 8,25% ва 10-синф ўкувчиларида 8,27%** га тенг (43-расм).

8-синф ўкувчилари берилган **30 та тест** саволларига қуидагича жавоб беришган. 1-саволга **40 нафар** ўкувчидан **25%**и, 4-саволга **50%** ўкувчи, 17-саволга **15 нафар** ўкувчи тўғри жавоб берган бўлса, 2-саволга **25 нафар** ўкувчи, 6-саволга **24 нафар** ўкувчи **нотўғри жавоб** берган (44-расм).

| Test Result of your school class | | | | | | |
|----------------------------------|-----|-----|-----|-----|-----|-----|
| 8 th grade | | | | | | |
| Item | 001 | 002 | 003 | 004 | 005 | 006 |
| Key | C | B | A | A | C | C |
| A | 13 | 11 | 14 | 20 | 6 | 8 |
| B | 10 | 15 | 9 | 12 | 6 | 7 |
| C | 10 | 3 | 8 | 4 | 18 | 16 |
| D | 6 | 11 | 8 | 3 | 9 | 8 |
| N | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 1 |
| Number of examinees | 40 | 40 | 40 | 40 | 40 | 40 |
| Item | 016 | 017 | 018 | 019 | 020 | 021 |
| Key | C | A | D | D | A | B |
| A | 12 | 15 | 5 | 13 | 20 | 8 |

Item: тест саволи тартиб рақамини ифодаловчи сон.

Key: Шу саволнинг түғри жавоби.

A~D: Шу жавобни белгилаган ўқувчилар сони.

N: Саволга умуман жавол танламаган ўқувчилар сони.

Number of examinees: Шу саволга жавоб берган умумий ўқувчилар сони

Қизил сонлар: Вариантлар орасидан түғри жавобни белгилаган ўқувчилар сони қизилда күрсатилган

44-расм. Тест натижалари.

Куйида 56-жадвалда тест натижаларининг (балл ва фоизларда) худудлар бўйича динамикаси келтирилган.

| ХУДУД | ҮРТАЧА НАТИЖА, БАЛЛ* | ҮРТАЧА НАТИЖА, % |
|---------------------------------|-------------------------|---------------------|
| Навоий вилояти | 13,0 | 43,3 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 12,4 | 41,3 |
| Тошкент шаҳри | 11,8 | 39,4 |
| Сурхондарё вилояти | 11,4 | 37,9 |
| Қашқадарё вилояти | 10,8 | 36,0 |
| Сирдарё вилояти | 10,5 | 34,9 |
| Бухоро вилояти | 10,2 | 34,0 |
| Жizzах вилояти | 9,9 | 33,0 |
| Самарқанд вилояти | 9,5 | 31,7 |
| Наманган вилояти | 9,5 | 31,5 |
| Тошкент вилояти | 9,2 | 30,7 |
| Андижон вилояти | 8,6 | 28,7 |
| Хоразм вилояти | 8,5 | 28,3 |
| Фарғона вилояти | 8,0 | 26,5 |
| Республика бўйича ўртача натижা | 10,2 | 34 |

56-жадвал. Тест натижаларини худудлар бўйича динамикаси.


*Эслатма: энг юқори балл 30 балл.

56-жадвалдан кўриниб турибдикки, нисбатан энг яхши натижани Навоий

вилояти ўқувчилари (**30 баллдан 13 балл**) **43,3%** ўзлаштириш натижалари билан қайд этган бўлса, нисбатан энг қуи натижани Фарғона вилояти ўқувчилари (**30 баллдан 8 балл**) **26,5%** ўзлаштириш натижаларини кўрсатган.

Ушбу тест натижалар динамикаси 45-расмда диаграмма кўринишида келтирилган.

45-расм. Математик саводхонлик натижалари.



Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳар бир тест учун тўғри жавоблар улуши **60%** бўлиши кутилган эди. Бу улуш (**60%**) ўқувчиларнинг математика фанидан ўзлаштириш даражасининг минимал қиймати этиб белгиланган. Тадқиқот натижаларига кўра эса, биронта ҳам вилоят ўқувчилари ушбу кўрсаткични қайд эта олмаганлар. Энг яхши ўзлаштириш натижаларини қайд этган Навоий ва ҚҚР мактаб ўқувчилари мос равишда **43,3** ва **41,3%** ўзлаштириш натижаларини қайд этганлар.


Ушбу натижаларни TIMSS халқаро баҳолаш тадқиқотлари натижаларига солиштириб (21-жадвал) қўрамиз. Қуйида 57-жадвалда JICA лойиҳаси тадқиқотлари ва STesting платформасида ўтказилган TIMSS халқаро баҳолаш тадқиқотлари натижалари (%) солиштирилиб келтирилган.

| ХУДУД | ЎРТАЧА НАТИЖА, % | |
|---------------------------------|------------------|-------|
| | JICA | TIMSS |
| 1. Навоий вилояти | 43,3 | 29,1 |
| 2. Қорақалпогистон Республикаси | 41,3 | 18 |
| 3. Тошкент шаҳри | 39,4 | 18 |
| 4. Сурхондарё вилояти | 37,9 | 18,4 |
| 5. Қашқадарё вилояти | 36,0 | 28,6 |
| 6. Сирдарё вилояти | 34,9 | 18,1 |
| 7. Бухоро вилояти | 34,0 | 13,4 |
| 8. Жizzах вилояти | 33,0 | 24,8 |
| 9. Самарқанд вилояти | 31,7 | 15,5 |
| 10. Наманган вилояти | 31,5 | 15,7 |
| 11. Тошкент вилояти | 30,7 | 30 |
| 12. Андижон вилояти | 28,7 | 15,2 |
| 13. Хоразм вилояти | 28,3 | 22,1 |
| 14. Фарғона вилояти | 26,5 | 20,4 |
| Республика бўйича ўртача натижা | 34 | 20,3 |

57-жадвал. JICA ва TIMSS тадқиқотлари натижасининг тақъосланиши.

Ушбу ҳар икки тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлили, 46-расмда диаграммада келтирилган.

57-жадвалдан (46-расмдан) қўриниб турибдики, ҳар икки тадқиқот натижаларига кўра ҳам республикамизда математика фанидан натижалар жуда паст чиққан. Ҳар икки тадқиқотнинг умумий натижаларга кўра бир-бирига яқин натижалар қайд этилган ҳудудларни қўришимиз мумкин. Масалан, Навоий вилояти ўқувчилари **JICA** тадқиқотига кўра, **43,3%** ўзлаштириш натижалари билан нисбатан энг яхши натижани қайд этган бўлса, **TIMSS** тадқиқотларида ҳам ушбу вилоят ўқувчилари **29,1%** баҳолаш натижалари билан энг яхши натижалардан бирини кўрсатганлигига гувоҳ бўламиз.



46-расм. JICA ва TIMSS тадқиқотлари натижасининг тақъосланиши.

Тошкент вилояти ўқувчилари, ҳар икки тадқиқот натижаларига кўра ҳам бир хил **30%** натижаларни қайд этган. Республика бўйича **JICA** тадқиқоти бўйича натижалар **34%** ни ташкил этса, **TIMSS** тадқиқоти математика фани бўйича баҳолаш натижалари **20,3%** ни ташкил қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар икки тадқиқот (**JICA** ва **TIMSS**) натижаларига кўра математика фани бўйича ўқувчиларимизда етарлича муаммолар борлиги кўринди.

Мазкур тадқиқотларни Ўзбекистонга жорий этиш юзасидан қилинган тадқиқотлар асосан математик саводхонликни амалдаги аҳволини ўрганиш ва ўқувчилар ўртасида кенг йўлга қўйишга қаратилган жараён ҳисобланади.

ХУЛОСА

STesting электрон платформасида халқаро баҳолаш дастурлариға тайёргарлик қўриш мақсадида **2 500 000** га яқин мактаб ўқувчилари халқаро баҳолаш тадқиқотларида иштирок этдилар.

Тадқиқотларда иштирок этган мактаб ўқувчиларининг эгаллаган кўникумаларини баҳолашда PISA тадқиқотларида баҳолаш даражаларида (фоизларда) ифодаланган бўлса, TIMSS ва PIRLS тадқиқотларида халқаро **1000 балли шкала** бўйича баҳоландилар.

PISA тадқиқотининг ўқиш саводхонлиги бўйича республикадаги натижа **8,8%** баҳолаш натижаларини қайд этган. Бу натижа халқаро **1000** балли шкала бўйича **88** баллга тўғри келади. Солишириш учун, **PISA-2018** тадқиқотларида Филиппин давлати **440** балл билан энг охирги натижани қайд этган.

PISA тадқиқотининг табиий-илмий саводхонлик йўналиши бўйича республикадаги ўртача умумий баҳолаш натижалари **12%** ни ташкил этди. Ушбу натижани халқаро **1000** балли шкала бўйича солиширилса, **120** баллни ташкил этади. **PISA-2018** тадқиқотларида Доминика республикаси **336** балл билан энг охирги натижани қайд этган.

PISA тадқиқотининг математик саводхонлик бўйича республикадаги умумий ўртача натижа **14,4%** ниташкилэтади. Бу натижа халқаро **1000** балли шкала бўйича **144** баллга тўғри келади. Агар **PISA-2018** тадқиқотлари натижаларига солиширилса, ушбу тадқиқотда Доминика республикаси **325** балл билан энг куйи натижани қайд этган.

TIMSS тадқиқотлари бўйича платформанинг статистик маълумотлари натижаларга қўра, республика бўйича математика фанидан умумий натижа **203,7** баллни ташкил этади. Ушбу натижани **2019 йил ўтказилган TIMSS**

тадқиқотлари натижаларига солиштирилса, тадқиқотда Қатар давлати **8-синф ўқувчилари** математика фани бўйича **457 балл билан энг қуи натижаларни қайд этган бўлса**, Италия давлати **4-синф ўқувчилари** математика фани бўйича 515 балл билан рейтингни яқунлаб берган.

TIMSS тадқиқотининг табиий фанлар бўйича республикадаги 4- ва 8- синф ўқувчиларининг умумий натижаси **211** баллни ташкил этади. Ушбу натижани халқаро натижаларга солиштирилса, **2019 йил ўтказилган TIMSS тадқиқотларида Оман давлати 8-синф ўқувчилари табиий фан бўйича 457 балл билан энг қуи натижани кўрсатган бўлса, Кипр давлати 4-синф ўқувчилари 511 балл билан рўйхатни охирини банд этган**.

STesting платформасида **PIRLS** халқаро баҳолаш тадқиқотларида **500 000** дан ортиқ ўқувчилар иштирок этдилар. Ўқиб тушуниш бўйича мамлакатимизда Наманган вилоятининг бошланғич синф ўқувчилари **244 балл** билан нисбатан энг яхши натижани кўрсатган бўлса, Андижон вилоятининг бошланғич синф ўқувчилари **40** балл билан нисбатан энг қуи натижани қайд этганлар. Ушбу натижани халқаро натижаларга солиштирилса, **2016 йил ўтказилган PIRLS тадқиқотларида** Жанубий Африка Республикасининг бошланғич синф ўқувчилари **320** балл билан энг қуи ўринда рўйхатни яқунлаб берганлар.

Ушбу келтирилган ва солиштирилган натижалар билан республикадаги мактаб ўқувчиларининг халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик ишлари жуда суст кетяпди деб хулоса қилишдан йироқмиз. Натижаларнинг пастчиққанига бир нечта сабабларни келтириш мумкин:

биринчидан, мамлакатимиз ўқувчиларида халқаро баҳолаш дастурлари доирасидаги топшириқларга нисбатан кўникмалари энди-энди шаклланиб бормоқда;

иккинчидан, натижалари паст чиққан баъзи бир худудларда ўқувчилар худди ўқитувчилар томонидан мажбуран тести ишлашга ундалгандек таассурот уйғотди, сабаби, аксарият ўқувчилар топшириқ матнини ўқимасдан турли

белгилар ёки топшириқ жавобига умуман алоқаси бўлмаган матнларни киритганлар. Шунинг ҳисобига, худудларда умумий баҳолаш натижалари тушиб кетган. Аслида, ўқувчи сал диққат билан топшириқ матни билан танишиб чиқса, жавобни тўғри киритади.

Натижаси яхши чиққан худудларга ҳам тегишли бўлган **“салбий”** хulosamizni баён этиб ўтсак. Баъзи худудларда, мактаб ўқитувчиларининг ўзи рейтинг **“яхши”** чиқиши учун ўқувчиларнинг платформага кириш учун мўлжалланган логин ва паролидан ўқувчиларнинг шахсий кабинетига кириб уларнинг тетсларини ишлаб қўйган вазиятлар ҳам учради. Тест топшириқларини жуда ҳам тез **3 минут** ичида бажариб қўйган. Ва бутун синф ўқувчиларининг натижалари бир хил жавобга эга эканлигидан ушбу хulosага келинди.

Сирдарё, Тошкент вилояти, ҚҚР, Навоий ва Жиззах вилояти мактабларида халқаро баҳолаш дастурларига тайёргарлик ишлари тўғри йўлга қўйилган. Буни ўқувчиларнинг ойма-ой ўсиб бораётган натижалар динамикасидан билиш мумкин.

Япон услубидаги академик ютуқлар тестининг Ўзбекистонга мослигини ўрганиш мақсадида олиб борилган **Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA)** томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари ва **STesting** платформасида олиб борилган тадқиқот натижалари солиштирилди.

Ҳар икки тадқиқотнинг умумий натижаларига қўра бир-бирига яқин натижалар қайд этилган худудларни қўришимиз мумкин. Масалан, Навоий вилояти ўқувчилари **JICA** тадқиқотига қўра, **43,3%** ўзлаштириш натижалари билан нисбатан энг яхши натижани қайд этган бўлса, **TIMSS** тадқиқотларида ҳам ушбу вилоят ўқувчилари **29,1%** баҳолаш натижалари билан энг яхши натижалардан бирини кўрсатганлигига гувоҳ бўламиз. Тошкент вилояти ўқувчилари, ҳар икки тадқиқот натижаларига қўра ҳам бир хил **30%** натижаларни қайд этган. Республика бўйича **JICA** тадқиқоти бўйича натижалар **34%** ни ташкил этса, **TIMSS** тадқиқоти математика фани бўйича баҳолаш натижалари **20,3%** ни ташкил қиласди.



ТАКЛИФЛАР

Халқаро баҳолаш дастурлари топшириқлари асосида ўтказилган тадқиқот натижалари таҳлиллари ўқувчиларда XXI аср қўнирма ва компетенцияларни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилиши лозимлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун эса, қуйидаги тизимли ишларни амалга оширишни таклиф қилинади:

- фан ўқитувчилари учун замонавий методикаларга асосланган мақсадли малакасини ошириш курсларини ташкил этиш;
- инновацион ўқитиш усулларини жорий қилиш;
- ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш;
- ўқувчиларда мулоҳаза юритиш ва мантиқий фикрлаш қўникмаларини шакллантириш;
- ўқувчиларда хулоса чиқариш, баҳолаш ва вазиятга нисбатан ўз фикрини баён эта олиш қўникмаларини ривожлантириш;
- дарсликларга халқаро баҳолаш дастурларига ўхшаш топшириқлар мажмуини сингдириш;
- халқаро баҳолаш дастурлари топшириқларига оид қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва мактабларга етказиш;
- таянч мактабларда ташкил этиладиган ўқувлар сифатини яхшилаш;
- ўқувчиларда ахборот технологияларидан фойдаланиш қўниқмасини шакллантириш;

- дарсларда мавзуларга мос халқаро баҳолаш тадқиқотлари доирасидаги топшириқлардан фойдаланишни йулга қўйиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш (синфлар ва мавзулар кесимида);
- ўқувчиларда эгаллаган билимларини ҳаётий вазиятларда қўллай олиш кўникмасини шакллантириш;
- мактаб, туман, вилоят ва республика миқёсида турли танловлар ташкил этиш ва рағбатлантириш ишларини йўлга қўйиш;
- синфдан ташқари машғулот (тўгарак)лар режаси ва мазмунига халқаро баҳолаш тадқиқотлари топшириқларини сингдириш;
- STesting электрон платформасидаги статистик натижаларни ойма-ой таҳлил қилиб бориш ва бўшлиқларни аниқлаш;
- аниқланган бўшлиқлар юзасидан ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш;
- тест ва таълим натижалари паст бўлган мактабларни қўллаб-қувватлаш;
- юқори натижаларга эришган мактабларни барқарор ривожлантириш стратегиясини қўллаб-қувватлаш.
- таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш орқали ўқувчиларни халқаро баҳолаш тадқиқотларига тайёрлаш.

Муаллифлар:

Б.Саидов

У. Шарифходжаев

А.Раджиев

Ф.Каримов

С.Азимов

М. Эргашева

Н.Таштемирова

М. Ахмедов

Тақризчилар:

Х.Туйчиева

У. Асранова

Мухаррирлар:

Н.Ражабова

Б.Режапова

Саҳифаловчи дизайнер

Ж. Сайдалиев

Ш. Олимов



Shamshod Olimov
+998 99 108-21-61

www.avloniy.uz